

**O‘ZBEKISTON AGRAR FANI
XABARNOMASI**



ВЕСТНИК АГРАРНОЙ НАУКИ УЗБЕКИСТАНА

**BULLETIN OF THE AGRARIAN SCIENCE OF
UZBEKISTAN**



LOYIHA RAHBARI VA TASHABBUSKORI:

O'zbekiston Respublikasi
Qishloq xo'jaligi vazirligi

Toshkent davlat agrar
universiteti

BOSH MUHARRIR:

Komolitdin SULTONOV

BOSH MUHARRIR O'RINBOSARI:

Laziza G'OFUROVA

IJROCHI DIREKTOR:

Baxtiyor NURMATOV

MAS'UL KOTIB:

Ubaydullo RAHMONOV

Dizayner-sahifalovchi:

Ulug'bek MAMAJONOV

Nashr O'zbekiston Respublikasi
Oliy attestatsiya komissiyasining
ilmiy jurnallar ro'yxatiga olingan.

O'zbekiston Respublikasi
Prezidenti huzuridagi Axborot
va ommaviy kommunikatsiyalar
agentligi tomonidan 2022-yil
25-fevralda 1548-sonli guvohnoma
bilan qayta ro'yxatga olingan.

Jurnal 2000 yil aprel oyida tashkil topgan
jurnal bir yilda 6 marta chop etiladi.

Bosishga ruxsat etildi: 31.05.2022.
Qog'oz bichimi 60x84¹/₈.
Ofset usulida bosildi. Buyurtma №11.
Adadi: 100 nusxa.

«Agrar fani xabarnomasi» MCHJ
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili: Toshkent viloyati,
Qibray tumani, Universitet ko'chasi,
2-uy.

O'ZBEKISTON AGRAR FANI XABARNOMASI

1/2022

Ilmiy-amaliy jurnal

Tahrir hay'ati raisi:

Jamshid Xo'djaev

O'zbekiston Respublikasi Qishloq xo'jaligi vaziri
Toshkent davlat agrar universiteti rektori

Tahrir hay'ati a'zolari

Sh.Teshaev

M.Mazirov

K.Sultonov

SH.Nurmatov

S.Islamov

U.Norqulov

F.Nurjanov

E.Berdiev

U.Djumaniyozov

S.Sharipov

A.Abduvasikov

T.Shamsiddinov

A.Xasanov

Y.Yuldashev

S.Yuldasheva

U.Ballasev

X.Bo'riev

E.Axmedov

I.Vasenov

K.Buxorov

R.Dustmurotov

S.Jo'rayev

A.Qayumov

M.Odinayev

Ta'sischi:

«Agrar fani xabarnomasi» MCHJ

Manzil: 100164, Toshkent, Universitet ko'chasi 2-uy, ToshDAU.

Tel: (+99871) 260-44-95. Факс: 260-38-60.

E-mail: nurmatovbaxtiyor868@gmail.com

Maqolada keltirilgan fakt va raqamlar uchun
mualliflar javobgardir.

ВЕСТНИК АГРАРНОЙ НАУКИ
УЗБЕКИСТАНА

BULLETIN OF THE AGRARIAN
SCIENCE OF UZBEKISTAN

МУНДАРИЖА

Деҳқончилик ва мелиорация

М.А.Тухтамишев. Турли усулда ва тартибларда суғоришнинг тупроқнинг сув ўтказувчанлигига таъсири.....	5
А.С.Шамсиев, Х.К.Алланов, Ж.С.Эшонкулов, М.А.Тухтамишев. Такрорий муддатдаги соя навлари парваришига тупроқ намлигининг таъсири.....	7
U.Yu.Charshanbiyev, X.K.Allanov, O.A.Sottorov, L.H.Safaraliev, M.B.Ro'ziyeva. Amarant (amaranthus) o'simligini yetishtirishda organik o'g'itlarni qo'llash.....	9
Р.С.Бобоноров. Қашқадарё воҳаси суғориламан оч тусли бўз тупроқларнинг ҳозирги ҳолати ва унумдорлигини бошқариш муаммолари.....	14

Ўсимликшунослик

Т.Э.Остонакулов, Ш.М.Холмурадов, И.Х.Нуруллаев. Ширин маккажўхори ҳар хил муддатларда эртаги ва такрорий экилганда ўсиши, маҳсулдорлик кўрсаткичлари ва ҳосилдорлиги.....	20
Д.Ёдгорова, Б.Жобборов. Роль растений в детоксикации вредных загрязнителей окружающей среды.....	22
Ф.Ф.Бобоев. Қарши тумани шароитида буғдойни экиш муддатларининг дон ҳосилдорлигига таъсири.....	25
Ҳ.Ш.Мейлиева. Арпанинг болғали нави дон ҳосилдорлигига минерал ўғитларнинг таъсири.....	27
С.Х.Закиров, З.Ш.Муҳидова, Н.Г.Отамирзаев. Природный биостимулятор повышающий урожайность риса.....	29

Тупроқшунослик ва агрокимё

Т.Э.Остонакулов, С.Ф.Суннатова, ХЭ.Хуррамов. Кузги сидерат экинларни яшил ўғит сифатида қўллашнинг эртаги картошка соғлом юқори ҳосил олишда аҳамияти.....	33
Гафурова Л.А., Шамуратова Г.М. Қишлоқ хўжалиги тизимини автоматлаштириш хусусида.....	35
Б.Т.Жобборов. Тошкент вилоятидаги айрим саноат тармоқларини атроф муҳитга таъсири.....	39
Д.Х.Бердиев. Сарийосиё тумани «И.Диёров» хўжалиги бўз тупроқлар минтақаси асосий суғориладиган тупроқларининг айрим кимёвий хоссалари.....	42
X.N.Karimov, A.U.Ahmedov, N.A.Nurmetov, G'.A.Xojambergenov. O'tloqi allyuvial tuproqlarda og'ir metallarning to'planishi.....	44
X.H.Karimov., A.U.Ahmedov, J.P.Xushmurodov., D.Usmonova. Суғориладиган тупроқларнинг гумус ҳамда озиқа элементлари билан таъминланиши.....	48
Л.А.Мирзаев, Д.У.Ғофуров. “Минерал ўғитларнинг ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар шароитида такрорий мошнинг ўсиши ва ривожланишига таъсири”.....	50
М.Х.Диёрова, С.Н.Холиқова. Оч тусли бўз тупроқлардаги асосий физиологик гуруҳ микроорганизмларнинг миқдори.....	53
А.М.Разаков. Основные свойства почв каракалпакского устьярта и их использование под пастбища.....	56
M.I.Nurmatova, A.A.Akhunov. Concentrations of proline and malondialdehyde in cotton under hyperthermia.....	59

Мевачилик ва сабзавотчилик, полизчилик

М.Х.Диёрова, Т.Э.остонакулов, Ш.Н.Лутфуллаев. Помидор турли навлари ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигининг ўғитлаш меъёрларига боғлиқлиги.....	64
Т.Э.Остонакулов, Х.И.Саидмурадов, С.Т.Тошпўлатова. Қашқадарё худудида эртаги картошкадан юқори ҳосил олиш технологиясининг асосий жиҳатлари.....	66
М.Х.Ҳақимова, Т.Э.Остонакулов, Д.М.Лмирова. Ўта эртаги муддатда экилган тарвуз дурагайларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва қантдорлиги.....	69
Sh.Sh.To'yuchiyev. Pomidorni plyonka ostiga ekishda o'simlik balandligi va yon navdalari soniga ta'siri.....	71

Ўсимликларни химоя қилиш

Р.А.Рахмонов, Н.К.Бекмухамедова, М.С.Мамиев, Л.И.Зайнитдинова. Антагонистическая способность местных микромицетов к возбудителям болезни томатов.....	76
Р.О.Атоева. «Зерокс» иммуностимулятор - ғўзанинг илдииз чириш касаллигига нисбатан чидамплигини оширади.....	78

Зоотехния ва ветеринария

Н.А.Каримов. Выращивание прудовой рыбы в условиях предгорной зоны Узбекистана.....	82
Н.А.Каримов. Корма источник интенсификации прудового рыбоводства.....	85

Ўрмончилик

I.B.Asqarov, M.A.Oxunov. Ochiq urug'li xushmanzara o'simliklarning ko'chatlarini yetishtirishda mineral o'g'itlarni qo'llash.....	90
---	----

Муаммолар. Муҳокамалар. Фактлар

Sh.Islomova. Olmosh haqida umumiy ma'lumot. Ishora so'zlar tushunchasi haqida.....	94
S.T.Nurmanova. Muhammad Yusuf lirikasi qoraqalpoqcha ohangda.....	96
Г.А.Умарбекова. Вопросы теории контроля в обучении иностранным языкам.....	98
Г.А.Умарбекова. Обучение навыкам перевода научно технической литературы.....	100

ДЕХҚОНЧИЛИК ВА МЕЛИОРАЦИЯ



УЎТ: 633.1+631.6

М.А.ТУХТАМИШЕВ

ТУРЛИ УСУЛДА ВА ТАРТИБЛАРДА СУҒОРИШНИНГ ТУПРОҚНИНГ СУВ ЎТКАЗУВЧАНЛИГИГА ТАЪСИРИ

Аннотация: Мазкур мақолада Жиззах вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида 2019-2021 йиллар давомида соя навларини етиштиришда тупроқнинг сув ўтказувчанлигининг мавсум боши ва охирида аниқланган тажриба натижалари асосидаги маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар. Ўтлоқи бўз тупроқ, соя навалри, сув ўтказувчанлик, м³/га, мм/мин.

МАВЗУНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ.

Бугунги кунда дунё аҳолисининг сони ошиб бориши натижасида озиқ-овқатга бўлган талаби кун сайин ортиб бормоқда. Ер юзидида 122,1 млн. гектар майдонда соя экинни асосий ҳамда такрорий экин сифатида парваришланиб, йиллик ялпи дон ҳосили 220,6 млн.тоннани ташкил этади. Бразилия, АҚШ, Аргентина ва бошқа давлатлар соя дони экспорт қилувчи, Хитой, Корея ва бошқа Осиё мамлакатлари эса асосий импорт қилувчи давлатлар ҳисобланади. Дунё бўйича 2020 йилда 162 млн. тонна соя дони етиштирилган бўлса, бу кўрсаткич 2030 йилга бориб 371 млн. тоннани ташкил қилиши кутилмоқда. Бунинг учун такрорий экин сифатида соя экинни етиштириш агротехнологияси элементларини янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат, ўсимлик мойи ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ қондириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш муҳим стратегик вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган.

ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАДИ.

Жиззах вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида парвариш-

ланган соянинг “Нафис” ва “Орзу” навларидан юқори ҳосил олиш учун мақбул суғориш усуллари ва тартибларини ишлаб чиқишдан иборат.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ.

Механик таркиби энгил қумоқ тупроқларда сув ўтказувчанлик юқори бўлса, механик таркиби оғир тупроқларда анча паст бўлади. Тупроқни ушбу хусусияти муҳим омиллардан бири ҳисобланиб, озиқа элементларини ўзлаштирилишида аэрация даражаси муҳитини яхшиланишида, ўсимлик илдириш системасини баравж ривожланишида ва тупроқ шўрини ювилишида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Тажриба даласида 2019–2021 йиллар мавсум бошида ва мавсум охирида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги аниқланди. Мавсум бошида тупроқнинг сув ўтказувчанлик хусусияти умумий фонда, мавсум охирига келиб вариантлар бўйича 2 та нуқтада 6 соат давомида аниқланиб, ҳар бир соатда кетган сув ҳисоб-китоб қилиб борилди. Жиззах вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида олиб борилган тажриба даласидаги сув ўтказувчанлик ўсимликларнинг ўсув даврининг бошида юқори сув ўтказувчанликка эга бўлса мавсум даврининг охирига келиб сув ўтказувчанлик пасайганлигини гувоҳи бўлди, бунга сабаб шундан иборатки, соя ўсимлиги парваришланган далада бажарилган агротехник тадбирларнинг ҳисобига тупроқнинг хажм оғирлиги ва бунга мутаносиб равишда ғовақлигининг камайиши сабабли тупроқлардаги сув ўтказувчанлиги ҳам камайганлиги тажриба вариантларида ўс исботини топди.

1-жадвал.

Турли суғориш усуллари ва тартибларининг тупроқнинг сув ўтказувчанлигига таъсири (м³/га, мм/мин). (2019й.)

Вариантлар	Соатлар, минут						м ³ /га	мм/мин
	1	2	3	4	5	6		
Мавсум бошида								
1-вариант	348	250	82	36	19,0	9,4	744,4	0,21
2-вариант	341	244	79	38	21	7	730,9	0,20
3-вариант	342	249	88	29,9	14	5	717,9	0,19
4-вариант	370	235	74	25	12,6	6,8	723,4	0,20
5-вариант	361	244	83	28	17,2	7,8	741,0	0,21
6-вариант	345	236	78	28	16	5,9	708,9	0,19
7-вариант	356	229	91	35	17	6	734,0	0,20
8-вариант	363	239	101	28	21	9	661	0,21
9-вариант	317	246	94	34	18	5	754	0,20
10-вариант	355	219	106	41	14	3	738	0,20
11-вариант	401	212	73	32	13,5	4,5	736	0,20
12-вариант	399	174	65	28	17	5	688	0,19

Турли суғориш усуллари ва тартибларининг тупроқнинг сув ўтказувчанлигига таъсири (м³/га, мм/мин). (2019й.)

Вариантлар	Соатлар, минут						м ³ /га	мм/мин
	1	2	3	4	5	6		
Мавсум охирида								
1-вариант	284	198	65	28	12	9	596	0,17
2-вариант	291	176	71	19	17	4	578	0,16
3-вариант	278	185	76	16	13	5	573	0,16
4-вариант	288	194	81	21	15	6	605	0,17
5-вариант	272	180	72	23	14	7	568	0,16
6-вариант	264	178	99	25	19	10	595	0,16
7-вариант	259	199	87	14	9	4	572	0,16
8-вариант	284	149	105	34	17	6	596	0,17
9-вариант	276	167	78	24	13	2	560	0,16
10-вариант	285	165	66	33	17	5	571	0,16
11-вариант	251	151	93	35	28	5	563	0,16
12-вариант	210	155	76	65	54	10	570	0,15

Суғориладиган ўтлоқ бўз тупроқларнинг мавсум даври бошида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида гектарига 744 м³ ни, 74,4 мм ни ёки 0,21 мм/мин ни ташкил қилди. Амал даври давомида тажриба даласига суғориш ишлари ҳамда агротехник тадбирлар амалга оширилиши ҳисобига амал даври охирига бориб, тупроқнинг сув сингдириш қобилиятлари пасайди. Катта миқдордаги сув ўтказувчанлигининг пасайиши такрорий экин учун шароитида (назорат) варианты суғорилганда, камроқ миқдордаги ҳолат эса суғоришлар тупроқнинг 0–70 сантиметрли ҳисобий қатламда ЧДНС га нисбатан 75–75–65 % чегарасида олиб борилган вариантларда кузатилди.

Олиб борилган тадқиқотнинг мавсум охирига бориб барча вариантларда тупроқнинг сув сингдириш қобилиятлари пасайиб борди.

Тажриба даласида катта миқдордаги сув ўтказувчанлигининг пасайиши такрорий экин соя экилган ишлаб чиқариш шароитида ҳўжалиқда қабул қилинган

меъёрлар яъни 70–70–60 % назоратда суғорилган 1-7 вариантларда кузатилди ва ишлаб чиқариш шароитида 6 соат давомида 41 миллиметрни ёки 0,11 мм/минутни ташкил қилди. Камроқ миқдордаги ҳолат 0–50 ва 0–70 см ли ҳисобий қатламида суғоришлар ЧДНС га нисбатан 75–75–65 % чегарасида олиб борилган 5-6 ва 11-12 вариантларда содир бўлди ва шунга мувофиқ ҳолда 6 соат давомида 60 ва 58 мм/га ёки 0,17; 0,16 мм/минутга тенг бўлганлиги аниқланди. Тажрибанинг 7-8 ва 9-10 вариантларидаги ҳолат оралиқ ўринни эгаллади.

ХУЛОСАЛАР.

Жиззах вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида олиб борилган тадқиқотларда 1-вариант (назорат)да 6 соат давомида 0,21 мм/мин, мавсум охирига келиб бу кўрсаткич 0,17 мм/мин. Тажрибанинг 12-вариантда қатор орасига плёнка тўшаб суғорилган вариантда 6 соат давомида сув ўтказувчанлик мавсум бошида 0,19 мм/мин мавсум охирида эса 0,15 мм/мин ташкил этган.

Тошкент давлат аграр университети

АДАБИЁТЛАР

1. Нематов У. (2017) Соя етиштиришнинг тупроқ ҳажм массасига таъсири. Агро илм-Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги журнли, 2(46), 35
2. Сотторов О. (2019) Соя навлари поя баландлигига суғориш тартибларининг таъсири. Ўзбекистон қишлоқ ва сув ҳўжалиги журнали №8, 37
3. Сотторов О. (2019) Соя навларини суғоришлар сони ва меъёрлари. Агро илм журнали, №4, 37-38
4. Холиқов Б. (2016) Такрорий экин: Деҳқонга-даромад, ерга-мадор. Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги журнали, №5, 11

ВЛИЯНИЕ ОРОШЕНИЯ НА ПОКАЗАТЕЛИ ПОСТОЙЧИВОСТИ ПОЧВ ПРИ РАЗЛИЧНЫХ СПОСОБАХ И ПРОЦЕДУРАХ

Аннотация: Водопроницаемость почвы в статье также зависит от многих факторов с агрофизическими свойствами почвы. На это свойство влияет насыпная плотность, пористость и механический состав грунта.

Ключевые слова. Почва, вода, агрофизическая, объемная, весовая, пористость, механическая.

EFFECTS OF IRRIGATION ON SOIL PERMANITY PERFORMANCE IN DIFFERENT METHODS AND PROCEDURES

Аннотация: The water permeability of the soil in the article also depends on many factors with the agrophysical properties of the soil. The bulk density, porosity, and mechanical composition of the soil affect this property.

Keywords. Soil, water, agrophysical, volumetric, weight, porosity, mechanical.

УЎТ: 633.1+631.4

А.С.ШАМСИЕВ, Х.К.АЛЛАНОВ, Ж.С.ЭШОНҚУЛОВ, М.А.ТУХТАМИШЕВ

ТАКРОРИЙ МУДДАТДАГИ СОЯ НАВЛАРИ ПАРВАРИШИГА ТУПРОҚ НАМЛИГИНИНГ ТАЪСИРИ

Аннотация: Ушбу мақолада соянинг “Нафис” ва “Орзу” навларини ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида ўсув даври давомида турли усул ва тартибларда суғоришнинг тупроқдаги намлик миқдори етарли даражада бўлиши унинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил тўплашидаги аҳамияти бўйича илмий тадқиқот натижалари баён қилинган.

Калит сўзлар. Соянинг, Нафис, Орзу навлари, тупроқ, намлик, ҳосилдорлик.

КИРИШ.

Бугунги кунда дунё мамлакатларида аграр соҳада экинларни етиштиришда сув танқислиги муаммоси кузатилаётганини ҳисобга олиб, аҳоли сонини ортиб бориши билан етиштириладиган дон ҳосилини ошириш ҳамда сифатини яхшилашда суғориш усули ва тартибларини тўғри белгилаш талаб этмоқда. Ҳозирги пайтда дунё аҳолисини ўсимлик мойига бўлган талабини қондириш, озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашда кузги бошоқли экинлардан кейин такрорий экин сифатида экиладиган соя навларини мақбул суғориш усули ва тартибларини ишлаб чиқиш, ўсимликнинг сув истеъмолини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Президентимизнинг ПФ-5303 сон 2018 йил 16 январдаги “Мамлакатнинг озиқ-овқат ҳавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, ПФ-6024-сон 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари ва ПҚ-2832-сон 2017 йил 14 мартдаги “2017–2021 йилларда республикада соя экин экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг мақсади. Жиззах вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида парваришланган соянинг “Нафис” ва “Орзу” навларидан юқори ҳосил олиш учун мақбул суғориш усуллари ва тартибларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижалари: Ўртача уч йилда суғориш олдидан тупроқ намлигини чекланган дала нам сиғимига нисбатан 70-70-60 фоиз атрофида сақлаб туриш учун соянинг Нафис (1, 2, 3-вар.) ҳамда Орзу навларини (7, 8, 9-вар.) амал даврида 1 маротаба, суғориш олди тупроқ намлигини чекланган дала нам сиғимига нисбатан 75-75-65 фоиз атрофида сақлаб туриш учун эса соя навларини 2 маротаба суғориш талаб этилди.

Суғориш муддатлари ва меъёрлари соя навлари ҳамма эгатдан суғорилган (1, 4, 7, 10-вар) вариантларда гуллашига қадар 0-50 см, дуккакларини шакилланиши даврида 0-70 см ва пишиш даврида 0-50 см қатламдаги тупроқ намлиги миқдorigа қараб, эгат оралатиб суғорилган (2, 5, 8, 11-вар) вариантларда гуллашига қадар 0-50 см, дуккакларини шакилланиши даврида 0-50 см ва пишиш даврида 0-50 см қатламдаги тупроқ намлиги миқдorigа қараб, қатор ораларига плёнка тўшаб суғорилган (3, 6, 9, 12-вар) вариантларда эса гуллашига қадар 0-30 см, дуккакларини шакилланиши

даврида 0-50 ва пишиш даврида 0-30 см қатламдаги тупроқ намлиги миқдorigа қараб суғориш тадбирлари олиб борилди.

Олиб борилган 2019 йилдаги тадқиқотларда ЧДНС га нисбатан 70-70-60% тартиби белгиланган майдонда соянинг Нафис навини анъанавий усулда эгатлаб суғориб, парваришланган 1-вариантда (1-суғоришдан олдин) тупроқнинг 0-50 см қатламида 13,1 %, ва 0-70 см қатламда 13,9 % ни, эгат оралатиб суғорилган 2-вариантда бу кўрсаткичлар мос равишда 12,2; 13,3; ни, қатор ораларига плёнка тўшаб суғорилган 3-вариантда эса 13,9 %, 14,8 %, га тенг бўлиб, қатор оралатиб мульчалаш усули қўлланилганда мульчаланмасдан суғорилганга нисбатан қатламлар бўйлаб 0,8; 0,9 % гача намлик захираси кўплиги кузатилди.

ЧДНС га нисбатан 70-70-60% суғориш олди тупроқ намлиги белгиланган майдонда соянинг Орзу навини анъанавий усулда суғориб, парваришланган 7-вариантда (1-суғоришдан олдин) тупроқнинг 0-50 см қатламида 12,9 %, 0-70 см қатламда 13,8 % ни, эгат оралатиб суғорилган 8-вариантда бу кўрсаткичлар мос равишда 13,2; 14,5 % ни, қатор ораларига плёнка тўшаб суғорилган 9-вариантда эса 13,8 %, 15,0 % ни ташкил этиб, бу эса қатор оралатиб мульчалаш усули қўлланилганда мульчаланмасдан суғорилганга нисбатан қатламлар бўйлаб 0,9; 1,2 % гача намлик захираси кўп бўлганлиги аниқланди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки ЧДНС га нисбатан тупроқ намлиги 70-70-60 % бўлганда кузги буғдойнинг дон ҳамда сомон ҳосилини йиғиштириб олингандан сўнг такрорий экин сифатида соянинг Орзу навини етиштиришда суғоришда плёнка ёрдамида қатор оралатиб мульчалаш усули қўлланилганда бошқа суғориш усуллари қўлланилганга нисбатан 0-50 см қатламида 0,9 %, 0-70 см қатламда 1,2 %, гача суғоришдан олдинги тупроқнинг нам захираси юқори бўлгани аниқланди.

Олиб борилган 2019 йилдаги тадқиқотларда суғоришдан сўнг ЧДНС га нисбатан 70-70-60% тартиби белгиланган майдонда соянинг Нафис навини анъанавий усулда эгатлаб суғориб, парваришланган 1-вариантда тупроқнинг 0-50 см қатламида 16,5%, 0-70 см қатламда 17,2 %, ни, эгат оралатиб суғорилган 2-вариантда бу кўрсаткичлар мос равишда 15,7; 16,9 % ни, қатор ораларига плёнка тўшаб суғорилган 3-вариантда эса 15,8 %, 16,6 % га тенг бўлди.

ЧДНС га нисбатан 70-70-60% суғориш олди тупроқ олди намлиги белгиланган майдонда соянинг Орзу навини анъанавий усулда суғориб, парваришланган 7-вариантда (1-суғоришдан кейин) тупроқнинг 0-50 см қатламида 17,1 %, 0-70 см қатламда 17,6 % ни, эгат оралатиб суғорилган 8-вариантда бу кўрсаткичлар мос равишда 16,5; 16,8 % ни,

қатор ораларига плёнка тўшаб суғорилган 9-вариантда эса 15,9; 17,0 % ни ташкил этгани аниқланди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки ЧДНС га нисбатан тупроқ намлиги 70-70-60 % бўлганда тақрорий экин сифатида соянинг Нафис ҳамда Орзу навларини етиштиришда суғоришда плёнка ёрдамида эгатларни қатор оралатиб мульчалош усули қўлланилганда бошқа суғориш усуллари қўлланилганга нисбатан 0-50 см қатламида 0,7-1,2 % гача, 0-70 см қатламда 0,6-0,6% гача, суғоришдан кейинги тупроқнинг нам заҳираси кам олиними, бу эса суғоришда сувни кам истемол қилиш деб изоҳланади.

Олиб борган тадқиқотларимизда тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60% бўлганда соянинг Нафис ҳамда Орзу навларини етиштиришда суғоришдан олдинги тупроқнинг намлигига нисбатан суғоришдан кейинги тупроқнинг намликлари ҳар эгатдан суғорилганда келтирилган қатламлар бўйича 3,4-4,2; 3,3-3,8 % гача, эгат оралатиб суғориш тадбири олиб борилган, мульчалош ўтказиб, суғорилган вариантларда эса 1,9-2,1; 1,8-2,0 % гача фарқланганлиги кузатилди. Эгатларга плёнка билан қатор оралатиб мульчалош ўтказиб, суғорилганда бошқа суғориш усуллари қўлланилганга нисбатан қатламлар бўйлаб 1,5-2,1; 1,5-1,8 % гача кам намлик олганлиги кузатилди. Тадқиқотнинг қолган йилларида ҳам шунга яқин натижалар олинган (18, 19, 20, 21, 22, 23, 24-иловаларга қаранг). Олиб борилган тадқиқотларда ЧДНС га нисбатан 75-75-65% тартиби белгиланган майдонда соянинг Нафис навини аънавий усулда эгатлаб суғориб, парваришланган (1-суғоришдан олдин) 4-вариантда тупроқнинг 0-50 см қатламида 13,6 %, 0-70 см қатламда 14,6 %, ни, эгат оралатиб суғорилган 5-вариантда бу кўрсаткичлар мос равишда 14,4; 15,3 % ни, қатор ораларига плёнка тўшаб суғорилган 6-вариантда эса 15,0; 15,7 % га тенг бўлиб, бу эса мульчаланмасдан суғорилганга нисбатан қатор ораси плёнка билан мульчаланганда қатламлар бўйлаб 0,6-1,4; 0,4-1,1 % гача тупроқнинг намлик заҳираси кўп бўлганлиги аниқланди.

Тупроқнинг ЧДНС га нисбатан 75-75-65% тартиби белгиланган майдонда соянинг Орзу навини аънавий усулда суғориб, парваришланган 10-вариантда (1-суғоришдан олдин) тупроқнинг 0-50 см қатламида 13,5 %, 0-70 см қатламда 14,3 фоизни, эгат оралатиб суғорилган 11-вариантда бу кўрсаткичлар қатламларга мос равишда 14,0; 15,3 фоизни, қатор ораларига плёнка тўшаб суғорилган 12-вариантда эса 15,3; 16,0 % фоизни ташкил этиб, қатор оралатиб мульчалош усули қўлланилганда мульчаланмасдан суғорилганга нисбатан қатламлар бўйича 1,3-1,8; 0,7-1,7 % гача намлик заҳираси кўп бўлганлиги аниқланди.

Шуни таъкидлаш жоизки тупроқ намлиги ЧДНС га нисба-

тан 75-75-65% бўлганда ҳам юқоридаги қонуният сақланиб қолиб, соянинг Орзу навини етиштиришда суғоришда плёнка ёрдамида эгатларни қатор оралатиб мульчалош усули қўлланилганда бошқа суғориш усуллари қўлланилганга нисбатан 0-50 см қатламида 1,8 %, 0-70 см қатламда 1,7 % гача тупроқнинг нам заҳираси кўп бўлиши аниқланди.

Олиб борилган тадқиқотларда ЧДНС га нисбатан 75-75-65% тартиби белгиланган майдонда соянинг Нафис навини аънавий усулда эгатлаб суғориб, парваришланган (1-суғоришдан кейин) 4-вариантда тупроқнинг 0-50 см қатламида 15,6 %, 0-70 см қатламда 16,7 % ни, эгат оралатиб суғорилган 5-вариантда бу кўрсаткичлар мос равишда 16,0; 17,0 % ни, қатор ораларига плёнка тўшаб суғорилган 6-вариантда эса 15,4; 16,4 % га тенг бўлиб, бу эса мульчаланмасдан суғорилганга нисбатан қатор ораси плёнка билан мульчаланганда қатламлар бўйлаб 0,2-0,6; 0,3-0,6 % гача тупроқнинг намлик заҳираси кам бўлганлиги сабабли намликни кам олганлиги аниқланди.

Тупроқнинг ЧДНС га нисбатан 75-75-65% тартиби белгиланган майдонда соянинг Орзу навини аънавий усулда суғориб, парваришланган 10-вариантда (1-суғоришдан кейин) тупроқнинг 0-50 см қатламида 15,9 %, 0-70 см қатламда 16,1 % ни, эгат оралатиб суғорилган 11-вариантда бу кўрсаткичлар қатламларга мос равишда 15,9; 16,2 % ни, қатор ораларига плёнка тўшаб суғорилган 12-вариантда эса 15,4; 16,6 % ни ташкил этиб, қатор оралатиб мульчалош усули қўлланилганда мульчаланмасдан суғорилганга нисбатан қатламлар бўйича 0,5; 0,5 % гача намлик заҳираси кам бўлганлиги аниқланди. Шуни таъкидлаш жоизки тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-65% бўлганда соянинг Нафис ҳамда Орзу навларини етиштиришда суғоришдан олдинги тупроқнинг намлигига нисбатан суғоришдан кейинги тупроқнинг намликлари ҳар эгатдан суғорилганда келтирилган қатламлар бўйича 2,0-2,4; 2,1-1,8 % гача, эгат оралатиб суғориш тадбири олиб борилган вариантда 1,6-1,9; 1,7-0,9 % гача, эгатларга плёнка билан қатор оралатиб мульчалош ўтказиб, суғорилган вариантларда эса 0,4-0,1; 0,7-0,6 % гача фарқланди.

Эгатларга плёнка билан қатор оралатиб мульчалош ўтказиб, суғорилганда бошқа суғориш усуллари қўлланилганга нисбатан қатламлар бўйлаб сув сарфини камайиши ва 1,6-2,3; 1,4-1,2 % гача кам намлик олганлиги кузатилди.

ХУЛОСАЛАР

Олиб борилган илмий изланишда соя навларини амал даври давомида Чекланган дала нам сифимига нисбатан 70-70-60% ва 75-75-65% суғориш олди тупроқ намликлари бўйича +2 % атрофида намликлар бўйича суғориш ишлари вариантлар бўйича амалга оширилди.

Тошкент давлат аграр унверситети

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида ПФ-5853 сон 2019 йил 23 октябрь
2. Ж.Эшонқулов, Б.С.Камилов, А.С.Шамсиев, Б.С.Насиров, Х.Шералиев, М.П.Зиятов Appropriate irrigation procedures and cultivation agrotechnology of soya and sunflower varieties planted as reproductive crops PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/ Egyptology Niderlandiya. SCOPUS/ E-ISSN online: 567-214X. PJAE, 17 (16) 2020 Kvartal: Q3 CiteScore 2020: 0.2
3. Карабаев И. (2016). "Сояни анғизга экишда ерга ишлов бериш усулларнинг тупроқ сув ўтказувчанлигига таъсири" «Агро илм» 6(44), 29
4. Сотторов О. (2019) Соя навларини суғоришлар сони ва меъёрлари. Агро илм журнали, №4, 37-38
5. Холиқов Б. (2016) Тақрорий экин: Деҳқонга-даромад, ерга-мадор. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали, №5, 11

ВЛИЯНИЕ ВЛАЖНОСТИ ПОЧВЫ НА ВЫРАЩИВАНИЕ ПОВТОРЯЮЩИХСЯ ТЕНЕВЫХ СОРТОВ

Аннотация: В данной статье описаны результаты научных исследований о значении орошения сортов «Нафис» и «Орзу» в условиях лугово-серых почв для достаточного роста влажности почвы в течение вегетационного периода разными способами и приемами.

Ключевые слова. Сорта Тень, Элегант, Мечта, почва, влажность, урожайность.

EFFECT OF SOIL MOISTURE ON CARE OF REPEATED SHADOW VARIETIES

Annotation: This article describes the results of scientific research on the importance of irrigation «Nafis» and «Orzu» varieties in the conditions of meadow-gray soils for sufficient growth of soil moisture during the growing season in different methods and procedures.

Keywords. Shade, Elegant, Dream varieties, soil, moisture, yield.

UO'T: 631.5/445.152/559

U.Yu.CHARSHANBIYEV, X.K.ALLANOV, O.A.SOTTOROV,
L.H.SAFARALIEVA, M.B.RO'ZIYEVA

AMARANT (AMARANTHUS) O'SIMLIGINI YETISHTIRISHDA ORGANIK O'G'ITLARNI QO'LLASH

Annotatsiya: Ushbu ilmiy maqolada Amarant (*Amaranthus*) o'simligini yetishtirishda organik o'g'itlarning ta'siri o'rganilgan. Bu o'simlikning mevalarida protein miqdori 16-20% ni tashkil qiladi. Oqsilni tashkil etadigan aminokislotalar to'plami ko'krak sutining tarkibiy qismlari bilan bir xil ekanligi aniqlangan, shu bilan bir qatorda amarantni yetishtirishda organik o'g'it (biogumus va mahalliy o'g'it) larning ta'siri kabi ma'lumotlar keltirilgan.

Kalit so'zlar: Amarant, tuproq, qatlam, gumus, mikroelement, o'simlik, gektar, vegetatsiya, davr, organik o'g'it, biogumus, me'yor, nav.

KIRISH.

Dunyo aholisining 2030-yilga borib, oziq-ovqat mahsulotlariga bo'lgan talab 50% ga oshishi, 2050-yilda esa, dunyoda aholini qishloq xo'jaligi va chorvachilik mahsulotlariga bo'lgan talabini qondirish uchun 2006-yilga nisbatan mahsulotlar ishlab chiqarish 60% gacha o'sishi lozimligi qayd etilmoqda [1, 2].

O'zbekistonda olib borilayotgan islohotlarni amalga oshirishda yerlardan unumli foydalanish uchun donli ekinlardan hisoblangan Amarant o'simligini boshqoqli don ekinlari bilan almashlab ekish tizimida yetishtirish hisobiga aholini un mahsulotlari bilan ta'minlashda, chorva mollariga shirali, yuqori oqsilli ozuqalar etkazib berish qatorida, tuproqning agrotuzilmaviy xususiyatlarini va unumdorligini saqlash hamda oshirish imkoniyatini yaratib, ekologik sof mahsulotlar olish imkoni yaratildi.

O'zbekistonda amarant o'simliklari so'nggi yillarda foydali va quvvatli mahsulot sifatida ommalashib borayotgan qadimiy ekin bo'lib, undan mo'l hosil olish imkoniyatlariga erishish mumkin. Bugungi kunda dunyo xalqlarining asosiy oziq-ovqat mahsulotlaridan biri bo'lgan amarant – yuqori ozuqaviy quvvatga ega qishloq xo'jaligi ekin bo'lib, uning tarkibidagi oqsil qariyb barcha o'simlik oziq mahsulotlariga qaraganda ko'proq ekanligi aniqlangan.

2020-2021 yillarda O'zbekistonda yaxshilangan navlar ilk bor turli agroekologik mintaqalar: Toshkent viloyati, Sirdaryo havzasidan tortib Qizilqumning qumli tuprog'ida sinovdan o'tkazildi. Siroq e'tibor kam hosilli va yuqori darajada sho'rlangan Orol bo'yi erlarida amarant yetishtirishga tuproq sho'rlanishini

kamaytirishga qaratilmoqda. «Qoraqalpog'istonning 70–80 foiz hududi sho'rlangan bo'lib, Amarant - ko'p suv ichmaydigan sho'rlanishga chidamli va kam xarajat talab qiladigan ekin bo'lib, murakkab agrar va ekologik sharoitlarga yaxshi moslashadi. Maqsadimiz qurg'oqchil, sho'rlangan va qishloq xo'jaligi uchun yaroqsiz yerlarda amarantni daromadli va ozuqaviy ekin sifatida yetishtirishdan iboratdir [1, 2].

ILMIY TADQIQOTNING USHLUBLARI.

Olib borilgan ilmiy tadqiqotlarda fenologik kuzatuvlarni o'tkazish, tuproq, o'simlik namunalari olish va tahlilga tayyorlash va laboratoriya tahlillari «Dala tajribalarini o'tkazish ushlublari», «Metodika polevogo opita», tuproqning agrofizik va agrokimyoviy tahlillari «Metodi agroximicheskix analizov pochvi i rasteniy Sredniy Azii» uslubnomalari asosida o'tkazilib, amarant hosili bo'yicha olingan ma'lumotlarning aniqligi va tasdiqlanganligi esa B.A.Dospexovning ko'p omilli uslubi yordamida matematik-statistik tahlil qilindi.

ILMIY TADQIQOTNING MAQSADI.

Toshkent viloyatining tipik bo'z tuproqlari sharoitida amarant o'simligining Oq va qizil amarant navlaridan organik dehqonchilik usulida ekologik toza yuqori don hosili yetishtirishda organik o'g'itlar qo'llash tizimini ishlab chiqish.

TADQIQOTNING VAZIFALARI:

- Toshkent viloyatining tipik bo'z tuproqlari sharoitida tuproq-iqlim sharoitlariga mos, jahon talablari darajasidagi ekologik toza yuqori va sifatli don hosil beradigan amarant o'simligining oq va qizil amarant navlarini yetishtirish;

O'ZBEKISTON AGRAR FANI XABARNOMASI

- organik o'g'itlar va ko'chat qalinligining amarantni o'sish-rivojlanishiga ta'sirini aniqlash;
- oziqa me'yori, ko'chat qalinligining bir dona shingildagi don vazniga ta'sirini aniqlash;
- amarant navlarida organik o'g'it me'yori va ko'chat qalinligining don hosiliga ta'sirini aniqlash.

TADQIQOTNING ILMIY YANGILIGI.

Toshkent viloyatining tipik bo'z tuproqlar sharoitida Oq amarant va Qizil amarant navlaridan yuqori don hosili yetishtirish agrotexnologiyasi elementlari, organik o'g'itlar bilan oziqlantirish me'yori ishlab chiqiladi;

turli organik o'g'itlar bilan oziqlantirish tartiblarining amarant navlarini o'sib-rivojlanishi, hosildorligi, donining sifat ko'rsatkichlariga ta'siri aniqlanadi.

TADQIQOT OB'EKTI VA O'TKAZISH USLUBIYATI.

Tadqiqot Toshkent viloyatining TDAU qoshidagi "Extension" markazining tipik bo'z tuproqlar sharoitida olib borildi.

Dala tajribasi 6 ta variant 4 ta takrorlashda o'tkazildi. Tajribani qo'yish, kuzatishlar, hisob va tahlillarni qilishda B.A. Dospexovning «Metodika polevogo opita» (1979) va O'ZPITda ishlab chiqilgan «Dala tajribalari uslubiyatidan (2007) foydalanildi [3, 4]. Tajriba bo'laklarining o'lchami 72 m² (1-jadval). Urug'ni ekish 60x25-1 tizimda ekildi.

TADQIQOT NATIJALARI VA ULARNING MUHOKAMASI.

Toshkent viloyatining tipik bo'z tuproqlarida mahalliy va xorijiy amarantning **Oq amarant va Qizil amarant** navlaridan yuqori don hosili yetishtirish agrotexnologiyasini ishlab chiqish bo'yicha 2020-2021 yillarda Toshkent viloyatining tipik bo'z tuproqlari sharoitida tajribalar olib borildi. Tajribani olib borish davomida ikkita navda biogumus va organik o'g'it (chiriltgan go'ng) bilan oziqlantirib, o'simliklarning o'sishi, rivojlanishi, hosil elementlari


va hosildorligiga ta'siri aniqlandi.

O'simliklarni urug'ini ekish ishlari 22.04.2020-19.04.2021 muddatlarda amalga oshirildi. Urug'lar 4-5 kun o'tib unib chiqishni boshladi.

Oq amarantning nazorat (o'g'itsiz) birinchi variantida pishib yetilish oldidan ko'chat soni 126523 dona/ga, biogumus gektariga 5,0 tonna qo'llanilgan variantda 138455 dona/ga, organik o'g'it (chiriltgan go'ng) gektariga 20,0 tonna solingan variantda 136200 dona/ga ko'chat qolganligi aniqlandi.

Qizil amarantning nazorat (o'g'itsiz) variantida pishish oldidan 128115 dona/ga bo'lgan bo'lsa, biogumus gektariga 5,0 tonna qo'llanilgan ikkinchi variantda 139100 dona/ga, organik o'g'it (chiriltgan go'ng) gektariga 20,0 tonna solingan variantda 137135 dona/ga ko'chat borligi aniqlandi.

O'simlikning 1 ta ro'vakdagi don vazni o'lchanganda Oq amarantning nazorat (o'g'itsiz) birinchi variantda 18,3 g., biogumus gektariga 5,0 tonna qo'llanilgan ikkinchi variantda 24,5 g., organik o'g'it (chiriltgan go'ng) gektariga 20,0 tonna solingan uchinchi variantda 22,6 g. ni tashkil qilgan (2-jadval).



1-rasm. Oq va qizil amarant o'simligini hosildorligiga organik o'g'itlarni ta'siri

1-jadval

Tajriba tizimi

№	Ekin turi	O'g'it qo'llash	Organik o'g'it me'yori, t/ga
1.	Oq amarant	Nazorat (o'g'itsiz)	-
2.		Biogumus	5,0
3.		Chirigan go'ng	20,0
4.	Qizil amarant	Nazorat (o'g'itsiz)	-
5.		Biogumus	5,0
6.		Chirigan go'ng	20,0

2 - jadval

Oq va qizil amarant o'simligini o'sib-rivojlanishigi organik o'g'itlarni ta'siri 2020-2021 yy

№	Variant	O'g'it me'yori, t/ga	Ko'chat soni, dona/metr	Ro'vak og'irligi, g		1 ta ro'vakdagi don vazni, g	1000 dona don vazni, g	
				Ho'l	Quruq			
1.	Oq amarant	Nazorat (o'g'itsiz)	-	126523	333,5	80,0	18,3	4,4
2.		Biogumus	5,0	138455	537,2	123,6	24,5	5,8
3.		Go'ng	20,0	136200	456,4	109,5	22,6	5,5
4.	Qizil amarant	Nazorat (o'g'itsiz)	-	128115	345,9	83,0	18,5	4,5
5.		Biogumus	5,0	139100	545,7	125,5	24,4	5,9
6.		Go'ng	20,0	137135	460,2	110,4	23,1	5,6

To'rtinchi variantda 18,5 sm. bo'lgan bo'lsa, biogumus gektariga 5,0 tonna qo'llanilgan beshinchi variantda 24,4 g., organik o'g'it (chirtilgan go'ng) gektariga 20,0 tonna solingan oltinchi variantda 23,1 g. bo'lgan.

Oq amarantning 1000 ta don vazni o'lchanganda nazorat (o'g'itsiz) birinchi variantda 4,4 g., biogumus gektariga 5,0 tonna qo'llanilgan ikkinchi variantda 5,8 g., organik o'g'it (chirtilgan go'ng) gektariga 20,0 tonna solingan uchinchi variantda 5,5 g. ni tashkil qilgan.

Qizil amarant o'simlik (to'rtinchi variantda) 4,5 g. bo'lgan bo'lsa, biogumus gektariga 5,0 tonna qo'llanilgan beshinchi variantda 5,9 g., organik o'g'it (chirtilgan go'ng) gektariga 20,0 tonna solingan oltinchi variantda 5,6 g. Bo'lgan (2-jadval).

Olib borilgan tajriba variantlarda hosildorlik hisoblanganda birinchi variantda 23,2 s/ga, ikkinchi variantda 33,9 s/ga, uchinchi variantda 30,8 s/ga, to'rtinchi variantda 23,7 s/ga, beshinchi variantda 33,9 s/ga va oltinchi variantda 31,7 s/ga don olindi (1-rasm).

XULOSA.

1. Yuqoridagi tajriba natijalariga ko'ra, oq va qizil amarant o'simligini Toshkent vilyatining tipik bo'z tuproqlari sharoitida organik dehqonchilik usullari bilan yetishtirish mumkin. Organik o'g'itlarni qo'llash evaziga amarant o'simligidan organik, sifatli va yuqori hosil olish mumkin.

2. Amarant o'simligi yetishtiriladigan maydonlarga organik o'g'it (mahalliy o'g'it) solish hosil sifatining yuqori bo'lishini ta'minlaydi.

Toshkent davlat agrar universiteti

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

- Allanov X.K., Sottorov O.A., Normurodova M. Amarant o'simligini etishtirish texnologiyasi AGRO ILM 2021 yil, 2-ilova (72)-son
- Abdullaev M.SH. Sprinklernoie oroshenie rasteniy amaranta v usloviyax Uzbekistana//Universum: texnicheskie nauki: elektron nauchnyy jurnal 2021. 5 (86)
- Dospexov B.A. "Metodika polevogo opita" M.: 1979 g. S. 271-274.
- Nurmatov Sh. va boshqalar. Dala tajribalarini o'tkazish uslubi. T.: 2007. B. 80-83.

Аннотация. В данной научной статье рассматривается влияние органических удобрений на выращивание растения Амарант (Amaranthus). Содержание белка в плодах этого растения составляет 16-20%. Установлено, что набор аминокислот, входящих в состав белка, совпадает с компонентами грудного молока, а также данные о влиянии органических удобрений (биогумуса и местных органический удобрений) на выращивание амаранта.

Ключевые слова: Амарант, почва, слой, гумус, макроэлемент, растение, гектар, вегетация, период, органическое удобрение, биогумус, норма, сорт.

Annotation: Annotation: In this scientific article, the impact of the organic fertilizer on growing of plant Amaranthus is learnt. The fruits of the very plant contain 16-20% protein. It was discovered that, amino acids which are responsible for producing protein are the same as protein in human breast milk. Furthermore, in this article information about an effect of the bio topsoil and local fertilizer is given.

Keywords: Amaranthus, soil, layer, humus, macronutrient, plant, hectare, vegetation, period, organic fertilizer, biohumus, norm, variety.

УЎТ: 333.93.(045)

М.Г.НАЗАРОВ., Ж.Ш.ПОЁНОВ

ҚАШҚАДАРЁ ҲАВЗАСИ СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК ЭКОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада асосий эътибор Қашқадарё ҳавзаси сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масалари инobatга олган ҳолда, вилоятнинг ижтимоий экологик ҳолати шу билан биргаликда илмий амалий аҳамияти баён этилган. Қашқадарё ҳавзасининг сув омборлари, ер ости ва ер усти сувларининг захираси, уларнинг вилоят доирасида тугган ўрни қишлоқ хўжалқ ерларининг сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари, минераллашув даражаси, муҳофазаси ҳамда оптималлаштириш масалалари тўғрисида баён қилинган.

Калит сўзлар: Сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, тупроқ эрозияси, ландшафт, ресурс,полоса, барқарор социал ривожланиш, суғориладиган ер, оптималлаштириш.

КИРИШ.

Сув хўжалиги - қишлоқ хўжалиги, аҳоли ва саноатни сув билан таъминлаш, гидроэнергетика, сув транспорт, балиқчилик каби халқ хўжалигининг барча соҳалари эҳтиёжини қондириш мақсадида сув ресурсларидан оқилона ва комплекс тарзда

фойдаланишни таъминлайди. Сув хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бўлиб, сувни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари, дарё оқимини ростлаш ва қайта тақсимлаш, сувнинг (салбий) зарарли таъсири (сув тошқини, сел келиш, тупроқ эрозияси ва х.к.) га қарши кураш, дам олиш

зоналарини бунёд этиш ҳам ҳисобланади. [3]

Сув- Қашқадарё вилояти аҳолиси турмуш даражасини таъминлайдиган ҳамда сотсиал ва табиий муҳитга таъсир кўрсатадиган, иқтисодий, барқарор сотсиал ривожланишни муҳим табиий ресурсдир.

Ишнинг мақсади ва вазифалари: Қашқадарё ҳавзаси сув ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий географик экологик масаларини тадқиқ қилишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун тадқиқот ишида қуйидаги вазифалар белгиланди:

- тадқиқот доирасида адабиётлар таҳлилини олиб бориш;
- Қашқадарё ҳавзаси сув ресурслар захираларини ўрганиб таҳлил қилиш;

- Қашқадарё ҳавзаси сув ресурслар билан боғлиқ экологик масалаларини таҳлил қилиш;

- сув ресурслар билан боғлиқ геоэкологик вазиятларни оптималлаштириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш.

АСОСИЙ ҚИСМ.

Қашқадарё вилоятида сув ресурсларининг 92% и қишлоқ хўжалигида фойдаланилади ва асосий муаммо ҳам шу соҳани етарли даражада сув билан таъминлаш масалаларига бориб қадалмоқда. Қашқадарё ҳавзасида мансуб бўлган дарёлар сув сарфининг йил давомида мавсумлар бўйича ўзгариб туриши, нотекис тақсимланиши ҳамда қишлоқ хўжалик экинларини суғориш даври эҳтиёжлари орасида катта тафовут мавжуд. Дарёларда сув режимининг ёгин-сочин билан боғлиқлигини назарда тутган ҳолда дарёларни оқимини тартибга солиш ва бошқариш ҳамда маҳаллий сув ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадларида вилоят ҳудудида 2533,7 млрд.м³ миқдоридagi 14 та сув омбори барпо этилди ва уларнинг сув ресурслари ҳозирги пайтда суғоришга ва бошқа мақсадларда фойдаланилмоқда. Уларнинг 4 тасини ҳажми 20 млн м³ дан 386 м³ гача бўлиб, уларнинг умумий сув йиғиш ҳажми 2455 млн м³ 2455 м³ ёки вилоятдаги сув омборларидаги сувнинг 96,6 % ини ташкил этади. Улардан энг йириги- Қарши бош каналдан Амударё суви билан тўлдириладиган Таллимаржон сув омбори бўлиб, унинг ҳажми 1525 млн м³ ҳисобланади.

Қашқадарё ҳавзаси қатламлар орасида жойлашишига ва минераллашув даражасига кўра турли хил бўлган ер ости сувларининг ҳам анча катта захиралари аниқланган. Ҳавзада ҳозирга вақтда 5,5 минг та ер ости қудуғининг 1120 тасидан ичимлик суви олинади. Ушбу қудуқлардан жами 262.6 млн м³ сув чиқарилган бўлса, шунинг 182,4 млн м³ идан истеъмол учун фойдаланилади [4].

Вилоятда сув ресурсларининг чекланганлигига қарамасдан уни тежашга етарлича эътибор қаратилмаяпти. Суғоришда меъёридан кўп миқдорда сув олиниши суғориладиган ва уларга туташган майдонларда грунт сувларининг кўтарилишига, тупроқларнинг қайта шўрланишига сабаб бўлмоқда. Масалан, Қарши чўлининг ҳозирги суғориладиган ҳудудларида ер ости сувларининг сатҳи чўлнинг ўзлаштирилишига қадар 20 - 30 метр чуқурликда бўлган, аммо суғориш туфайли ҳозирги пайтда 5-7 метр , баъзи жойларда эса 2-5 метрни ташкил этади. 2020-йил маълумотида кўра, суғориладиган ерлардан 242,92 минг га турли даражада (ўртача шўрланган ерлар – 48,4 минг га, кучсиз шўрланган ерлар – 181,53 минг га, кучли шўрланган ерлар – 12,99 минг га) шўрланган.

Амалда кенг қўлланилиб келинаётган, экинларни юза бўйлаб эгатлар орқали суғориш технологияси маълум миқдорда сувнинг буғланишига, каналлар ва далада ерга шимиллишига, эгатларнинг охирида сувнинг бир қисми ташламага оқизилишига ўхшаган бир қатор нуқсонларга эга бўлгани учун сувдан фойдаланиш коэффитсиенти ўртача 0,3-0,4 дан

ошмаяпти. Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишдаги энг муҳим масалалардан бири-бу магистрал, хўжаликлараро ва хўжалик ички каналларининг тизимини такомиллаштиришдан иборат. Экин экиладиган даланинг ўзида эса замонавий, сувни тежовчи яъни томчилатиб суғориш мақсадга мувофиқ. Тупроқнинг илдиз қатламида энг мақбул намликни сақлашга имкон берадиган суғориш технологияларини босқичма-босқич йўлга қўйишга эътиборни кучайтириш лозим. Тадқиқотларга кўра, тупроқдаги нам сифимини суғориш ёрдамида 65-70% гача бўлган ораликда сақлаб турилиши энг оптимал даражани ташкил этади. Бу ҳолда тупроқ намликка тўйиниб, экин яхши ривожланади.

Умуман олганда , сув табиатда тугамайди ва тикланадиган ресурслар гуруҳига мансуб. Аммо, сув ресурсларининг маконда ва замонда миқдори ўзгариб туради. Ёгингарчилик кам бўладиган кўроқчил йилларда сув ресурсларининг миқдори умумий жиҳатдан кескин камаяди. Бунинг натижасида сув тақчиллиги намоён бўлади. Бундан ташқари, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, сув ресурслари ишлаб чиқаришнинг муайян тармоқларида фойдаланиш учун сифат жиҳатдан яроқсиз ҳолга келиб қолиши мумкин.

Қашқадарё вилоятида аҳоли сонининг ўсиши, шаҳарларнинг ошиши саноат корхоналарининг кўпайиши, энергетиканинг ривожланиши, суғориладиган ерлар майдонининг кўпайиши ва бошқа сабаблар йилдан йилга сувга булган эҳтиёжни ва сув ҳавзаларига оқар сувларга ташланадиган оқава сувлар ҳажмининг ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Янги (нефт-газ, кимё, энергетика, озик-овқат, тўқимачилик ва б.) саноат тармоқларининг вужудга келиши ва ривожланиши, турмушда ва ишлаб чиқаришда турли кимёвий моддалардан фойдаланиш ишлатилган оқава сувларнинг таркибига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Сув ҳавзаларининг ифлосланишида тобора кўпроқ кимёлаштирилаётган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг роли ҳам ортиб бормоқда. Сув ҳавзаларига ёмғир ва ер ости сувлари билан биргаликда ўғит ва заҳарли кимёвий моддалар ташланмоқда. Қашқадарёнинг юқори қисмида (Варганза қишлоғига) сувнинг минераллашув даражаси 0,3 г/л паст ва тоза сувли дарёлага киради. Варганза қишлоғидан сувнинг минераллашув даражаси 0,3-0,4 г/л га етади ва кучсиз ифлосланган дарё ва сув ҳавзалари гуруҳига киритилади. Қашқадарёга Китоб тумани ҳудудидан бошлаб кўплаб зовур сувлари ташланади. Шу сабабли дарё сувининг минераллашув даражаси ҳам оқим бўйлаб тобора ортиб боради. Сувларнинг сифат жиҳатдан муҳофаза қилиниши биринчи навбатда зовур – дренаж сувларининг чиқариб юборилиши билан боғлиқ.

Қашқадарё ҳавзасининг катта-кичик дарёлари табиий ҳосиларга сифатида муҳим ландшафт ҳосил қилувчи аҳамиятга эга. Дарёларнинг ландшафт ҳосил қилувчи аҳамияти сув йиғиладиган ҳавзага тушадиган намликни қуритади. Уларнинг экологик аҳамияти эса сув йиғиладиган ҳавзада ва ўзанда биологик системалар орасида таркиб топган ўзаро муносабатларни бир маромда сақлашда, яъни инсон томонидан кўрсатиладиган муайян таъсирлардан озми-кўпми барқарор бўлган экосистемани асрашда намоён бўлади. Ҳавза доирасида дарёларнинг сувларини муҳофаза қилиш уларнинг атрофларидаги ўрмонларни (умуман ўсимликларни) муҳофаза қилишдан бошланиши зарур. Шунингдек, дарёларнинг узанлари яқинидаги туқай ландшафтларини асраш, туқайлар бўлмаган жойларда эса дарахтзорлар барпо этиш лозим. Дарё ва сойларнинг сув

йиғадиган ҳавзаларида, айниқса уларнинг манбаларида тупроқ қопламанинг ўта зичлашиб қолишидан ва ер ости булоқларининг атрофларини асраш мақсаларида молларни боқошнинг аниқ илмий асосланган қоидаларини ишлаб чиқиш зарур.

Дарёларни муҳофаза қилишда уларнинг узанларининг ҳолатини асраш ва яхшилаш ҳам муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Бундай тадбирлар узан жараёнларининг табиий типини асрашга имкон беради. Дарёларнинг оқими ўзгартирилган шароитларда, масалан узан сув омборлари барпо қилинганда, уларнинг қирғоқлари бўйлаб ва қайирларида бутали ва дарахтли ўсимликларни экиш лозим. Ҳозирги пайтда бундай тадбирлар дарёлар, сойлар ва сув омборларининг қирғоқлари бўйлаб қирғоқбўйи полосалари ва муҳофаза зоналарини бунёд этиш орқали амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқилган қоидаларга мувофиқ, сохилбўйи сувни муҳофаза қилиш полосанинг кенглиги 20 м дан 100 м гача белгиланади. Бу полоса доирасида ердан хўжалиқда фойдаланишнинг ҳар қандай шакли тақиқланади. Бу полосада фақат қирғоқ ҳимояси ихтозорларини бунёд қилиш ва пичанзорлар учун ўтлоқлар барпо қилишга доир тадбирлар ўтказилиши мумкин. Сув муҳофазаси зонасининг кенглиги 500 м дан кам бўлмаслиги лозим ва унга қайр ва водийнинг тик ёнбағирлари қиради. Сув муҳофазаси зонаси доирасида самолётлардан кимёвий моддаларни сепиш, чорва фермаларини ва уларнинг оқава сувларини тўпловчи иншоотларни жойлаштириш, нефт маҳсулодлари ва ўғит сақланадиган омборларини, ҳаракатланувчи техника воситаларига хизмат кўрсатиш ва ювиш пунктларини, ахлат ва чиқиндилар ташлаш учун мосламалар қуриш тақиқланади. Сув муҳофазаси сохил бўйи полосасида ерларни ҳайдаш, мол боқиш, чодирли шаҳарчаларни, автомобилларни қўядиган жойларни ташкил этиш ва бошқа тадбирларни ўтказишга рўхсат берилмайди.

Сувларнинг кимёвий ифлосланиши уларга турли заҳарли моддаларнинг тушиши (аниқроғи, туширилиши) туфайли рўй беради. Кимёвий ифлосланишнинг манбаларини қора ва рангли металлургия, тоғ-кон, кимё саноати корхоналари ва анча катта миқёсда экстенсив қишлоқ хўжалиги ҳосил қилади. Шунингдек, оқова сувлардан ташқари сув ҳавзаларида ҳаводан тушадиган ифлословчи моддалар ҳам қўшилади.

Дарё ва ер ости сувларининг сифатини сақлаб қолишда саноат, корхоналари, ва энергетика саноати коммунал-маиший корхоналарда фойдаланилган сувларни турли усулларда тозалаб, табиатга қайтариш ёки берк технологик тизимни қўллаш муҳим экологик аҳамиятга эга.

Қашқадарё вилоятида ҳозирги пайтда дарёларнинг умумий узунлиги 1103,94 км бўган қисмида 6827,82 га қирғоқбўйи зонаси, 39702,5 га сув муҳофазаси полосаси мавжуд. Шунингдек, умумий узунлиги 72,3 км бўлган сойлар бўйлаб 292,25 га майдон муҳофаза қилинадиган полоса қилиб белгиланган. Сув омборларининг умумий узунлиги 30,928 км бўлган қирғоқлари бўйлаб 2406,88 га қирғоқбўйи зонаси ва 7776,13

га муҳофаза остига олинган полоса ташкил этилган.

Қашқадарё вилояти мамлакатимизнинг асосий қишлоқ хўжалиги районларидан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш хусусан 1950-1970 йилларда авж олди. Айни шу йилларда Қарши чўлининг ўзлаштирилиши, бу ерда суғориш инфратузилмаларини қуриб ишга туширилиши пахтачиликка ихтисослашган туман ва хўжаликларни ривожланишига олиб келди.

XX асрнинг иккинчи ярмида бунёд этилган Қарши Бош канал ва 14 та сув омборининг қурилиши воҳа деҳқончилигида катта аҳамият касб этди. Бу суғориш иншоотлари ҳудудида суғориладиган ерлар майдонининг жуда тез кенгайиб боришига сабаб бўлди ва суғориладиган ҳудудларнинг майдони ҳам кенгайди. Қашқадарё вилоятида барпо этилган гидротехник иншоотлар ва сув заҳиралари ҳозирги вақтда суғоришда фойдаланилаётган сув омборлари ҳавзасининг ўрта оқимида янги ерларни ўзлаштириш ва олдиндан фойдаланиб келинаётган ерларнинг сув таъминотини яхшилаш имкониятини берган ҳолда вилоятда сув таъминоти муаммосини ҳал этолмайди. Чунки ҳавзанинг маҳаллий сув ресурслари сувга бўлган талабнинг 21-22% ни қондиради. Шу сабабли вилоят қишлоқ хўжалик ерларини суғориш мақсадида четдан Зарафшон ва Амударёдан сув келтирилади.

Вилоятда, айниқса Қарши чўлида ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб суғориладиган ерларнинг майдони тез кенгайтирилди ва ҳозирги пайтда суғориладиган ерлар ҳудуднинг 25-30% ини ташкил этади. Чўлнинг суғориладиган ерларидаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёнида табиатга моддаларнинг кириб келиши ёки моддалар миқдорининг ортиши, ландшафтларнинг ўзгариши содир бўлади. Бу таъсирлар ландшафтларда қайтмайдиган ўзгаришларга олиб келади. Қашқадарё воҳасининг суғориладиган ерларида, айниқса, Амударё суви билан суғориладиган Қарши чўлларининг янгидан ўзлаштирилган ерларида, сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг жуда паст эканлигидан далолат беради. Сувдан бундай самарасиз фойдаланиш воҳада сув тақчиллигини янада кескин қилиб қўймоқда.[2]

P.Harris (1981) тадиқотлари натижалари экиш меъёрининг оширилиши дон сифатига салбий таъсир қилишини ва бунда 1000 та дон массаси, уруғнинг ўсиш энергияси, унвчанлиги ва натура массасининг пасайишини кўрсатади.

Донни ҳосил бўлиш даврида юқори ҳарорат, намликни етишмаслиги, ўсимликни ётиб қолиши, касалликлар, зараркунандалар билан зарарланиши 1000 та дон массасини камайтиради. Олиб борилган тадиқотлар натижаларига кўра очиқ ва ғўза қатор ораларига экилган кузги буғдой 1000 та доннинг массасига экиш муддатлари ва меъёрлари сезиларли таъсир кўрсатди [4].

Эрта муддатда экилганда 1000 дона дон вазни очиқ майдонга СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 40,4-44,2, Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 40,9-43,5 г, ғўза қатор ораларига СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 40,3-45,5 г, Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 41,1-45,6 граммни ташкил қилди (1-жадвал). Энг юқори 1000 дона дон вазни ғўза қатор ораларига Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 5 млн.дона унвчан уруғ ҳисобида экилганда кузатилиб, бунда 1000 дона дон вазни 43,6 граммни ташкил этди.

Ўрта муддатда экилганда 1000 дона дон вазни очиқ майдонга СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 39,72-44,4 г, Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 39,9-44,2 г, ғўза қатор ораларига СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 40,1-43,8 г, Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 41,3-45,1 граммни ташкил қилди. Энг юқори 1000 дона дон вазни ғўза қатор ораларига Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 5 млн.дона унвчан уруғ ҳисобида экилганда кузатилиб, бунда 1000 дона дон вазни 43,0 граммни ташкил этди.

Кеч муддатда экилганда 1000 дона дон вазни очиқ майдонга СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 39,1-42,3 г, Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 38,8-41,7 г, ғўза қатор ораларига СЗУ-3,6 сеялкасида экилганда 39,1-42,4 г, Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 39,2-43,4 граммни ташкил қилди. Энг юқори 1000 дона дон вазни ғўза қатор ораларига Фанкхаузер-2115 сеялкасида экилганда 5 млн.дона унвчан уруғ ҳисобида экилганда кузатилиб, бунда 1000 дона дон вазни 41,4 граммни ташкил этди.

Тадиқот тажрибаларида 1000 та дон массаси экиш муддатлари ва меъёрларига боғлиқ ҳолда 38,8 граммдан 45,6 граммгача ўзгарди. Барча экиш муддатларида экиш меъёрлари ошиб бориши билан 1000 та дон массасининг камайиб бориши аниқланди.

ХУЛОСА.

Экиш меъёрининг оширилиши дон сифатига салбий таъсир қилади ва бунда 1000 та дон массаси, уруғнинг ўсиш энергияси, унвчанлиги ва натура массасининг пасайишини кўрсатади.

Кузги бугдой навлари

№	Вариантлар		Нав номи	1000 дона дон вази				
				Эрта муддат	Ўрта муддат	Кеч муддат	Ўртача	
1	Очиқ майдон	Фанкхаузер-2115 сеялкада экиш	5 млн дона	Ғозгон	41,2	40,4	38,8	40,2
2				Бунёдкор	43,5	43,2	41,7	42,8
3				Яксарт	41,3	41,7	41,0	41,3
4			5,5 млн дона	Ғозгон	41,6	39,9	39,1	40,2
5				Бунёдкор	42,9	44,2	41,2	42,8
6				Яксарт	41,2	40,9	39,7	40,6
7			6 млн дона	Ғозгон	40,9	40,9	38,8	40,2
8				Бунёдкор	42,4	42,3	41,7	42,1
9				Яксарт	41,6	40,7	39,2	40,5
10		СЗУ-3,6 сеялкада экиш	5 млн дона	Ғозгон	40,4	40,0	39,7	40,0
11				Бунёдкор	44,2	44,4	42,3	43,7
12				Яксарт	42,4	41,1	40,8	41,5
13			5,5 млн дона	Ғозгон	41,1	40,9	39,1	40,4
14				Бунёдкор	42,3	43,3	41,1	42,2
15				Яксарт	42,5	41,4	40,7	41,5
16			6 млн дона	Ғозгон	40,1	39,7	39,6	39,8
17				Бунёдкор	43,5	43,5	41,0	42,7
18				Яксарт	41,7	41,9	39,5	41,1
19	Ғўза қатор ораси	Фанкхаузер-2115 сеялкада экиш	5 млн дона	Ғозгон	42,4	41,3	40,1	41,3
20				Бунёдкор	45,3	45,1	43,2	44,5
21				Яксарт	43,0	42,7	40,7	42,1
22			5,5 млн дона	Ғозгон	41,1	42,2	39,2	40,8
23				Бунёдкор	45,6	43,6	43,4	44,2
24				Яксарт	43,4	43,4	41,3	42,7
25			6 млн дона	Ғозгон	41,8	41,7	40,2	41,2
26				Бунёдкор	44,0	44,0	42,1	43,4
27				Яксарт	43,3	42,4	40,9	42,2
28		СЗУ-3,6 сеялкада экиш	5 млн дона	Ғозгон	40,7	40,1	39,8	40,2
29				Бунёдкор	45,5	43,6	42,4	43,8
30				Яксарт	41,3	43,0	41,0	41,8
31			5,5 млн дона	Ғозгон	40,9	40,1	39,6	40,2
32				Бунёдкор	43,5	43,8	41,5	43,0
33				Яксарт	41,9	40,8	41,5	41,4
34			6 млн дона	Ғозгон	40,3	40,4	39,1	40,0
35				Бунёдкор	43,4	43,1	42,1	42,9
36				Яксарт	42,4	41,9	41,3	41,9

Қарши давлат университети ўқитувчиси

АДАБИЁТЛАР

1. Бабажанов А.Р., Рўзибоев С.Б., Мажитов Б.Х. Ердан фойдаланиш асослари. Ўқув қўлланма. Т.: ТИҚХММИ, 2017.
2. Аманов А. Ғалла экинлари. "Тафаккур қаноти". Тошкент, 2019.
3. Аманов А., Зиядуллаев З., Туфлиев Н., Холмуродов Ч., Исматов Ш., Исломов С., Ишанкулова Г., Узоқов Ф., Имомова Р. Кузги бошоқли дон экинларини етиштиришда агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш. -Қарши, 2014.
4. Б.А.Сулаймонов, Б.С.Болтаев, Р.Ш.Тиллаев, Ш.Х.Абдуалимов. Кузги бугдой ва ғўза етиштириш асослари, Тошкент, 2017.

Аннотация: В статье представлены исследования по срокам посева пшеницы, разработка ресурсосберегающих агроприемов выращивания озимых зерновых культур.

Ключевые слова. Озимая пшеница, способы посева, нормы, сроки, сеялки Фанкхаузер-2115, СЗУ-3,6, открытый грунт, междурядья хлопчатника, качество зерна, масса зерна 1000 шт.

Annotation: The article presents research on the timing of wheat sowing, the development of resource-saving agricultural practices for growing winter crops.

Key words. Winter wheat, sowing methods, norms, terms, Fankhauser-2115, SZU-3.6 seeders, open ground, cotton row spacing, grain quality, grain weight 1000 pcs.

[10,14,20,27,29].

Арпа донининг пархезбоплилик хусусиятини оширувчи бош омил калий билан озикланиши бўлиб, калий билан етарчилича ва меъёрида озиклантирилганда дондаги шакар миқдори меъёрлашиши яхшиланиб бундай дон инсон организмга кирганда қанд касаллигини бартараф этишга хизмат қилади. Калий иони арпа хужайраларида эркин ҳаракатланиб, жуда ҳам ҳаракатчан бўлишлиги сабабли ҳам нафақат азот ва фосфор алмашинувини балки бошқа органик-минерал моддалар алмашинувини ҳам бошқаради. Бироқ арпа дони етиштирилаётганда калий етишмаси нутресцин заҳарли моддаси ҳосил бўлиб арпа донининг шифобахшлилик хусусиятини кескин пасайтиради [18]. Шу билан бир қаторда арпа калий билан озиклантирилганда тупроқ эритмаси тенглиги (нейтраллиги) бузилганда калий жуда кам ва умуман ўзлаштирилмаслиги ҳам мумкин [25].

Шунинг учун ҳам арпа етиштиришда донининг мўл ва шифобахшлилик хусусиятини оширишда қўлланиладиган калийли ва бошқа минерал ўғитлар меъёрлари талаблар даражасида бўлишлиги билан бирга тупроқнинг нейтраллилик хусусияти ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида қайд этилганларни ҳисобга олиб мамлакатимиз жанубий минтақалари бўз-ўтлоқи тупроқлари шароитида арпанинг Болғали навини баҳорда экиб дон ҳосили ва сифатига минерал ўғитларнинг экологик меъёрлари таъсирини ўрганмоқдамиз.

Дала тажрибаларимиз тўрт қайтариқликда икки ярусда ўтказилаётган бўлиб, тажриба майдончалари қатор оралари 60 см бўлган жўякларда жойлаштирилган бўлиб, 4 қатори ҳисоб майдончаларидан иборат.

Объект: Косон тумани “Олтин куз” фермер хўжалиги.

Методика: Дала тажрибалари Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” (1985) бўйича ўтказилмоқда.

Натижа: Тадқиқотлардан кутилаётган асосий натижалар бошоқли дон экинлари етиштириш учун ноқулай бўлган тупроқ-иқлим шароитида арпанинг Болғали навини минерал ўғитларнинг экологик меъёрлари таъсирида мўл ва сифатли арпа дони етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш ва агрокимёвий асосларини яратишдан иборат.

Ушбу илмий амалий ечимга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажарилиши режалаштирилган:

1. Тажриба майдонларининг давтлабки ва арпа етиштирилганидан кейинги агрокимёвий ҳолатини ўрганиш.

2. Турли озуқа режимида етиштирилган арпанинг Болғали нави донининг NPK ўзлаштирилиши даражасини аниқлаш.

3. Тажриба вариантларида етиштирилаётган арпанинг Болғали навида морфологик ўзгаришларни ўрганиш.

4. Турли озуқа режимида етиштирилган арпанинг Болғали нави донидаги физика-технологик ўзгаришларни ўрганиш.

5. Тажриба вариантлари бўйича дон таркибидаги кимё-технологик ўзгаришларни ўрганиш.

6. Қашқадарё вилоятининг бошоқли дон экинлари етиштириш учун ноқулай бўлган бўз-ўтлоқи тупроқлари шароитида арпадан мўл ва сифатли дон етиштиришнинг иқтисодий самардорлигини ўрганиш ва тегишли тивсиянома ишлаб чиқиш.

ХУЛОСА

Илмий – амалий манбалар хулосалари бўйича Ўзбекистоннинг бошоқли дон экинлари етиштириш учун ноқулай бўлган бўз-ўтлоқи тупроқлари минтақаси шароитида арпани баҳорда экиб мўл ва сифатли дон ҳосили етиштиришнинг агрокимёвий асосларини яратиш актуал муаммо бўла олади.

АДАБИЁТЛАР

1. Альпатов А.М. Влагодоборот культурных растений. Л.Гидрометеоздат. 1954.
2. Атабаева Х.Н. ва бошқалар. Ўсимликшунослик. Тошкент. Меҳнат 2000й 78-81 бетлар.
3. Вавилов П.П. и другие. Растенияводство. М. Колос . 1971. С .74-77.
4. Вардья П.А. Микроэлементы в сельском хозяйстве и медицине. Киев. 1963.
5. Власюк П.А. Остапчук Е.Д. Минеральные питание. Ячмень. Физиология с/х растений. 1971. Том VI изд. МГУ..С. 500; 586-593.
6. Вардья П.А. , Рубашев Л.Б. Агрохимия. 1965. №1.
7. Горденко Е.М. удобрение и урожай. М. 1957.
8. Жемель И.Г. Записи Ленинградского с/х института. 1956. Вып-II.
9. Жизневская Г.Я. сб. Микроэлементы в сельском хозяйстве и медицине. “Киев”,1963.
10. Завгородний Ф.И. Физиология хлебных злаков (Ячмень, ржи,овес, проса) и гречихи. Водный обмен. Физиология. с/х растений. Изд. МГУ. 1970. С.579-580.
11. Каданов И.М. Удобрений и Урожай М.1959.10
12. Каданов И.М. Ячмень. М. Колос. 1964.
13. Кочетавкин А.В. Роль фосфора в обмене вещества у ячменя. Автореф. Канд. Дисс . М. 1996.
14. Липидус Л.Я. Труды Кишневского с/х института Им. И.В. Фрунзе Кишинев. 1959.
15. Малая медицинская энциклопедия. Под. Ред. В.И. Покровского . М: Советская энциклопедия, 1991.т.1.577 С.
16. Мусаев М. Баҳорги арпанинг қурғоқчиликка чидамлилигини оширишда минерал ўғитларнинг ўрни. Ўсимликлар ҳимояси ва карантини журнали. 2016. №4/12, 18-19 бетлар.
17. Плешков Б.П. Биохимия. с/х растений. Изд. АНССР 1965.
18. Улашева Г., Норкулова И. Арпа ҳосилдорлиги ва дони сифатига минерал ўғитлар меъёрлари ҳамда нисбатлари таъсири. Агрокимё ҳимоя ва ўсимликлар карантини. 2017 й.
19. Целебные злаки / Смирнова Э.Ю.М; РНПОЛ классик, 2014. 192 ст.
20. Энциклопедический справочник. Личение растениями. М. Издательский дом. «АНС» 2005, 1024ст.
21. Бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил етиштириш бўйича тавсиялар. Тошкент. ҚСХВ, 1996, 53 бет.
22. Целебные злаки/ Смирнова Э.Ю.М; РНПОЛ классик, 2014. 192 С.
23. Энциклопедический справочник. Личение растениями. М.Издательский дом. “АНС” 2005, 1024 С.
24. Ячмень // культурная флора СССР-Т. 2. ч.2// ред. В.Д. Кабылянский. М.В.Лукиянова. Л; Агропромиздат. Ленинградского отделения. 1990, 450 С.

25. Fawzy H., Overstreet and Jacobson Z/ plant physiol, 1954, 29,3.
26. Kadera J. Rostlinna vyroba 1964. 10.12.
27. Kopesky M. Rostlina Vyrova. 1965.B, 11/
28. Lehr T.T. and Wybenga T.N. plant and soil. 1958. IX.3.
29. Weaver G.E. Root levelopnment of fields creps N.S.Berkshive. 1957.

ВЛИЯНИЕ МИНЕРАЛЬНЫХ УДОБРЕНИЙ НА УРОЖАЙНОСТЬ ЗЕРНА ЯЧМЕНЯ СОРТА БОЛГАЛИ

Аннотация: Создание агрохимические основы получения высокие и качественные урожай зерна ячменя в неблагоприятной зоне сероземнолуговой почвы южного региона Узбекистана для выращивание колосовые зерновые являются актуальными проблемами.

Ключевые слова: Ячмень, минеральные удобрения, агрохимия, сероземно-луговая почва, южные регионы.

INFLUENCE OF MINERAL FERTILIZERS ON GRAIN YIELD OF BALGALI VARIETY OF BARLEY.

Annotation: Creation of agrochemical basis for obtaining high and high quality harvests of barley grain in conditions of an unfavorable zone of serozem-meadow soil in the southern region of Uzbekistan for cultivation of cereal grains are topical problems.

Key words: Barley, mineral fertilizers, agrochemistry, serozem-meadow soil, southern regions.

УДК: 633.18+547.314

С.Х.ЗАКИРОВ¹, З.Ш.МУХИДОВА², Н.Г.ОТАМИРЗАЕВ³,

ПРИРОДНЫЙ БИОСТИМУЛЯТОР ПОВЫШАЮЩИЙ УРОЖАЙНОСТЬ РИСА

Аннотация: В результате проводимых фитохимических исследований найден эффективный стимулятор роста - относящийся к классу природных сесквитерпеноидов, который при низких концентрациях и однократной предпосевной обработке семян риса заметно повышает урожайность по сравнению с применяемыми препаратами.

Ключевые слова: семена риса, стимулятор, повышение урожайности, сесквитерпеноид.

ВВЕДЕНИЕ

В последние годы для повышения урожайности сельскохозяйственных культур наряду с использованием удобрений и биологических средств защиты растений широко применяются различные природные и синтетические стимуляторы роста растений [1,2].

Следует отметить, что синтетические препараты по сравнению с природными являются токсичными и загрязняют окружающую среду. Поэтому, в настоящее время задача создания и применения дешевых, нетоксичных природных препаратов, действующих при малых концентрациях является приоритетной и актуальной. Эта проблема весьма актуальна и для возделывания риса, так как в мировом масштабе резко ощущается нехватка продуктов питания и рис является одним из основных продуктов питания жителей стран Юго-Восточной Азии. Применение биостимуляторов роста растений при допосевной обработки семян является наиболее оптимальным методом, что приводит к увеличению энергии прорастания семян, способствует получению быстрых и дружных всходов, увеличивает развитие корневой системы и биомассы растений, площадь листовой поверхности и содержание хлорофилла, повышает урожайность [3].

МЕТОДЫ

В настоящее время главным недостатком среди разрешенных для применения в сельском хозяйстве Узбекистана биостимуляторов является трудоёмкость применения, которая заключается в многократной обработке риса в процессе вегетации для повышения урожайности, а также высокая концентрация, которые обуславливают их экономическую невыгодность [4].

В связи с этим, на основе государственного прикладного проекта в течении ряда лет нами проводились исследования с целью поиска и создания экологически безвредного, эффективного и дешевого природного стимулятора, повышающего урожайность риса [5].

В результате проводимых фитохимических исследований выделен из растительного сырья природный сесквитерпеноид гваянового углеродного скелета (Препарат 1).

Биостимулирующие свойства этого сесквитерпеноида, позволяют ощутимо повысить урожайность риса при однократной предпосевной обработке семян. Ниже приведены результаты биологических исследований Препарата 1.

Рост регулирующую активность препарата определяли модельными опытами лабораторного скрининга на семенах риса сорта «Искандар». В ходе лабораторного скрининга

определяли оптимальную рост активизирующую концентрацию соединения, влияние его на посевные качества семян, рост проростков. В качестве контроля использовали семена, обработанные водой.

РЕЗУЛЬТАТЫ И ОБСУЖДЕНИЯ

Препарат 1 применяли в виде водных растворов с концентрациями 50 г/т семян, 75 г/т семян и 100 г/т семян. Семена риса замачивали раствором в указанных выше концентрациях и в воде (контроль). Экспозиция обработки 1 ч. После обработки семена раскладывали по 100 шт в чашки Петри на фильтровальную бумагу, насыщенную водой. Затем семена помещали в термостат на проращивание при температуре 25°C. Энергию прорастания определяли на 4-е сутки, всхожесть - на 7-е сутки. Для установления действия препарата на интенсивность прорастания семян определяли длину корешков и ростков в расчете на 100 проростков. Повторность в опыте 4 кратная.

Результаты лабораторного опыта приведены в табл. 1.

При наблюдении измеряли рост растений. При этом, в контрольном варианте рост растений составил 8,7 см, наибольший рост наблюдался в 2-3 вариантах – 9,6 см. В период наблюдения в лабораторных условиях установили, что разница в росте растений составляла 0,4-0,9 см.

Полевые опыты проводились в 5 вариантах 4-кратной повторности в опытных полях научно-исследовательского Института рисоводства. Проводили фенологические наблюдения над посаженным сортом риса «Искандар». При

этом, с поля каждого варианта отбирали по 10 растений и определяли рост. При наблюдении установили, что средний рост растений в контрольном варианте составил 10,5 см, а в варианте 2 – 11,5 см (см. табл. 2).

Как видно из данных таблицы 2, на всхожесть семян риса данный биостимулятор имеет большое влияние.

В таблице 3 представлены показатели урожайности риса.

При исследовании с площадей, посеянных рисом, отбирали стопки и в лаборатории проводили биометрические анализы. На основании анализов видно, что в контрольном варианте рост растений составил 127 см, длина метёлки 25,3 см, вес основной метёлки 1,8 г, вес боковой метёлки 0,8 г, а урожайность составила 55,9 центнеров с гектара. В 2-3 вариантах полевых опытов (Препарат 1 50 и 75 г/т семян) рост растения составил 135-136 см, длина метёлки- 27,9-28,0 см, вес основной метёлки 2,2 см, вес боковой метёлки 1,0-1,1 г, урожайность составила 70,4-70,3 центнеров, что составило на 14,4-14,5 центнеров выше по сравнению с контролем (см. табл. 3).

ВЫВОДЫ

Таким образом результаты проведенных испытаний показывают, что предлагаемый Препарат 1 обладает при низких концентрациях высокой рострегулирующей активностью, которая приводит к заметному повышению урожайности риса, и, тем самым, данное средство может найти широкое применение в кластерах и фермерских хозяйствах специализированных на возделывание риса.

Таблица 1.

Определение всхожести семян в лабораторных условиях

№	Варианты опытов	Кол-во семян, посаженных в чашки Петри	Среднее число проросших семян, штук	Всхожесть семян, %	Рост растения, см
1	Контроль	100	91	91	8,7
2	Препарат 1 50 г/т семян	100	96	96	9,6
3	Препарат 1 75 г/т семян	100	96	96	9,6
4	Препарат 1 100 г/т семян	100	95	94	9,5

Таблица 2

Определение всхожести семян в полевых условиях

№	Варианты опытов	Кол-во проросших растений в 1 м ² площади, штук	Всхожесть семян, %	Рост растений, см
1	Контроль	256	51,2	10,5
2	Препарат 1 50 г/т семян	281	56,2	11,5
3	Препарат 1 75 г/т семян	279	55,9	11,2
4	Препарат 1 100 г/т семян	280	55,7	10,8

Таблица 3.

Показатели урожайности

№	Варианты опытов	Число растений в 1 м ² , штук	Степень кустистости	Рост растений, см	Длина метёлки, см	Вес зерна одной метёлки, (средний), г		Вес 1000 шт. зерна, г	Биологическая урожайность, г	Реальная урожайность, ц/га
						Главная метёлка	Боковая метёлка			
1	Контроль	240	1,12	127	25,3	1,8	0,8	28,9	698	55,9
2	Препарат 1 50 г/т семян	262	1,12	135	27,9	2,2	1,0	33,3	880	70,4
3	Препарат 1 75 г/т семян	262	1,12	136	28,0	2,2	1,1	33,2	879	70,3
4	Препарат 1 100 г/т семян	258	1,10	137	26,7	2,2	0,8	32,9	851	69,1

Ташкентского Государственного Аграрного Университета¹
Астраханского государственного технического университета²
Научно-исследовательского института рисоводства³

ЛИТЕРАТУРА

1. Фанян Г.Г., Синяговский В.И., Харитонов Е.М., Бондарева Т.Н. Перспективы применения регуляторов роста в рисоводстве // Вестник Краснодарского научного центра АМАН. 1999. - Вып. 5. - С. 187-190.
2. Шеуджен А.Х., Синяговский В.И. Регуляторы роста на посевах риса. - Краснодар, 2002. - 87 с.
3. Talwar K.K., Singh I.P., Kalsi P.S. A sesquiterpenoid with plant growth regulatory activity from *Saussurea lappa*. *Phytochemistry*, 1992, V. 31, No 1, p. 336-338).
4. Список пестицидов и агрохимикатов, разрешенных для применения в сельском хозяйстве Республики Узбекистан. – Ташкент, 2007, - 216 с.
5. Z.Sh.Muxidova, R.Ziyayev, S.Kh.Zakirov. "Efficient Environmentally Safe Plant Pesticides". *International Journal of Advanced Science and Technology IJAST*. Vol.29.No.8. (2020) pp 3238-3243.

ШОЛИ ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРУВЧИ ТАБИИЙ БИОСТИМУЛЯТОР

Аннотация: Ўтказилган фитокемиквий тадқиқотлар натижасида табиий сесквитерпеноидлар синфига таълуқли самарали стимулятор яратилди, у аввал қўлланилаётган препаратларга нисбатан кичик концентрацияда шоли уруғига бир марта экишдан олдин ишлов берилганда ҳосилдорлик сезиларли даражада ортиши кузатилди.

Калит сўзлар: шоли уруғи, стимулятор, ҳосилдорликни ошириш, сесквитерпеноид.

NATURAL STIMULANT FOR INCREASING RICE YIELD

Annotation: As a result of the conducted fitochemical research, an effective stimulant was found - a natural sesquiterpenoid, which, with a single presowing treatment, allows increasing the yield of rice more than the drugs used.

Key words: rice, stimulant, increased yield, sesquiterpenoid.

ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ

УЎТ: 635.21:631.52:631.874

ОСТОНАҚУЛОВ Т.Э., СУННАТОВА С.Ф., ХУРРАМОВ Х.Э.

КУЗГИ СИДЕРАТ ЭКИНЛАРНИ ЯШИЛ ЎҒИТ СИФАТИДА ҚЎЛЛАШНИНГ ЭРТАГИ КАРТОШКА СОҒЛОМ ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШДА АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мақолада турли сидерат экинларнинг ўсиши, ривожланиши, биомасса ва уруғ ҳосилдорлиги хусусиятлари ҳамда уларни яшил ўғит сифатида қўлланилганда картошка ўсиши, ривожланиши, тупнинг шаклланиши, ҳосилдорлиги, товар ва уруғбоп ҳосил чиқими, кўпайиш коэффициенти ҳамда айниган туганаклар салмоғига таъсири батафсил келтирилган.

Картошка *Sylvana* нави ўсимлигининг кўлай ўсиши, ривожланиши, маҳсулдор тупларнинг ва старли барг юзаси шаклланишига (69,3-72,0 минг м²/га) сидерат экинлар сифатида рапс, горох, кўк хантал ва горох + мойли турп қўлланилганда кузатилади. Шунда энг юқори (38,0-39,3 т/га) ҳосилдорлик, товар ва уруғбоп ҳосил, кўпайиш коэффициенти, энг кам айниган туганаклар салмоғи қайд этилган.

Калит сўзлар: сидерат экинлар, яшил ўғитлар, ўсиш, ривожланиш, ҳосилдорлик, биомасса, уруғ, товар ҳосил, кўпайиш коэффициенти.

КИРИШ

Кейинги йилларда органик (маҳаллий) ўғитларнинг танқислиги, суғориладиган ерларда картошка + оралик экин + кузги дон экинларини қисқа навбатлаб экиш тизимининг тадбиқ этилиши сидерат экинларининг тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигига самарали таъсирини ўрганишнинг илмий ва амалий аҳамияти ортиб, картошка ва кузги дон экинларини навбатлаб экиш тизимида картошка + оралик экинларни парваришlashда тупроқ-иқлим ва ҳўжалик шароитларидан келиб чиққан ҳолда сидерат экинлари мақбул турларини белгилаш, турли (ёзги ва кузги) муддатларда етиштириш учун экиш муддати ва меъёрларини аниқлаш, яшил ўғит сифатида қўлланилганда экинлардан юқори ва сифатли экологик тоза ҳосил олиш ҳамда тупроқ унумдорлиги сақланишини таъминлайдиган изланишлар заруратини кўяди [1,2,5].

ТАДҚИҚОТ МАҚСАДИ

Қашқадарё вилоятининг қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида кузги сидерат экинлар ўсиши ва биомасса ҳосилдорлиги, уларни уруғлик ҳосили, яшил ўғит сифатида қўлланилганда картошка *Sylvana* ўртатезпишар навининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, уруғлик сифати ва кўпайиш коэффициенти таъсирини ўрганишдан иборат.

МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

Дала тажрибалари Китоб тумани Янгибой фермер ҳўжалиги суғориладиган типик бўз тупроқларида ўтказилди.

Дала тажрибаларини ўтказиш, экиш, экинларни парваришlash, ҳосилни йиғиш ва ҳисобlash, барча кузатиш, ўлчаш ва таҳлиллар умумқабул қилинган услуб ҳамда тавсиялар асосида олиб борилди. Ҳосилдорлик кўрсаткичлари дисперсион таҳлил усули бўйича Microsoft Excel дастури ёрдамида статистик қайта ишланди [3,4,6].

Картошка ўртатезпишар *Sylvana* нави куйидаги кузги сидерат экинларда баҳоланди:

1. Кузги шудгор (назорат); 2. Рапс – Нимерчанский-2268 нави;

3. Мойли турп – Радуга нави; 4. Горох (кўк нўхат) – Вос-тов-55 нави;

5. Кўк хантал – Юбилейная нави; 6. Горох + мойли турп.

Делянканинг майдони – 56 м², такорлар сони – 3 та. Экиш 18-20 октябр кунлари рапс – 16,0 кг/га, горох – 70 кг/

га, кўк хантал – 14,0 кг/га, мойли турп – 20,0 кг/га, аралаш вариантда эса экиш меъёрлари яримдан олинди. Экишдан олдин гектарига N₃₀P₁₀₀K₆₀ кг солиниб, эрта баҳорда N₃₀ билан озиклантирилди. Экилгач 600-700 м³/га меъёрда 3 марта суғорилиб, шундан биттаси эрта баҳорда амалга оширилди.

Картошка экилишдан 10-12 кун олдин сидерат экинлар ҳосилдорлиги аниқланиб, сўнгра КИР-1,5 русумли агрегатда ўриб, янчиб ташланди, устидан дискаланди ва 28-30 см чуқурликда шудгорланди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУҲАКАМАСИ

Кузатиш натижаларига кўра, март ойи учинчи ўн кунлигида сидерат экинларда гуллаш рўй берганлиги аниқланди. Шу даврда ўсимлик бўйи рапсда 117,2, мойли турпда 124,1, горохда 209,4, кўк ханталда 223,1 ва горох+мойли турпда 219,0 см, туп қалинлиги 1м² эса, мос равишда 478,0; 484,6; 199,6; 478,5 ва 493,0 донани ташкил этди (1-жадвал). Ўрганилган сидерат экинларда биомасса ҳосилдорлиги гектаридан 27,5-35,3 тоннани ташкил қилди. Энг юқори (34,6-35,3 т/га) биомасса ҳосилдорлиги мойли турп соф ва горох+мойли турп аралаш ҳолда экилганда олинди.

Кузги сидерат экинлар уруққа ўстирилганда уруғ ҳосилдорлиги рапсга -23,7 т/га, кўк ханталда -19,0 т/га, мойли турпда -23,0 т/га, горох (кўк нўхатда) -28,0 т/гани ташкил этгани қайд этилди. Турли кузги сидерат экинлардан сўнг картошка ўртатезпишар *Sylvana* нави уруғлик туганаклари дала унувчанлиги, ўсиши, ривожланиши, палак ва туганак, барг сатҳи шаклланиши сезиларли фарқланди (2-жадвал).

Маълумотларнинг кўрсатишича кузги шудгор (назорат) вариантыга нисбатан сидератлар қўлланилганда уруғлик туганаклар дала унувчанлиги 96,7 дан 99,9% гача ошганлиги, униб чиқиш 3-4 кунга жадаллашганлиги, ўсув даври 5-7 кунга узайгани қайд этилди. Айниқса, сидерат экин горох бўлганда бу кўрсаткичлар энг юқорини ташкил этди.

Сидерат экинлар, горох, кўк хантал, рапс, мойли турп ва горох+мойли турп аралаш қўлланилганда баландбўйли (75,7-82,8 см), серпояли (4,3-4,6 дона), бақувват палакли (462,1-494,5 г) ва барг сатҳили (0,99-1,03 м²) ўсимликлар шаклланиши эвазига юқори маҳсулдорлик кўрсаткичлари, яъни бир туп туганак ҳосили 838,5-997,6 г., туганаклар сони 10,0-

Сидерат экинларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги, (2020-2021 йй.)

№	Экин тури	1 м ² да туп сони, дона	Ўсимлик бўйи, см	1 м ² даги ўсимлик массаси, гр			Ҳосилдорлик, т/га	
				ер устки	ер остки	жами	кўк масса	қуруқ масса
Биомассани тупроқга ҳайдаш 08-10.04.2020-2021 йил								
1.	Рапс	478,0	117,2	2410	401	2811	28,1	58,7
2.	Мойли турп	484,6	124,1	3081	446	3527	35,3	73,4
3.	Горох (кўк нўхат)	199,6	209,4	2495	251	2746	27,5	56,6
4.	Кўк хантал	478,5	223,1	2606	332	2938	29,4	60,8
5.	Горох+мойли турп	493,0	219,0	2904	353	3457	34,6	66,5

2-жадвал

Сидерат экинлардан сўнг картошка ўртатезпишар *Sylvana* нави туганакларининг дала унвчанлиги, ўсиши, барг сатҳи шаклланиши ва маҳсулдорлиги

№	Сидерат экин номи	Дала унвчанлиги %	Даврлар, кун ҳисобида		Ўсимлик бўйи, см	Поя сони, дона	Бир туп палак вази, гр	Шундан		Бир туп ўсимлик барг сатҳи, м ²	1 га да ўсимликнинг барг сатҳи, минг м ²	Бир туп туганак ҳосили, гр	Бир тупдаги туганаклар сони, дона	Битта туганак ўртача вази, гр
			экиш-униб чиқиш	униб чиқиш-палак сарғайиш				поя, гр	барг, гр					
1.	Кузги шудгор (назорат)	96,7	19	83	65,5	3,3	291,8	177,4	114,4	0,73	50,7	679,8	8,5	80,0
2.	Рапс	99,6	16	88	75,7	4,3	462,1	277,9	184,2	1,00	69,3	838,5	10,0	83,8
3.	Мойли турп	99,5	16	88	74,6	4,2	460,7	277,3	183,4	0,99	68,5	819,1	10,0	81,9
4.	Горох (кўк нўхат)	99,9	15	90	82,8	4,6	494,5	298,5	196,0	1,03	72,0	997,6	11,2	89,1
5.	Кўк хантал	99,7	15	88	78,6	4,3	485,3	293,6	191,7	1,01	70,7	978,5	11,0	88,9
6.	Горох+мойли турп	99,8	15	89	80,7	4,4	486,5	294,1	192,4	1,00	70,4	984,8	11,0	89,5

3-жадвал

Картошка *Sylvana* навининг ҳосилдорлиги, товар ва уруғбоп ҳосил чиқими ва кўпайиш коэффициентига сидерат экинларни яшил ўғит сифатида қўллашнинг таъсири(2020-2021йй.)

№	Сидерат экин номи	Ҳосилдорлик, т/га	Шу жумладан				Кўпайиш коэффициенти	Айниган туганаклар салмоғи, %
			товар ҳосил		уруғбоп ҳосил			
			т/га	%	т/га	%		
1.	Кузги шудгор (назорат)	28,1	25,0	89,5	15,4	61,1	4,6	3,7
2.	Рапс	33,8	32,7	96,8	22,8	69,8	6,9	1,2
3.	Мойли турп	33,5	31,9	95,5	21,9	68,8	6,6	1,5
4.	Горох (кўк нўхат)	39,3	38,8	98,9	29,0	74,8	8,8	1,1
5.	Кўк хантал	38,0	37,3	98,3	27,5	73,8	8,3	1,1
6.	Горох+мойли турп	38,6	38,0	98,6	28,3	74,4	8,6	1,1

ЭКФ₀₅ = 0,7-1,1 т/га

11,2 дона, битта туганак ўртача вази 83,8-89,5 г. кузатилди.

Картошка ҳосилдорлиги сидерат экинлар бўйича гектаридан 28,1 дан 39,3 тоннагача ўзгарди (3-жадвал).

Энг юқори (38,0-39,3 т/га) ҳосилдорлик сидерат экинлар – горох (кўк нўхат), кўк хантал, соф ҳолда ва горох – мойли турп аралаш қўлланилганда олинди. Шунда энг товар (37,3-38,8 т/га), уруғбоп ҳосил (27,5-29,0 т/га) ҳамда кўпайиш коэффициенти (8,3-8,8) энг кам айниган туганаклар (1,1%)

салмоғини ташкил этди.

ХУЛОСАЛАР

Қашқадарё вилояти суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида сидерат экинларидан – горох, кўк хантал соф ҳолда, горох+ мойли турп аралаш ҳолда кенг жорий этиш ҳамда картошка *Sylvana* навини экиш орқали ҳар гектаридан 30-35 тоннадан ошириб товар, 25-27 тонна сифатли уруғбоп ҳосил олиш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР

- Орипов Р.О. – Фитосанитарное и биоэнергетическое значение промежуточных культур. – Т.: -1988.-С.50.
- Эрназаров И.И. – Пахтачиликда оралик экинлар. –Т.: - 1988. – С. 82.
- Доспехов Б.А. – Методика полевого опыта. –М.: “Агропромиздат”.- 1985. – С.351.

4. Азимов Б.Ж, Азимов Б.Б. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси. Тошкент. 2002.-Б.181-186.

5. Остонакулов Т.Э., Усмонов Н.Н. – Картошкачиликда сидерат экинларни қўллашнинг илмий асослари. Т.: "Voris-Nashriyot".2021.- Б.210.

6. Гербаченко Ф.И., Шурупов В.Г., Карбамышева Е.В. Сидераты: рапс и горчица. М., 2019. <https://qidpodaYe.ru/raps-siderat-koqda-poseyat-i-chem-otlichaetsya-ot-gorchicy.html>.

ЗНАЧЕНИЕ В ПОЛУЧЕНИЕ ВЫСОКОГО ЗДОРОВОГО УРОЖАЯ РАННЕГО КАРТОФЕЛЯ ПРИ ПРИМЕНЕНИИ ОЗИМЫХ СИДЕРАТНЫХ КУЛЬТУР В КАЧЕСТВЕ ЗЕЛЕННОГО УДОБРЕНИЯ

Аннотация: В статье изложены результаты изучения особенности роста, развития, урожайности биомассы и семян озимых сидератов, а также влияния применения сидератных культур в качестве зеленого удобрения на рост, развитие, урожайность, выход товарного и семенного урожая, коэффициент размножения, долю вырожденных клубней. Выявлено, что благоприятными для оптимального роста, развития, формирования продуктивных кустов картофеля сорта Sylvana с формированием площади листовой поверхности в пределах 69,3-72,0 тыс. м²/га отмечалась у сидератов-рапс, горох, горчицы сизой и гороха + масличной редьки. При этом была получена наибольшая урожайность картофеля с высоким выходом товарного, семенного урожая клубней, коэффициентом размножения с наименьшими вырожденными клубнями.

Ключевые слова: Сидератные культуры, зеленые удобрения, рост, развитие, урожайность, биомасса, семян, товарный урожай, коэффициент размножения.

IMPORTANCE IN OBTAINING A HIGH HEALTHY YIELD OF EARLY POTATOES WHEN USING WINTER GREEN MANURE CROPS AS A GREEN MANURE

Annotation: The article presents the results of studying the features of growth, development, the productivity of biomass and seeds of wintergreen manure, as well as the influence of the use of green manure crops as a green fertilizer on growth, development, yield, the output of marketable and seed crops, multiplication factor, and the proportion of degenerate tubers. It was found that favorable for optimal growth, development, formation of productive bushes of potato variety Sylvana with the formation of a leaf surface area in the range of 69.3-72.0 thousand m²/ha was observed in green manure - rapeseed, pea, blue mustard, and pea + oil radish. At the same time, the highest yield of potatoes was obtained with a high yield of marketable, seed crop of tubers, a multiplication factor with the lowest degenerate tubers.

Keywords: Green manure crops, green manure, growth, development, productivity, biomass, seeds, marketable yield, the multiplication factor.

УЎТ:631.58;551.5

Ж.ҚЎЗИЕВ, М.ДАУЛЕТМУРАТОВ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ ҲУСУСИДА

Аннотация: Мақолода танланган пилот майдони суғориладиган типик бўз тупроқларини хосса-хусусиятлари ва қишлоқ хўжалигини асосий бўғинларидан бири бўлган кимёлаштириш тизимини автоматлаштириш хусусида фикр мулоҳазалар келтирилган. Яъни, қишлоқ хўжалигига замонавий техника ва технологияларни жорий қилиш орқали тупроқлар унумдорлигини ва озика элементлар мувозанатини яхшилаш, ердан фойдаланувчилар, хусусан фермер хўжаликлар ва кластерларнинг иқтисодини тежаш ва кўтариш учун ҳар бир экинга индивидуал автоматик минерал ўғитларни қўллашга ихтисослашган замонавий агрегатларни ишлаб чиқиш лозимлиги тўғрисида маълумотлар қайд қилинган.

Калит сўзлар: типик бўз тупроқлар, аниқ деҳқончилик, индивидуал ўғитлаш, юқори ҳосил.

КИРИШ

Бугунги кунда аҳоли сонининг йилдан-йилга ортиб бориш сурати кузатилмоқда. Мутахассисларни ҳисоб-китобларига кўра, 2008 йилда дунё бўйича 6,5 млрд. аҳоли бўлган бўлса, 2011 йилга келиб 7 млрд. ни ташкил этган, 2100 йилга келиб эса 10 млрд. га етиши қайд этилмоқда. Шу сабабли 2050 йилга бориб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 70% кўпайиши

мумкин. Бу эса ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам бутун дунёда ер ресурслари миллий бойлиқ бўлиб, инсоният тараққиётининг энг асосий манбаи ҳисобланади. Айни дамда ер юзи бўйича қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган (шудгорланадиган) 1,87 млрд. гектар ер майдони мавжуд бўлиб, унинг ҳар бир гектаридан унумли фойдаланиш, доимий мониторингини

юритиш ҳамда замонавий технологиялардан фойдаланиш талаб этилади [1].

МАСАЛАНИНГ ҚҪЙИЛИШИ

Дунёда, шу жумладан, республикаимизда тупроқлар хилма-хил бўлиб [2], хаттоки ҳар бир дала контури ичида ҳам хосса-хусусиятлари бир-бири билан фарқ қилади. Масалан, дала контурларида эрозияга учраган, турли даражада шўрланган ёки доғли шўрланган, озиқа элементлари билан турлича таъминланган тупроқлар мавжуд. Бу эса, замонавий илғор технологияларни республика кишлоқ хўжалиги соҳасига олиб кириш, кишлоқ хўжалиги экинларини илмий асосланган талаб ва тупроқ-иқлим шароитига мос замонавий ўғитлаш тизимига ўтказишни талаб қилади [3].

Бунинг учун «Аниқ деҳқончилик» тизимини республика кишлоқ хўжалиги, хусусан кимёлаштириш тизимига кириштириш лозим. Мазкур тизим ўтган асрнинг 20-йилларида Европа ва Америкада бошланган. Бразилия, Германия, Хитой, Россия сингари йирик ривожланган давлатларда ҳам кишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда ушбу «Аниқ деҳқончилик» тизимини қўллаш орқали эски усулларга нисбатан жуда юқори ҳосил олишга эришилган [4,5,6,7,8]. Мазкур «Аниқ деҳқончилик» тизими кишлоқ хўжалигини ҳар томонлама қамраб олган тизим бўлиб, тупроқ хосса-хусусиятларига таянган ҳолда, барча агротехник тадбирлар автоматик равишда бошқарилади, шунингдек, атроф-муҳитни турли ўғит қолдиқлари ва зараркунандалардан муҳофаза қилиш; экинларни ташқи кўриниши асосида озиқа элементларига бўлган талабини баҳолаш; ҳосил сифатини ва салмоғини ошириш; ўсимлик ва иқлим шароитларини ўзгаришини геофазовий мониторингини юритиш каби бир қатор индикаторларни ушбу тизим ўзида жамлайди [14, 15].

«Аниқ деҳқончилик» тизими республика кишлоқ хўжалигига кириб келиши натижасида ҳар бир гектар майдонда парваришланадиган экинларга индивидуал (персонал) озиқа муҳитини яратиш имконини беради [9, 10]. Шунингдек, минерал ўғитлар экин ер майдонларининг озиқа элементлари билан таъминланганлик даражаси, тупроқларнинг хосса-хусусиятлари ҳамда экинларнинг озиқа элементларига бўлган илмий талаби асосида дала контурларининг керакли нуқталарига автоматик ўғитлаш тизимига эга бўлади. Бундан ташқари, тупроқларнинг географик тарқалиши, ҳар бир олинган тупроқ намуналарининг координаталари, кимёвий таҳлил натижалари тўғрисидаги агрокимёвий маълумотлар базаси яратилади ва шаклланади. Шу билан бирга ArcGIS дастурий таъминотида тузилган агрокимёвий хаританомаларнинг келгусида вақт-замон бирлигида қиёсий-таққослаш имкони яратилади [11, 12, 13].

Умуман олганда мазкур тизимни жорий этиш орқали ҳар бир экин тури учун алоҳида озиқа муҳити яратилади, минерал ўғит қўллаш тизимини янги босқичга олиб чиқади, тупроқлар унумдорлиги яхшиланади, экинлар ҳосилдорлиги ошади, табиатда озиқа элементлар мувозанатининг ижобий шаклланишига имкон яратилади.

НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Тошкент вилояти Бўка туманида кенг тарқалган эскидан суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди.

Тошкент вилояти республиканинг шимолий-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, у Фарбий Тяньшан тоғининг тоғ ва тоғ олди худудларида жойлашган. Вилоят ҳудуди 42° 17' дан 40° 15' шимолий кенглик ораллигида, 68 39' ва 71°02' шарқий узунликда жойлашган. Тошкент вилоятининг шимоли

ва шимолий-ғарбий қисми Қозоғистон республикаси билан, шарқий ва жанубий-шарқий қисми эса Қирғизистон республикаси ҳамда Фарғона вилояти билан, жануби Тожикистон Республикаси билан, ғарби эса Сирдарё вилояти билан чегарадош ва у 1938 йил 15 январда ташкил топган [16, 17].

Тадқиқот ўтказилган Бўка туманининг кишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган умумий ер майдони 56 516 гектар, шундан интенсив деҳқончиликда фойдаланадиган экин ерлари 35 887 гектарни ташкил этади [18].

Тадқиқот олиб борилган Ғ.Азаматов номли массивда жами 1849,1 гектар суғориладиган майдон мавжуд бўлиб, шунинг 1261,4 гектари типик бўз тупроқлар, 63,4 гектари бўз-ўтлоқи, 487,8 гектари ўтлоқи, 36,5 гектари эса ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар. Механик таркибига кўра, оғир, ўрта ва енгил қумоқли, худудда тарқалган тупроқларнинг 25 фоизи шўрланмаган, 75 фоизи кучсиз шўрланган гуруҳларга мансуб, массивнинг ўртача балл бонитети 59 балл.

ТАДҚИҚОТ УСЛУБЛАРИ

Дала тадқиқотлари, тупроқ ва ўсимлик намуналарини олиш, агрокимёвий таҳлиллар, фенологик кузатувлар умумий қабул қилинган услубий қўлланмалар асосида ўтказилган. Ўсимлик ва тупроқ намуналарини олиш ва улар таҳлиллари «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» [19], «Методы агрохимических анализов почв и растений» [20] ва Е.В.Аринушкинанинг «Руководство по химическому анализу почв» [21] услубларида ҳамда махсус «Пахтачиликда маъдан ва маҳаллий ўғитларни қўллаш» [22], «Суғориладиган тупроқларда минерал ва органик ўғитларни табақалаштириб қўллаш» [23], «Дала тажрибасини ўтказиш услублари» [24], «Пахтачиликда юқори ҳосил олиш технологияси» [25] номли тавсиялар асосида олиб борилди.

Бўка тумани Ғ.Азаматов номли массивда тарқалган эскидан суғориладиган типик бўз тупроқлар субтропик тоғ олди ярим чўл зонаси. Ўрта Осиё провинцияси лессимон ётқиқиқлардан ташкил топган қирли, ўр-қирли тоғ олди текисликлари, Ангрен дарёсининг IV қайр усти террасасида шаклланган тупроқлар ҳисобланади.

Иккинчи пилот майдони: 07.04.2018 й. Қ.Ж.Қўзиев: Бўка тумани «Ачамайли» массиви «Назар Полвон Агро» фермер хўжалиги 432 контур даласидан олинган тупроқ кесмасининг морфологик тузилиши ва асосий белгилари тўғрисидаги маълумотлар №6-Б-НП-кесма мисолида келтирилади (ғўза экилади), балл бонитети 65 балл.

A_x 0-28 см – Тўқ бўз ранг, юзаси қуруқ, пастга қараб намлашиб боради, ўрта қумоқли, йирик кесакли, юза қисми юмшоқ, шудгор қилиниб текисланган, кейинги қатламга ўтиш зичлиги, намлиги ва ранги бўйича аниқ.

A_{хок} 28-50 см – Ҳайдов қатиламига нисбатан бир оч тўқ ранг, намроқ, ўрта қумоқ, йирик ва майда кесаксимон, сезиларли зич, майда илдизчалар ва ёмғир чувалчанг излари мавжуд, гидрослюда излари бор, кейинги қатламга ўтиши намлиги ва қўшилмалар бўйича сезиларли;

B₁ 50-83 см – Бироз оч, товланувчан, намчил, ўрта қумоқ, юқоридаги қатламларга нисбатан майда кесакли, ўртача зичлашган, ўсимликнинг майда илдизлари сезилар-сезилмас учрайди, айрим жойларда ёмғир чувалчанг излари мавжуд, карбонат доғларининг пастга ювилган, кейинги қатламга ўтиши намлиги ва зичлиги бўйича аста-секин;

B₂ 83-105 см –Оч бўз ранг, намчил, ўрта қумоқ, дондор тузилишда, кучсиз зичлашган, карбонат доғлари мавжуд, илдиз ва майда ҳашорат излари учрайди, кейинги қатламга ўтиши намлиги бўйича сезиларли;

V₃ 105-164 см – Товланувчи оч бўз ранг, намчил, ўрта кумоқ, майда дондор тузилишда, кучсиз зичлашган, илдиз ва ҳашорат излари кам учрайди, қисман карбонат доғлари мавжуд, кейинги қатламга ўтиши ранги ва намлиги бўйича аста-секин;

C 164-230 см – Сарғиш оч дала ранг, кучли намланган, ўрта кумоқ, кучсиз зичлашган.

Пилот майдонида тарқалган эскидан суғориладиган типик бўз тупроқнинг механик таркиби тупроқ профилининг барча генетик қатламларида бир хил ўрта кумоқли тупроқлардан иборат.

Ушбу пилот майдони тупроқларнинг ҳайдов қатламлари таркибида гумус 1,142% ни ташкил этган бўлса, энг қуйи қатламларда унинг миқдори 0,452% гача, шунга мос равишда умумий азот ҳайдов қатламлари 0,078%, қуйи қатламларда унинг миқдори 0,029% атрофида кузатилди.



1-расм. Тупроқ намуналарини олиш жараёни

Ушбу тупроқларнинг ҳайдов қатламлари таркибида умумий фосфор 0,175-0,193%, мос равишда энг қуйи қатламларда унинг миқдори 0,104-0,135% гача камайиши кузатилди.

Умумий калий ҳайдов қатламларида 0,93-1,12% оралиғида қайд қилинди ва тупроқ профилининг қуйи қатламлари томон аста-секин камайиб (0,50-0,56%) борди. Умумий калий тупроқларнинг механик таркиби бўйича боғлиқлик ҳолати кузатилмади.

Ҳайдов қатламлари таркибида ҳаракатчан азот жуда кам ва кам, мос равишда 19,4-26,4 мг/кг (жуда кам <20 мг/кг, кам 20-30 мг/кг) оралиғида ва у қуйи қатламлар томон камайиб бориш қонуниятига бўй сунади.

Ҳаракатчан фосфор кам (16-30 мг/кг) таъминланган гуруҳга мансуб эканлиги қайд қилинди. Алмашувчи калий эса кам (101-200 мг/кг) ва ўртача (201-300 мг/кг) таъминланган гуруҳларга мансуб эканлиги аниқланди ва юқори қатламлардан қуйи қатламлар томон камайиб бориши кузатилди (1-жадвал).

Ўрганилган тупроқлар таркибида углероднинг азотга бўлган нисбати C:N 6,2-9,4 оралиғида қайд қилинди. Х.Т.Рисқиева [26] келтирган маълумотларга кўра, бўз тупроқларда углеродни азотга бўлган нисбати 7-9 оралиғида бўлиши қайд қилинган, унинг бу миқдорлардан камлиги тупроқлар таркибидаги биологик жараёнларнинг фаоллигини суи кечаётганлигини кўрсатади. Мазкур типик бўз тупроқларнинг механик таркиби бир хил ўрта кумоқли бўлганда углероднинг азотга бўлган миқдори юқори қатламлардан пастки қатламларга бир текисда камайиб борди.

Хулоса. Тупроқларнинг морфологик белгилари уларнинг ривожланиш тарихини ва унумдорлигини белгилайди. Ўрганилган суғориладиган типик тупроқнинг морфологик тузилиши табиий тупроқлардан фарқ қилади. Чунки, йиллар давомида тупроқларга қўлланилган минерал ва маҳаллий ўғитлар ҳамда турли агротехник ва суғориш натижасида агроирригацион қатламнинг қалинлашганлиги ва карбонатларнинг

1-жадвал.

Эскидан суғориладиган типик бўз тупроқларнинг агрохимёвий хосса-хусусиятлари ва айрим физик хоссаси

Кесма, №	Қатлам чуқурлиги, см	Гумус, %	Умумий азот, %	C:N	Озиқа моддалари					Механик таркиби	
					ялпи, %		ҳаракатчан, мг/кг			физик лой, %	тупроқ меха- ник таркиби
					фосфор	калий	N-NO ₃	P ₂ O ₅	K ₂ O		
6 Б-А-НП	0-28	1,142	0,078	8,5	0,185	1,07	22,4	22,9	198	39,5	ўрта кумоқли
	28-50	0,897	0,065	8,0	0,180	0,98	18,4	17,4	174	40,2	ўрта кумоқли
	50-83	0,745	0,056	7,7	0,164	0,79	14,2	15,7	168	37,9	ўрта кумоқли
	83-125	0,681	0,052	7,6	0,148	0,62	9,5	10,6	152	37,6	ўрта кумоқли
	125-184	0,561	0,048	6,8	0,132	0,56	5,7	6,1	124	41,1	ўрта кумоқли
	184-230	0,452	0,042	6,2	0,114	0,50	4,2	5,9	112	32,8	ўрта кумоқли
8 Б-А-НП	0-30	1,082	0,071	8,8	0,193	0,93	19,4	19,7	184	42,1	ўрта кумоқли
	30-52	0,901	0,060	8,7	0,180	0,84	16,7	16,5	171	37,9	ўрта кумоқли
	52-87	0,716	0,052	8,0	0,164	0,74	14,2	12,4	169	39,4	ўрта кумоқли
	87-135	0,621	0,048	7,5	0,146	0,63	9,7	8,4	153	42,5	ўрта кумоқли
	135-174	0,519	0,041	7,3	0,135	0,54	6,7	6,3	119	41,4	ўрта кумоқли
10 Б-А-НП	0-31	0,987	0,068	8,4	0,175	1,12	26,4	23,1	219	33,9	ўрта кумоқли
	31-50	0,859	0,054	9,2	0,167	0,93	19,5	22,4	197	38,4	ўрта кумоқли
	50-88	0,672	0,042	9,3	0,165	0,84	9,2	9,5	156	35,2	ўрта кумоқли
	88-107	0,587	0,041	8,3	0,123	0,74	7,0	5,2	123	35,7	ўрта кумоқли
	107-165	0,469	0,029	9,4	0,104	0,56	5,3	3,9	91	33,5	ўрта кумоқли

пастки қатламларга ювилганлиги яна бир қатор морфологик белгилари орқали фарқланди. Шунингдек, дунё тажрибасидан келиб чиқиб ердан фойдаланувчилар иқтисодини ва тупроқлар унумдорлигини ҳамда озиқа элементлар мувозанатини яхшилаш учун ҳар бир контурнинг «тупроқ-ўсимлик-ўғит» ўртасидаги мутаносиблик асосида парваришланадиган экинларнинг тенглигини таъминлашда автоматик ўғит қўллаш тизимини яратиш ва уни амалиётга жорий этиш лозим. Чунки, битта дала контуридан олинган тупроқ намуналарининг кимёвий таҳлил натижаларига кўра, ўсимликлар ўзлаштира оладиган ҳаракатчан озиқа элементлари билан жуда кам,

кам ва ўртача таъминланган гуруҳларга мансублиги қайд қилинди. Бу эса жуда кам таъминланган нуқталарга кўпроқ, ўртача таъминланган ҳудудларга эса камроқ миқдорда минерал ўғитларни қўллашни тақозо этади. Бунинг натижасида эса дала контурларининг тенглиги таъминланади, натижада парваришланадиган қишлоқ хўжалиги экинлари тўғри озиқлантирилиб, қутилган ҳосил шаклланади, тупроқлар унумдорлиги сақланади, ердан фойдаланувчиларнинг ҳам иқтисоди тежалади ва яна қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш ва механизация тизимларини диверсификация қилиш ҳамда сохани янги босқичга олиб чиқиш имконини юқори бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. <https://www.agroxxi.ru/mirovye-agronovosti/rossiya-zanjala-chetvertoe-mesto-v-mire-po-kolichestvu-plodorodnyh-zemel.html>
2. Кузиев Р.К. Почвы Узбекистана. Ташкент, «Extremum press», 2009. -351 с.
3. Meier W. Elektronik, Landtechnik und «Precision farming». Schr.- R. der Eidgenossischen Forschungsanst. Fur Agrarwirtschaft und Landtechnik. -Tanikon, 1998. № 47.
4. Якушев В.П., Иванов А.И., Якушев В.В., Коношенков А.А. Реализация системы удобрений в точном земледелии. Земледелие. 2008. №5. С. 18-20.
5. Абрамов Н.В. Дифференцированное внесение минеральных удобрений с использованием космических систем. Агропродовольственная политика. 2014. № 2 -С. 2-8.
6. Якушев В.П. Точное земледелие: теория и практика.РФ. 2016. -363 с.
7. Забродин В.П. Внесение смесей минеральных удобрений спирально-шнековыми аппаратами: моног. Зеленоград: ФГБОУ ВПО 012.-107 с.
8. Забродин В.П. Технологические процессы внесения минеральных удобрений в системах точного земледелия. Ростов-на-Дону: ООО «Терра»; НПК «Гефест», 2007. - 150 с.
9. Абрамов Н.В. Дифференцированное внесение минеральных удобрений с использованием космических систем. Агропродовольственная политика. 2014. № 2 - С. 2-8.
10. Якушев В.П., Якушев В.В. Точное земледелие-новый этап развития агрономии // Земледелие. 2008. №2.- С. 3-5.
11. Exact agriculture (Precision Agriculture): studies. / under the editorship of Shpaar D., Zakharenko A.V., Yakushev V.P.. - Pushkin S.P., 2009. - 397 p.
12. Exact agriculture: studies. grant / E.V.Truflyak, Trubilin E.I., Buksman V.E., Sidorenko S.M. – Krasnodar: КубГАУ, 2015. – 376 p.
13. Мухамеджанов М.В., Сулейманов С. Корневая система и урожайность хлопчатника. – Ташкент: Узбекистан, 1978. – 332 б.
14. Забродин В.П. Контроль и управление процессами внесения минеральных удобрений. Ростов-на-Дону: ООО «Терра»; НПК «Гефест», 2003. – 124 с.
15. Коллектив авторов. Точное сельское хозяйство (Precision agriculture). Санкт-Петербург-Пушкин. 2009. – 397 с.
16. Тешаев Ш., Холиков Б., Қўзиев Р. Ва бошқ. Тошкент вилояти тупроқлари ҳолати ҳамда унумдорлиги паст ерларга қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва етиштириш агротехнологиялари бўйича тавсиялар / Тошкент. «SAYDANA-PRINT» 2017. 64 б.
17. Тошкент вилояти // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Тошкент. Давлат илмий нашриёти, 2001. 2-жилд. – Б. 622-629.
18. Ўзбекистон Республикасининг ер фонди / «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси. – Тошкент. «Ергеодезкадастр», 2019. – 207 б.
19. Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах. – Ташкент. СаюзНИХИ, ЦСУА, 1963. – 439 с.
20. Методы агрохимических анализов почв и растений. Ташкент. СаюзНИХИ, 1977. – 187 с.
21. Аринушкина Е.В. Руководство по химическому анализу почв. Издательство Московского университета, Москва. 1970. – 490 с.
22. ЎзРҚВСХВ ва ЎзПТИ. Пахтачиликда маъдан ва маҳаллий ўғитларни қўллаш бўйича тавсиялар. Тошкент. «ALBIT», 2003.-24 б.
23. Боиров А.Ж. Суғориладиган тупроқларда минерал ва органик ўғитларни табақалаштириб қўллаш бўйича тавсиялар. Тошкент: ТАИТДИ, 2005. – 35 б.
24. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари / Услубий қўлланма. – Тошкент. ЎзПТИ, 2007. – 147 б.
25. Шокиров Б., Мираков М., Муродов Б. Пахтачиликда юқори ҳосил олиш технологияси. Қарши. «Насаф», 2010. – 72 б.
26. Рискиева Х.Т. Методические указания по дифференцированному применению азотных удобрений в хлопководстве. Ташкент. Изд-во «Фан» УзССР, 1989. – 14 с.

ПО АВТОМАТИЗАЦИИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ СИСТЕМЫ

Аннотация: В статье приведены свойства орошаемых типичных сероземов выбранных пилотных участков и соображения об автоматизации одной из ключевых звеньев сельского хозяйства – системы химизации. Другими словами, к улучшению устойчивости почвенного плодородия и оптимизации баланса питательных элементов путем внедрения современной техники и технологии, приведены данные о необходимости разработки современных агрегатов, специализирующихся на автоматическом внесении индивидуальных минеральных удобрений для каждой культуры, с целью сохранения и стимулирования экономики земледельцев, в частности фермерских хозяйств и сельскохозяйственных кластеров.

Ключевые слова: типичные сероземы, точное земледелие, индивидуальное удобрение, высокий урожай

AGRICULTURAL SYSTEM AUTOMATION

Annotation: The article presents the properties of irrigated typical gray soils of the selected pilot sites and considerations on the automation of one of the key links in agriculture - the chemicalization system. In other words, to an improvement in soil fertility and optimization of the balance of nutrients through the introduction of modern technical and technology, the article also provides data on the need to develop modern units specializing in the automatic application of individual mineral fertilizers for each crop, in order to preserve and stimulate the economy of land users, in particular farms and agricultural clusters.

Key words: typical gray soils, precision farming, individual fertilization, high yield.

УЎТ: 648.413 (565.1)

Б.Т.ЖОББОРОВ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ АЙРИМ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИ АТРОФ МУҲИТГА ТАЪСИРИ

Аннотация: Мақолада Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳридаги “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ атрофида суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларда олиб борилган илмий тадқиқот ишлари батафсил ёритиб берилди. Тадқиқот натижаларига кўра ушбу ҳудудлардаги тупроқларнинг ифлосланишида жумладан, рухсат этилган чегаравий улушга (РЭЧУ) нисбатан умумий уч йил давомида олинган натжалар ўрганилганда As – 4,4 марта, Cr – 19 марта, Ni – 2,8 марта, Pb – 3,9 марта ортганлиги аниқланди.

Калит сўзлар: Тупроқ, атроф-муҳит, саноат, кимёвий, оғир металллар, экология, антропоген, чиқинди, омиллар, унумдорлик.

КИРИШ

Бугунги кунда бутун дунё бўйича аҳолининг саноат маҳсулотига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида кўплаб ишлаб чиқариш, қайта ишлаш шунингдек металлургия каби тармоқлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу эса бевосита атроф-муҳитни жумладан экосистемаларга таъсир кўрсатиши кузатишмоқда. Ушбу саноат тармоқларидан чиқаётган зарарли кимёвий бирикмалар биосферадаги ўсимликларга, ҳайвонот дунёсига ва инсон саломатлигига шу билан бирга тупроқларнинг зарарланишига олиб келмоқда. Натижада ўсимликларда зарарли кимёвий бирикмалар таъсирида морфологик ўзгаришлар, шунингдек ҳосилдорлик хусусиятлари пасайишига сабаб бўлмоқда. Ҳайвонларда эса яшаши учун чекловичи омилларнинг ҳисобига геномик ўзгаришлар кузатишмоқда. Тупроқларда эса саноат тармоқларининг бевосита чиқарган чиқиндилари ва зарарли бирикмаларининг тупроқ профилида экологик ўзгаришлар кўзатилиб унинг унумдорлик хоссалари пасайиши кузатишмоқда. Саноат тармоқларининг атроф-муҳитга таъсири бўйича хорижлик тадқиқотчилар томонидан қуйидагилар аниқланган.

Бангладешдаги Барапукурия кўмир билан ишлайдиган Иссиқлик электр стансияси 2006 йил қурилган бўлиб. Бангладешдаги биринчи кўмирга асосланган электр стансияси ҳисобланади. Бу стансия йилига 0,72 миллион тонна кўмир сарфлаган ва оқибатда 0,08 миллион тонна кўмир кули

ҳосил бўлган. Бундан ташқари саноат корхоналаридан Sd, Zn, AS, Pb каби турли хилдаги оғир металллар атроф-муҳитга жумладан экосистемаларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатган. Бунда чиқиндилар натижасида металллар саноат ҳудудлари атрофидаги сув манбалари, тупроқ ва озиқ-овқат экинларини ифлослантиришга сабаб бўлган [2]. Хитойда цемент ишлаб чиқарувчи тармоқ фаолияти натижасида ифлослантирувчи моддалар, атроф-муҳитни техноген ифлосланишига олиб келган. Цемент ишлаб чиқаришда кўмирдан фойдаланиш натижасида азот оксиди, заррачлар ва карбонат ангидриднинг атмосферага тўғридан-тўғри чиқарилиши кўзатилаган [3].

Словакия магний заводи металл чўкмаларининг тупроқ ва ўсимликларга таъсири ўрганилган. Натижада ҳудудидан тупроқ ва ўсимликларнинг баргарида ўзига хос ишқорий ифлослантирувчи моддалар борлиги аниқланган. Жумладан тупроқ таркибида оғир металллардан Pb, Zn, Sr, Mn, Mg кабилар аниқланди. Олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатадики, текширилган жойлар асосан кучли гидроксиди Sr, Mn ва Mg таркибидаги миқдор РЕЧУ дан ортганлиги, Pb ва Zn нинг миқдори эса белгиланган миёрдан ошмаганлиги аниқланган [4].

Россиянинг саноат тармоқларини фаолияти натижасида тупроқнинг кимёвий ифлосланишини ўлчови сифатида Россияда 1-жадвалда келтирилган учта кўрсаткич қабул қилинган.

1-жадвал.

Тупроқларнинг кимёвий ифлосланишининг ўлчовларини тоифалаш		
1.	2.	3.
Ўта хавфли гуруҳи	Хавфли гуруҳи	Ўртача хавфли гуруҳи

Бунда саноат тармоқларининг чиқиндилардан Pb, Sd, Hg, Zn, Ni ва Su. каби кимёвий зарарли бирикмаларнинг таъсири бўйича баҳолаган [5].

Дунё бўйича бугунги кунда металлургия ва бошқа саноат тармоқларидан чиқаётган чиқиндиларининг атроф-муҳитга таъсирини ўрганилганда кул шлаклари, чанглар ва бошқа кимёвий бирикмалардан атроф-муҳитни зарарланиши экологик ҳолатинг ўзгариши кузатилган [1].

Ҳиндистонда ва бошқа мамлакатларда тупроқларнинг оғир металллар таъсирида ифлосланиши билан боғлиқ муаммолар тобора кенг тарқалиб бормоқда. Буларга мисол қилиб, тоғ-кон саноати, металл заводлари, эритиш заводлари, кўмир ёқадиған электр станциялари фаолияти натижасда атроф-муҳитнинг оғир металллар билан, жумладан кадмий, мис, кўргошин, хром ва симоб кабилар билан ифлосланганлиги аниқланган [6].

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида, жумладан Жанубий Испанияда фойдали қазилмаларни қайта ишлаш ва металлургия ишлаб чиқариш маркази узоқ йиллардан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу ҳудуднинг тупроқлари ўрганилганда As, Sd, Su, Pb ва Zn ларнинг тупроқлардаги миқдори рухсат этилган мейёрдан ортганлиги аниқланган [7]. Хитойдаги кўплаб саноатлашган ҳудудларидаги тупроқдан олинган намуналарда Sd, Hg, As, Pb, Sr каби оғир металллар билан ифлосланиш даражаси кузатилагн. Бу эса экотизимлар ва инсон саломатлигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатганлиги аниқланган [8]. Оғир металллар нафақат тупроқнинг экологик ҳолатини балки унда кечадиған жараёнларни ҳам ўзгаришига олиб келган. Саноат тармоқларидан чиқаётган токсик элементлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида фойдаланиладиган тупроқларнинг физик-кимёвий хоссалари ўзгаришига сабаб бўлган [9, 14, 11].

Саноатлашган шаҳар зоналари тупроқларида доимий урбанизация ва оғир металллар чиқиндилари таъсирида вақт ўтиши билан ифлосланиш ортиб бориши кузатилган. Оғир металл оксидлари айнан шаҳарлашган ҳудудларда миқдор жиҳатидан кўплиги исботланган [10]. Айрим тадқиқотчилар томонидан саноатлашган ҳудудларнинг экологик ҳолати ўрганилганда ўсимликлар баргида Hg ва Sd элементлари юқори даражада эканлиги аниқланган [12]. Кўмирни ёқиш орқали электр энергия ва терини қайта ишлаш ва эритиш жараёнлари учун фойдаланилганда кўмирнинг учувчи кули, кўмирнинг ёниши жараёнида қозон шлакларида шлак ҳосил бўлади. Бу эса бевосита атмосферага кўтарилиб шамол ёрдамида кўплаб ҳудудларнинг экологик ҳолатининг бузилишига олиб келади [13].

Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган ҳар қандай саноат корхонасининг чиқиндилари тупроқнинг техноген ифлосланиб таркибининг бузилишига олиб келади, шу боис чиқиндиларни қайта ишлаш тизимли йўлга қўйилиши атроф-муҳитнинг камроқ зарар кўришига сабаб бўлади [15].

ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

Тадқиқотлар Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳридаги “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ атрофида

суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларда олиб борилди. **Тупроқ таркибидаги оғир металллар ва бошқа бирикмалар** МП 003:2015 кўрсатмаси асосида лаборатория шароитида текширилди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Тошкент вилоятида учрайдиған саноат тармоқларининг атроф-муҳит ва экотизимларга, жумладан тупроқларга таъсирини баҳолаш бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди. Тошкент вилоятида мавжуд айрим йирик саноат ва ишлаб чиқариш, қайта ишлаш тармоқлари **2-жадвалда** келтирилган.

2-жадвал.

Тошкент вилоятида мавжуд айрим йирик саноат ва ишлаб чиқариш, қайта ишлаш тармоқлари									
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ўзметгазобнафт АЖ	Олмалик КМК АЖ	Ангрен кўмир кони АЖ	Махам Чирчиқ АЖ	Ўзбексимиёв АЖ	Охангарон цемент АЖ	Бекобод цемент АЖ	Охангарон шифер АЖ	Охангарон лингласт АЖ	Газалентойна АЖ

Ушбу саноат тармоқларини маиший чиқиндиларнинг атмосфера ҳавоси, тупроқ ресурслари, ўсимликлар ҳамда ҳайвонот дунёси шунингдек инсонларга таъсир этишини кўриш адабиётлар таҳлилида ўз аксини топган.

Юқорида келтирилган адабиётлар таҳлилдан келиб чиқиб 2020, 2021, 2022 йиллар давомида Тошкент вилояти Бекобод

3-жадвал.

Айрим саноат тармоқлари фаолияти натижасида суғориладиган тупроқларнинг ифлосланиш ҳолати

“Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ атрофида тарқалган тупроқларда, мг/кг Ифлословчи моддалар	2020 йил	2021 йил	2022 йил
	Ag	<0,1	<0,1
As	8,4	8,6	8,8
Ce	96	98	98
Ba	940	946	948
Ni	0,001	0,001	0,002
Mo	0,002	0,003	0,003
Sn	0,0004	0,0005	0,0006
Co	17	19	19
Cr	94	97	99
Cs	9,1	9,3	9,4
Eu	1,5	1,7	1,6
Zh	0,003	0,004	0,003
Hf	6,5	6,6	6,8
La	81	83	83
Lu	0,35	0,37	0,38
Cu	0,01	0,02	0,03
Pb	0,01	0,02	0,02

шаҳрида жойлашаган “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ атрофида суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларнинг экологик ҳолатини ўзгариши ва унга таъсир кўрсатувчи манбалар ҳамда олмилларни ўрганиш ишлари олиб борилди.

Олиб борилган ҳудудларнинг техноген таъсир натижаларига кўра турли кимёвий моддалар мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари рухсат этилган чегаравий улуш кўрсаткичларидан ортганлиги аниқланган. Ушбу натижаларни **3-жадвалда** кўриш мумкин.

Олинган натижаларга кўра тупроқ намуналарида айрим оғир металлларнинг мавжудлиги кўрсаткичлари келтирилади, жумладан 2020 йилда As – 8,4., Ce – 96., Ba – 940., Ni – 0,001., Mo – 0,002., Sn – 0,0004., Co – 17., Cr – 94., Cs – 9,1., Eu – 1,5., Zr – 0,003., Hf – 6,5., La – 81., Lu – 0,35., Cu – 0,01., Pb – 0,01. кабилар аниқланди. Шунингдек 2021 йилда эса As – 8,6., Ce – 98., Ba – 946., Ni – 0,001., Mo – 0,003., Sn – 0,0005., Co – 19., Cr – 97., Cs – 9,3., Eu – 1,7., Zr – 0,004., Hf – 6,6., La – 83., Lu – 0,37., Cu – 0,02., Pb – 0,02. бу кимёвий элементларнинг айримларини миқдори ортганлигини кўришимиз мумкин. 2022 йилнинг феврал ойларида олинган

тупроқ намуналарида бу кўрсаткичлар As – 8,7., Ce – 98., Ba – 948., Ni – 0,002., Mo – 0,003., Sn – 0,0006., Co – 19., Cr – 98., Cs – 9,4., Eu – 1,6., Zr – 0,003., Hf – 6,8., La – 83., Lu – 0,38., Cu – 0,03., Pb – 0,02. аниқланди. Бунда кўриниб турибдики кўплаб элементларнинг йил сайин тупроқ таркибидаги миқдори ортаётганлиги ва ушбу миқдорлар ортиши тупроқ учун зарарли эканлиги, шунингдек тупроқнинг физик-кимёвий хоссаларининг ўзгаришига ва ўсимликларнинг ҳосилдорлигига бевоситта таъсир қилган.

ХУЛОСА.

Юқорида аниқланган кўрсаткичларга кўра тупроқларнинг ифлосланишида, жумладан рухсат этилган чегаравий улуш (РЭЧУ) га нисбатан умумий уч йил давомида олинган натижалар As – 4,4 марта, Cr – 19 марта, Ni – 2,8 марта, Pb – 3,9 марта ортганлиги аниқланди. Тупроқга тушган кимёвий элементлар миқдорининг ортиши тупроқда кечадиган барча жараёнларга таъсир кўрсатади. Шунингдек ушбу ҳудудларда учрайдиган барча тирик организмларга салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди ҳамда атроф-муҳитнинг экологик ҳолатига сезиларли зарар етказган.

Ўзбекистон Миллий университети

АДАБИЁТЛАР

1. Izydorczyk. G., Katarzyna. M., Skrzypczak. D., Moustakas. K., Witek-Krowiak. A., Chojnacka. K. Potential environmental pollution from copper metallurgy and methods of management // Environmental Research Volume 197, June 2021, 111050 <https://doi.org/10.1016/j.envres.2021.111050>.
2. Howladar. M. F. An assessment of surface water chemistry with its possible sources of pollution around the Barapukuria Thermal Power Plant impacted area, Dinajpur, Bangladesh // Groundwater for Sustainable Development Volume 5, September 2017, Pages 38-48.
3. Chen. W., Hong. J., Xu. Ch. Pollutants generated by cement production in China, their impacts, and the potential for environmental improvement // Journal of Cleaner Production Volume 103, 15 September 2015, Pages 61-69
4. Fazekaš. J., Fazekašová. D., Hronec. O., Benková. E., Boltži. M. Contamination of Soil and Vegetation at a Magnesite Mining Area in Jelšava-Lubeník (Slovakia) // Vol. 37, No. 2: -P. 101–111, 2018.
5. Levchenko E., Spiridonov I., Klyucharev D., Environmental Pollution Problems in the Mining Regions of Russia // ICAM 2019: 14th International Congress for Applied Mineralogy (ICAM2019) -P. 453-456.
6. Nagajyoti. P. C., Lee. K. D. Sreekanth. T.V.M. Heavy metals, occurrence and toxicity for plants: a review // Environ Chem Lett 8, 199-216 (2010). <https://doi.org/10.1007/s10311-010-0297-8>
7. Boente C., Sierra C., Martínez J., Rodríguez V.E., Aff. E., Rey J., Antunes. I.R., Gallego J.R. Impact of Old Pb Mining and Metallurgical Production in Soils from the Linares Mining District (Spain) // Environments 2022, 9, 24. <https://doi.org/10.3390/environments9020024>. – P. 1-17
8. Liu. Z., Fei. Y., Shi. H., Mo L., Qi. J. Prediction of high-risk areas of soil heavy metal pollution with multiple factors on a large scale in industrial agglomeration areas // Science of the Total Environment 808 (2022) 151874. -P. 1-12 <https://doi.org/10.1016/j.scitotenv.2021.151874>.
9. Wang. X., Wang. L., Zhang. Q., Liang. T., Li. J., Hans. Chr., Hansen. B., Shahee. S. M., Antoniadis V., Bolan. N., Rinklebe. J. Integrated assessment of the impact of land use types on soil pollution by potentially toxic elements and the associated ecological and human health risk // Environmental Pollution 299 (2022) 118911. –P. 1-9 <https://doi.org/10.1016/j.envpol.2022.118911>.
10. Peng. Ch., Zhang. K., Wang. M., Wan. X., Chen. W. Estimation of the accumulation rates and health risks of heavy metals in residential soils of three metropolitan cities in China // Journal of Environmental Sciences Volume 115, May 2022, Pages 149-161
11. Smorkalov. I. A., Vorobeichik. E. L. Does Long-Term Industrial Pollution Affect the Fine and Coarse Root Mass in Forests? Preliminary Investigation of Two Copper Smelter Contaminated Areas. // Water Air Soil Pollut (2022) 233:55 1-17.
12. Tripathy. A. P., Dixit. P. K., Panigrahi. A. K. Impact of effluent of Pulp & Paper industry on the flora of river basin at Jaykaipur, Odisha, India and its ecological implications // Environmental Research 204 (2022) 111769. -P. 1-8 <https://doi.org/10.1016/j.envres.2021.111769>.
13. Zhou. H., Bhattarai. R., Li. Y., Si. B., Dong. X., Wang. T., Yao. Z. Towards sustainable coal industry: Turning coal bottom ash into wealth // Science of the Total Environment 804 (2022) 149985. –P. 1-15 <https://doi.org/10.1016/j.scitotenv.2021.149985>.
14. Wu.Y., Liu. Q., MaJ., Zhao.W., Chen. H., Qu. Y. Antimony, beryllium, cobalt and vanadium in urban park soils in Beijing: Machine learning-based source identification and health risk-based soil // Environmental Pollution Volume 293, 15 January 2022, 118554 <https://doi.org/10.1016/j.envpol.2021.118554>
15. Jiang Y., Wei X., He H., She J., Liu J., Fang F., Zhang W., Liu Y., Wang J., Xiao T., Tsang D. Transformation and fate of thallium and accompanying metal(loid)s in paddy soils and rice: A case study from a large-scale industrial area in China // Journal of Hazardous Materials 423 (2022) 126997. -P. 1-9 <https://doi.org/10.1016/j.jhazmat.2021.126997>.

ВОЗДЕЙСТВИЕ НА ОКРУЖАЮЩУЮ СРЕДУ НЕКОТОРЫХ ОТРАСЛЕЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ

Аннотация: В статье подробно описаны исследовательские работы, проведенные на орошаемых серо-луговых почвах вокруг АО «Узбекский металлургический комбинат» в городе Бекабад Ташкентской области. По результатам исследования установлено, что в загрязнении почв в этих регионах, в том числе в ДФЛ (доля с фиксированным лимитом), при изучении результатов, полученных в общей сложности за три года, выявлено увеличение As – в 4,4 раза, Cr – в 19 раз, Ni – в 2,8 раза, Pb – в 3,9 раза.

Ключевые слова: Почва, окружающая среда, промышленность, химическая, тяжелые металлы, экология, техногенная, отходы, факторы, продуктивность.

ENVIRONMENTAL IMPACT OF SOME INDUSTRIAL SECTORS IN TASHKENT REGION

Annotation: The article details the scientific research carried out on irrigated gray-meadow soils around JSC «Uzbek Metallurgical Plant» in the city of Bekabad, Tashkent region. According to the results of the study, the results obtained for a total of three years in relation to soil pollution in these territories, including the maximum allowable concentration (MAC), increased As - 4.4 times, Cr - 19 times, Ni - 2.8 times, Pb - 3.9 times.

Key words: Soil, environment, industry, chemical industry, heavy metals, ecology, technogenic, waste, factors, productivity.

УЎТ: 631.4

Д.Х.БЕРДИЕВ

САРИОСИЁ ТУМАНИ «И.ДИЁРОВ» ХЎЖАЛИГИ БЎЗ ТУПРОҚЛАР МИНТАҚАСИ АСОСИЙ СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИНИНГ АЙРИМ КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ

Аннотация: Сарисийё тумани «И.Диёров» хўжалигининг турли муддатда суғориладиган типик бўз тупроқларнинг ҳайдалма қатламларида гумус миқдори тупроқлар учун ишлаб чиқилган таснифга кўра белги характери бўйича асосан ўртача ва қисман кам таъминланган кўрсаткичга мансуб. Суғориладиган ўтлоқи, ўтлоқи-бўз ва бўз-ўтлоқи тупроқларда гумус миқдори генетик қатламларда мутаносиб равишда бўлиб, хайдов ва хайдов ости қатламларида ўртача, қолган қатламларда кам миқдорларга тўғри келишлиги тўғрисида.

Калит сўзлар: ўтлоқи-бўз, гумус, CO₂ – карбонатлар ва SO₄ – гипс, она жинс, генетик қатламлар.

Бугунги кунда адаптив деҳқончиликка асосланиб қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ерларнинг аксарият қисми юқори (умумий майдонларнинг 23%) ёки яхши (53%) сифатга эга. Деҳқончиликда фойдаланилаётган юқори сифатли ерларнинг энг катта минтақавий улуши Марказий Америка ва Қариб денгизи ҳавзасига (42%) тўғри келади, кейинги ўринларни Ғарбий ва Марказий Европа (38%) ва Шимолий Америка (37%) эгаллайди. Ривожланган мамлакатлардаги юқори сифатли ерларнинг ўртача улуши 32% ни ташкил этади^[1]. Ривожланаётган мамлакатлар тупроқларининг унумдорлиги аксарият ҳолларда паст бўлиб, деҳқончиликда фойдаланиладиган барча майдонларнинг фақат 28% и юқори сифатли ерлар сифатида баҳоланади¹.

Биринчи марта Россия олимлари томонидан ягона режа асосида Россия, Украина ва Қозоғистон ҳудудларининг катта қисми тупроқлари эволюцияси ҳақидаги барча маълумотлар умумлаштирилди. Шарқий Европа текислигидаги дашт зоналари, Ғарбий Сибир ва Марказий Осиё, Россия, Қолийма водий текисликлари, Марказий Якутия ва Иркутск вилояти тоғли ҳудудларида тупроқ эволюциясининг глобал тенденциялари ва минтақавий моделлари таҳлил қилинди^[2]. Халқаро амалий тизимлар таҳлили институти (IIASA) ва FAO томонидан Агро-экологик районлаштириш контсепцияси

¹ www.fao.org.

(АЕЗ) ишлаб чиқилди². Ушбу мураккаб услуб ва моделлар учун асос яратилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига иқлим, тупроқ ва ер шароитларини тавсифлаш. GIS асосидаги ернинг мувофиқлик ўзига хос экинларини ва уларнинг ҳосилларини баҳолаш учун пастки тоифасидан тортиб то глобал даражада тупроқ тизимида ишлайди.

Бугунги кунда республикада қишлоқ хўжалигида, жумладан ер ресурсларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш соҳаларида илмий, илмий-амалий ишлар тизимли йўлга қўйилган ва маълум бир натижалар олинмоқда. Бу борада суғориладиган тупроқлардан самарали фойдаланиш бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар кўпроқ тупроқ ресурсларидан амалиётда фойдаланиш йўллари белгилашга қаратилган бўлиб, назарий жиҳатдан тупроқлар эволюциясининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида қамраб олинмаган. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида "...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни муттасил ривожлаштириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш" муҳим стратегик

² <https://books.google.co.uz/booksisbn=1439844550>

O'ZBEKISTON AGRAR FANI XABARNOMASI

вазифалар сифатида белгилаб берилган [3]. Шуни ҳисобга олган ҳолда, мазкур масаланинг алоҳида илмий йуналиш қилиб олиш, узоқ даврлардан суғориш билан боғлиқ тупроқ эволюцияси қонуниятлари, характери ва улар билан боғлиқ тупроқ жараёнлари ва унумдорлик даражасини аниқлаш, ҳам назарий, ҳам амалий жабҳаларда катта аҳамият касб этади.

ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ

Сурхондарё вилоятининг шимолий тоғ олди ва тоғ ости ҳудудлари бўз тупроқлар минтақасидан: Сариосиё туманидан "И.Диёров" СФУ суғориладиган тупроқлари танлаб олинган.

ТАДҚИҚОТ ПРЕДМЕТИ

Тадқиқотлар олиб борилган ҳудудларда тарқалган бўз тупроқларнинг хоссалари, унумдорлиги, механик таркиби, гумус ва озиқа элементлари ҳамда шўрланиш даражалари бўйича ўзгариш динамикаси ҳисобланади.

ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

Дала туз-текширув (солевая съёмка), қиёсий-географик,

қиёсий-геокимёвий, лаборатория-аналитик услублари, шунингдек олинган маълумотларни эксперт-баҳолаш усуллари.

Тупроқнинг кимёвий таҳлиллари қабул қилинган услублар бўйича Е.В. Аринушкина (1970) ҳамда, ЎзПТИ (1963, 1977) қўлланмалари асосида, гумус таркиби – И.В. Тюрин схемасида, Пономарева ва Плотникова модификацияси (1975) бўйича бажарилди. Дала тажрибалари ЎзПТИ (1978) таклиф этган усул бўйича олиб борилди.

Натижа: Сариосиё тумани И.Диёров номи хўжалик ерлари типик бўз тупроқлар минтақасида жойлашган бўлиб, унда асосан эскидан ва янгидан суғориладиган типик бўз тупроқлар ҳамда шу минтақага мансуб бўлган ўтлоқи, ўтлоқи-бўз ва бўз-ўтлоқи тупроқлар тарқалган. Улар механик таркибига кўра асосан ўрта ва қисман оғир кумоқлидир.

Мазкур тупроқларда гумус, CO₂ – карбонатлар ва SO₄ – гипс моддалари ва бирикмаларининг генетик қатламлар бўйича тарқалиши 1.-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

Сурхондарё вилояти бўз тупроқлар минтақаси асосий суғориладиган тупроқларининг айрим кимёвий хоссалари, %

Кесма, №	Тупроқ номи ва тавсифи	Қатлам чуқурлиги, см	Гумус, %	CO ₂ – карбо-натлар	SO ₄ - гипс
Сариосиё тумани «И.Диёров» хўжалиги					
20	Эскидан суғориладиган типик бўз тупроқ, ўрта кумоқли	0-31	1,152	4,75	0,050
		31-48	0,958	3,44	0,057
		48-75	0,704	3,52	0,057
		75-107	0,600	3,87	0,074
		107-150	0,475	4,50	0,074
52	Эскидан суғориладиган типик бўз тупроқ, ўрта кумоқли	0-30	1,323	3,45	0,072
		30-57	1,060	4,65	0,072
		57-84	1,014	4,01	0,057
		84-116	0,984	3,24	0,049
		116-150	0,820	3,24	0,074
91	Суғориладиган типик бўз тупроқ, оғир кумоқли	0,32	1,256	2,46	0,091
		32-46	1,171	3,48	0,082
		46-70	1,097	3,24	0,024
		70-90	0,992	3,69	0,115
		90-122	0,806	6,12	0,140
		122-165	0,636	2,46	0,115
		165-200	0,564	2,13	0,082
112	Суғориладиган типик бўз тупроқ, оғир кумоқли	0-33	1,233	2,81	0,049
		33-52	1,047	2,67	0,123
		52-78	0,999	1,76	0,148
		78-107	0,808	2,11	0,189
		107-160	0,682	2,46	-
122	Суғориладиган типик бўз тупроқ, ўрта кумоқли	0-35	1,394	3,52	
		35-69	1,259	3,52	
		69-107	1,040	2,11	
		107-150	0,940	2,48	
		150-196	0,800	3,52	
127	Суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқ, ўрта кумоқли	0-32	1,270	2,11	
		32-49	1,164	2,67	
		49-81	1,059	3,17	
		81-110	1,052	3,48	
		110-160	0,913	2,11	
129	Эскидан суғориладиган ўтлоқи тупроқ, ўрта кумоқли	0-31	1,652	4,92	
		31-60	1,447	3,37	
		60-96	0,966	2,81	

Натижаларга кўра, турли муддатда суғориладиган типик бўз тупроқларнинг ҳайдалма қатламларида гумус миқдори 1,15-1,39 %, ҳайдов ости қатламида эса 0,95-1,25% оралиғида бўлиб, бизнинг тупроқлар учун ишлаб чиқилган таснифга кўра белги характери бўйича асосан ўртача ва қисман кам таъминланган кўрсаткичга мансуб. Шу тупроқларнинг ўрта қисмида 0,060-0,99 % оралиғида – кам миқдорда, она жинсида 0,47-0,82 % бўлиб жуда кам ва кам кўрсаткичга тўғри келади. Суғориладиган ўтлоқи-бўз ва ўтлоқи тупроқларда гумус миқдори генетик қатламларда мутаносиб равишда 1,27-

1,65%; 1,16-1,44 %; 1,05-0,96 % ва 0,91 % бўлиб, ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида ўртача, қолган қатламларда кам миқдорларга тўғри келади.

CO₂ – карбонатлар кўрсаткичлари бўйича ўрганилган тупроқларнинг юқори қатламлари кам карбонатли – 2,11-4,92 %, ўрта қисмида нотекис тақсимланган бўлиб, 2,11-6,12 %, она жинсида 2,11-4,50 % ни ташкил этади.

Ўрганилган тупроқлар генетик қатламларида гипс миқдори 0,024-0,189 % бўлиб, жуда кам гипсли ҳисобланади.

Қарши давлат университети Агрохимё ва экология кафедраси.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида Миллий маъруза Тошкент, 2008. 15-79 б.
2. Матишов Д.Г., Дженюк С.Л. Концепция экосистемного мониторинга аридных зон Юга России//Современные аридных и семиаридных экосистем Юга России – ростов-на-Дону: Изд-во ЮНЦ РАН, 2006. С. 352.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони.
4. Аринушкина Е.В. Руководство по химическому анализу почв. М. Изд-во МГУ, 1970. – С. 3-488.

Аннотация: Количество гумуса в пахотных слоях типичных сероземов Сарийосинского района «И.Диёрлов», орошаемых в разное время, по классификации, разработанной для почв, относится к среднему и отчасти низкодходному показателю. О том, что количество гумуса в орошаемых луговых, лугово-серых и серо-луговых почвах пропорциональное в генетических слоях, умеренное в подпахотном и подпахотном слоях и низкое в остальных слоях

Ключевые слова: луговой серый, гумус, карбонаты, гипс, материнская порода, генетические слои.

Annotation: The amount of humus in the arable layers of typical gray soils of the Sariosiinsky district "I.Diyorov", irrigated at different times, according to the classification developed for soils, refers to an average and partly low-income indicator. The fact the amount of humus in irrigated meadow-gray and gray-meadow soils is proportional in the genetic layers, moderate in the subsurface and subsurface layers, and low in remaining layers

Keywords: Meadow gray, humus, carbonates and, gypsum, parent rock, genetic layers

UO'T: 631.452

X.N.KARIMOV¹, A.U.AHMEDOV¹, N.A.NURMETOV², G.A.XOJAMBERGENOV³

O'TLOQI ALLYUVIAL TUPROQLARDA OG'IR METALLARNING TO'PLANISHI

Annotatsiya. Bir necha yillardan buyon beda ekib kelinayotgan o'tloqi allyuvial tuproqlarda antropogen ta'sirlar natijasida, ya'ni turli xildagi minerallarni me'yoridan ortiq yoki kop qo'llanilishi, kasalliklarga qarshi qo'llanilayotgan mis kuporasining ishlatilishi natijasida og'ir metallarning harakatchan shakldagi ionlarining ortib borishi kuzatilgan. Ayniqsa tahlil natijalariga ko'ra Cu elementining REMdan 266,3 martaga ortib borishi, bundan tashqari qolgan og'ir metall ionlarining REMdan 5, 10 va undan yuqori darajada ortib borishi natijasida quyidagicha pasayib boruvchi qatorni tashkil etgan: Cu → Cd → Cr → Zn → Pb → Ni → Co.

Kalit so'zlar. tuproq, og'ir metall ionlari, ekin maydon.

Kirish. Hozirgi kunda qishloq xo'jaligida 20 mln. gektardan ortiq, shu jumladan 3,2 mln. gektar sug'oriladigan ekin yer maydonlaridan foydalanib, aholining ehtiyoji uchun oziq-ovqat mahsulotlari, iqtisodiyot tarmoqlari uchun zarur xom ashyo yetishtirilmoqda.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндagi ПФ-5742-сонли "Qishloq xo'jaligida yer va suv resurslaridan samarali foydalanish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni doirasida bir qancha ishlar olib borilmoqda [1].

Shu o'rinda aytib o'tish joizki, ekologik jihatidan toza

mahsulotga bo'lgan talabini qondirish, sug'oriladigan yerlardan unumli foydalanish, tuproqning agrokimyoviy-meliorativ holatini yaxshilash va uning unumdorligini saqlash hamda muntazam ravishda oshirib borishga qaratilgan keng qamrovli agrotexnologik, ekologik va meliorativ chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Buning natijasida zaharli moddalarning tuproq tarkibida to'planishini kamaytirish evaziga qishloq xo'jaligi mahsulotlarining sifati yaxshilanmoqda. Og'ir metallarni tuproq ona jinsi tarkibida mavjudligini hisobga olgan holda og'ir metallar va qoldiq pestitsidlarning miqdori, ularning tuproqda kechadigan

jarayonlarga ta'siri, toksikantlarni tuproq qatlamlari bo'ylab to'planishi, ularni tuproqning agrokimyoviy holatiga ta'siri hamda qoldiq xloorganik pestitsidlarni sizot suvi orqali aylanma harakatini aniqlash, toksik moddalarning trofik zanjir, ya'ni tuproq-suv-o'simlik bo'ylab harakatlanish dinamikasini tadqiq etish dolzarb masala hisoblanadi.

Ilimiy tadqiqotlar sholi ekilishi rejalashtirilgan dalalarda olib borilishi O'zbekistonda Sholichilikni keskin rivojlantirish va bu borada ilmiy tadqiqot ishlarini kuchaytirish, ilg'or texnologiyalarni amaliyotga joriy etish, ekologik toza mahsulot yetishtirish zarurligini hamda tanlangan mavzuni dolzarbligini belgilaydi. Biz olib borayotgan ilmiy tadqiqotlarimizda sholi ekilgan dalalarda og'ir metallarning harakatlanishiga katta e'tibor qaratmoqchimiz.

Adabiyotlar sharhi. So'nggi yillarda jiddiy ekologik muammolarni keltirib chiqaradigan og'ir metallar va metalloidl, jumladan mishyak (As), kadmiy (Cd), mis (Cu), qo'rg'oshin (Pb) va rux (Zn) elementlari bilan ifloslanishi natijasida kelib chiqadigan qishloq xo'jaligi oziq-ovqat xavfsizligi muammolari dunyodagi eng ko'p muammolardan biriga aylandi [2, 3, 4, 5, 6].

Og'ir metallar zaharli hisoblanadi, chunki ular ekinlarda to'planib, oxir-oqibat oziq-ovqat zanjiri orqali inson tanasiga kirib, inson salomatligiga xavf tug'diradi. Bioakkumulyatsiya ba'zi kimyoviy moddalar kontsentratsiyasi oziq-ovqat zanjiri orqali va vaqt o'tishi bilan ortib borishiga olib keladi. Bu birikmalar atrof-muhitdagi kimyoviy moddalar kontsentratsiyasi bilan solishtirganda ekinlar yoki tanalarda so'riladi va saqlanadi. Og'ir metallar parchalanish (metabolizma) yoki ekinlardan ajralib chiqish o'rniga ekinlarda to'planadi [7, 8, 9].

Har xil turdagi zaharli og'ir metallar inson tanasiga turli darajadagi zarar yetkazadi. Masalan, ular markaziy va periferik nevrologik shikastlanishlar, yurak-qon tomir kasalliklari, tug'ma nuqsonlar, platsenta rivojlanishining buzilishi va boshqa kasalliklarga olib kelishi mumkin [10].

Pb biologik zanjir orqali inson tanasiga uzatiladi va buyrak kasalliklari, suyak va oshqozon og'rig'i, nervlarning shikastlanishi, spontan abort, kamqonlik va xatti-harakatlarning o'zgarishiga olib kelishi mumkin. Yaqinda o'tkazilgan tadqiqotlarda Pb hayot yo'nalishini o'zgartirishi mumkinligi aniqlandi, chunki u suyakda 30 yilgacha yarim yemirilish davriga ega [11, 12, 13].

Cd jigar, suyak, buyrak va reproduktiv ta'sirlar bilan bog'liq va og'riq keltirishi mumkin [14, 15]. Cu va Zn uchun ular inson tanasida muhim iz elementlari hisoblanadi, ammo qabul qilish xavfsizlik darajasidan oshib ketganda, ular toksik ta'sirga ham ega bo'lishi mumkin. Zn ni ko'p iste'mol qilish odamlarda neyrotoksiklikka olib kelishi mumkin, Cu immunotoksiklik va rivojlanish toksikligi bilan bog'liq [16].

Guizhou provinsiyasining yuqori fon zonasida olib borilgan tadqiqotlarda sholi dalasidagi tuproqlari va sholidagi og'ir metallarda tekshirish o'tkazilgan bo'lib, guruchdagi og'ir metallarning miqdori va ta'sir qiluvchi omillar muhokama qilingan. Xitoyning Guychjou shahridagi yuqori geologik fonda jami 52 ta sholi maydon tuproqlari va sholi namunalarida margimush, kadmiy, mis, qo'rg'oshin va rux elementlarining konsentratsiyasi tahlil qilingan. Tuproqdagi og'ir metallarning o'rtacha arifmetik qiymatlari mos ravishda mishyak, rux, mis, kadmiy va qo'rg'oshin uchun $19,7 \pm 17,1$, $0,577 \pm 0,690$, $40,5 \pm 32,8$, $35,5 \pm 32,0$ va 135 ± 128 mg/kg-1 ni tashkil etgan. Tuproqdagi og'ir metallarning ko'p qismi tuproq standart qiymatidan yuqoriligi aniqlangan. Kadmiyning eng yuqori miqdori tuproq standart qiymatidan 15,5 baravar ko'p ekanligi aniqlangan. Guruchdagi mishyak, kadmiy, mis, qo'rg'oshin va rux konsentratsiyasi mos ravishda $0,09 \pm 0,03$, $0,01 \pm 0,01$, $1,57 \pm 0,69$, $0,002 \pm 0,003$ va $11,56 \pm 2,61$ milligrammi tashkil etgan, bularning barchasi mos ravishda pastroq. Guizhou provinsiyasida guruch

iste'moliga ko'ra, guruchni iste'mol qilish xavfi hisobga olingan. Natijalar shuni ko'rsatdiki, xavf koeffitsienti mis > rux > kadmiy > margumush > qo'rg'oshin tartibida tartiblangan va Guychjou provinsiyasining yuqori geologik fonda guruch iste'mol qilish xavfi kam ekanligi aniqlangan [10].

Tadqiqot ob'yekti va uslublari. Tadqiqotlar 5 yil davomida beda ekilgan sug'oriladigan o'tloqi allyuvial tuproqlarda olib borildi. 2021 yilda tuproq namunalarini (GOST 17.4.3.01-83 asosida) olingan bo'lib, og'ir metall elementlarini aniqlash uchun 0,25 mm bo'lgan elakdan o'tkazilgan tuproq namunasi 5 gramm olingan hamda 1 normalli azot kislotasi yordamida suvli so'rim tayyorlanadi [17] va tayyorlangan suvli so'rim spektrofotometr atomli absorbtion-2mt apparati yordamida tekshirilgan.

Og'ir metallarning xavflilik darajasiga ko'ra 1-sinfga kiruvchi Se, As, Pb, Cd, Zn, 2-sinfga mansub Ni, Cu, Cr, 3-sinfga kiruvchi Mn elementlarining tahlillari olib borilgan.

Tuproq namunalarini ekologik tahlillar uchun aniqlik darajasi bo'yicha 0-30, 30-50, 50-80, 80-100, 100-150, 150-200 sm bo'lgan qatlamlardan va genetik qatlamlar bo'yicha olingan (1-Jadval).

Kadmiy elementi tuproq qatlamlarida turli miqdorlarda ekanligi aniqlangan bo'lib, 200 sm gacha bo'lgan qatlamda, ya'ni 1-kesmaning haydov qatlamida, ya'ni, 0-40 sm qatlamida 1,54 mg/kg da ekanligi, REMdan (harakatchan shakldagi kadmiyning tuproq uchun REM 0,5 mg/kg) 3,08 marta, 40-70 santimetrdan esa 12,1 mg/kg, REMdan 24,20 marta, 70-94 va 94-110 sm qatlamlar tomon 1,27-1,02 mg/kg bo'lib, REMdan 2,54-2,04 martaga yuqori qatlamlarga qaraganda kam to'planishi aniqlangan. 1A hamda 1B-kesmalarining 30-50 sm bo'lgan qatlamida 23,40-30,20 mg/kg, 1A-kesmaning haydov qatlamida 2,54 martaga ortib borishi aniqlangan.

Ikkinchi kesmaning 30-50 va 50-80 sm bo'lgan tuproq namunalarida REMdan 3,90-5,56 martaga ortishi, 2B-kesmaning 30-50, 50-80, 80-100 sm esa REMdan 4,20-3,80-4,74 martaga ortiq ekanligi aniqlangan.

Tahlillarni qatlamlar bo'yicha solishtirish uchun bir xil qatlam oralig'ini asos qilganligimiz, ya'ni tuproqning genetik qatlamlaridan olingan namunalariga mos kelishi asosida solishtirilgan. Tahlillar natijasida haydov osti qatlam natijalari bir-biriga mos kelishi isbotlangan. Chunki, 40-70 sm bo'lgan haydov osti REMdan 24,2 martaga ko'payib borishi mos ravishda 30-50 santimetrdalardan olingan tuproq namunalarida kadmiyning REMdan 26,9-23,4-30,2 martaga ortib borishi bir xil ekanligi aniqlangan.

Tuproq tarkibida harakatchan kobalt uchun REM 5 mg/kg bo'lib, olingan tuproq namunalarida element bilan ifloslanishning boshlanganligini kuzatish mumkin.

Eng yuqori ko'rsatgich 2-kesmaning 30-50 qatlamida aniqlangan bo'lib, 7,13 mg/kg da ekanligi, REMdan esa 1,43 martaga ortib borishi aniqlangan. Pastki qatlamlar tomon REMdan 1,06-1,44 martagacha ortgan.


Tuproq tarkibida harakatchan shakldagi xrom, nikel, qo'rg'oshin va rux elementlarining REMLari 6 mg/kg, 4 mg/kg, 6 mg/kg, 23 mg/kg etib belgilangan. Tuproq tahlillarida yuqorida aytib o'tilgan to'rt turdagi elementlarning tuproq tarkibida REMdan ortiq to'planishi, ya'ni, elementlar bilan ifloslanish bir xilda ekanligi aniqlangan.

Xrom elementi tuproq kesmalarida 22,5 mg/kg dan 33,6 mg/kg gacha akkumulyatsiyalanishi kuzatilgan bo'lib, 0-30 sm qatlamda REMdan 3,75 martaga, haydov ostida 2,37 martagacha, 100-150 sm bo'lgan qatlamda 5,6 martaga ortib borganligi aniqlangan.

Barcha kesmalarining turoq qatlamlarida nikel bilan ifloslanish bir xilda ekanligi aniqlangan bo'lib, haydov 0-30 sm bo'lgan qatlamlarda 5,35-6,6-4,47-13,6-8,48-5,4-8,63 mg/kg atrofida to'planib borishi kuzatilgan.

Qoraqolpog'iston Respublikasi Nukus tumani SHO'rtanboy massivi Don va Sholi ilmiy-ishlab chiqarish birlashmasi hududi o'tloqi allyuvial tuproq qatlamlarida toksik ta'sir etuvchi og'ir metallarning to'planishi, mg/kg

№	Tuproq qatlami, sm	Cd	REM 0,5	Co	REM 5	Cr	REM 6	Cu	REM 3	Pb	REM 6	Zn	23
1-kesma	0-30	<0,05	-	5,12	1,02	22,5	3,75	799	266,3	<0,3	-	37,4	1,63
	30-50	13,2	26,4	2,55	-	14,2	2,37	225	75,0	5,77	-	26,7	1,16
	50-80	0,75	1,50	4,85	-	<0,1	-	<0,1	-	<0,3	-	19,7	-
	80-100	0,76	1,52	3,43	-	<0,1	-	<0,1	-	2,44	-	51,2	2,23
	100-150	0,28	-	3,94	-	33,6	5,60	348	116,0	<0,3	-	42,6	1,85
1A-kesma	150-200	0,9	1,80	5,76	1,15	<0,1	-	185	61,67	17,3	2,88	0,033	-
	0-30	1,27	2,54	5,96	1,19	<0,1	-	<0,1	-	<0,3	-	43,6	1,90
	30-50	11,7	23,40	6,53	1,31	<0,1	-	<0,1	-	20,3	3,38	<0,1	-
	50-80	<0,05	-	0,84	-	<0,1	-	<0,1	-	17,5	2,92	15,9	-
1B-kesma	80-100	<0,05	-	2,09	-	5,15	-	358	119,3	<0,3	-	114	4,96
	0-30	<0,05	-	<0,1	-	<0,1	-	<0,1	-	1,69	-	<0,1	-
	30-50	15,1	30,20	2,89	-	<0,1	-	<0,1	-	13,5	2,25	75,8	3,30
1-genetik qatlam	50-80	<0,05	-	4,29	-	17,3	2,88	<0,1	-	14,6	2,43	86,6	3,77
	80-100	<0,05	-	3,58	-	<0,1	-	<0,1	-	<0,3	-	<0,1	-
	0-40	1,54	3,08	3,98	-	18,2	3,0	654	218,0	6,54	1,09	<0,1	-
	40-70	12,1	24,20	6,05	1,21	12,3	2,1	198	66,0	9,08	1,51	31,9	1,39
2-kesma	70-94	1,27	2,54	6,11	1,22	<0,1	-	<0,1	-	3,16	-	<0,1	-
	94-110	1,02	2,04	6,02	1,20	<0,1	-	<0,1	-	7,83	1,31	42,5	1,85
	110-150	<0,05	-	6,78	1,36	27,6	4,6	268	89,3	7,74	1,29	3,79	0,16
	0-30	0,5	1,00	4,73	-	<0,1	-	<0,1	-	18,4	3,07	33,6	1,46
	30-50	1,95	3,90	7,13	1,43	<0,1	-	<0,1	-	<0,3	-	<0,1	-
2A-kesma	50-80	2,78	5,56	1,82	-	<0,1	-	<0,1	-	7,99	1,33	<0,1	-
	80-100	<0,05	-	4,9	-	<0,1	-	<0,1	-	13,6	2,27	47	2,04
	100-150	<0,05	-	2,72	-	<0,1	-	<0,1	-	20,6	3,43	<0,1	-
	150-200	<0,05	-	5,67	1,13	<0,1	-	<0,1	-	12,1	2,02	7,46	-
	0-30	<0,05	-	2,63	-	<0,1	-	<0,1	-	<0,3	-	18	-
2B-kesma	30-50	<0,05	-	2,2	-	<0,1	-	<0,1	-	3,79	-	18,6	-
	50-80	<0,05	-	5,3	1,06	<0,1	-	<0,1	-	11,7	1,95	<0,1	-
	80-100	<0,05	-	7,22	1,44	<0,1	-	<0,1	-	<0,3	-	43,8	1,90
	0-30	<0,05	-	2,92	-	<0,1	-	<0,1	-	12,1	2,02	<0,1	-
2B-kesma	30-50	2,1	4,20	4,02	-	<0,1	-	<0,1	-	7,52	1,25	6,12	-
	50-80	1,9	3,80	4,2	-	<0,1	-	<0,1	-	22,7	3,78	25,9	1,13
	80-100	2,37	4,74	<0,1	-	<0,1	-	13,6	4,53	12	2,00	16,3	-



1-rasm. Harakatchan nikel elementining tuproq qatlamlarida akkumulyatsiyasi (ko'k rangda) hamda tuproq uchun REMdan ko'p miqdorda to'planishi (qizil rangda) keltirilgan.

Haydov osti 30-50 sm bo'lgan qatlam tuproqlarida 2,28 mg/kg dan 14,7 mg/kg atrofida, 100-150 sm bolgan qatlamlarda 26,6-17,1 mg/kg, REMdan esa 6,65-4,28 martaga ortib borishi kuzatilgan. Pastki 200 sm bo'lgan qatlam tomon REMdan 1,77-14,4 martagacha ortiq to'planish kuzatilgan.

Qo'rg'oshinning harakatchan shakli tuproq namunalari REMdan ortib borishi barcha kesmalarda aniqlangan. 1-kesmaning pastki 150-200 sm qatlamlari tomon 17,3 mg/kg bo'lib, REMdan 2,8 martaga ortiq. 1A va 1B-kesmalarning pastki qatlamlari tomon REMdan 2,25-3,38 martagacha ortib borishi kuzatilgan. 2-kesma hamda yordamchi kesmalardan olingan tuproq namunalari 18,04 mg/kg dan 22,7 mg/kg atrofida to'planib borgan.

Mis elementi kimyoviy tahlillarga ko'ra (REM 3 mg/kg) faqat 1-kesma tuproq namunalari yuqori miqdorlari aniqlangan. Bir kilogram tuproqda mis elementi 0-30 sm bo'lgan haydov qatlamida 799 milligramdan pastki qatlamlar tomon 358 milligramgacha ortib borishi kuzatilgan. Bu esa REMdan 266,3-119,3 martagacha yuqori ekanligini ko'rsatdi. Aynan mis elementi bilan ko'p miqdorda

ortib borishini mis kuporasini kasalliklarga qarshi me'yoridan ortiq qo'llanilishi deb ayta olishimiz mumkin.

Xulosa qilib oxirgi bir necha yillar davomida beda ekilgan tuproq maydonidan olingan tuproq namunalari kadmiy elementi tuproqning haydov osti tuproqlarida 23,40-30,20 mg/kg atrofida bo'lib,

REMdan ortiq me'yorlarining to'planishi, xrom, nikel, qo'rg'oshin va rux elementlari REMdan 2-4 martagacha, mis elementi esa boshqa elementlarda qaraganda yuqori miqdorlarining tuproq qatlamlarida to'planishi aniqlangan. Faqat kobalt elementi tuproq qatlamlarida REMdan ortib boorish jarayoni boshlanishini kuzatish mumkin.

¹*Tuproqshunoslik va agrokimyo ilmiy-tadqiqot instituti*

²*Toshkent davlat agrar universiteti*

³*Qoraqolpog'iston Respublikasi Don va sholi ilmiy ishlab chiqarish birlashmasi*

ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 17 iyundagi PF-5742 sonli Farmoni.
2. Chen Y., Huang Y., Zhang W. Distribution characteristics of soil heavy metal pollution in the lead-zinc mine of Qinglin Township, Xiangyan Town, Pingwu County, Sichuan Province. *Acta Miner. Sin.* 2013; S2:688-689.
3. Jacob J.M., Karthik C., Saratale R.G., Kumar S.S., Prabakar D., Kadirvelu K., Pugazhendhi A. Biological approaches to tackle heavy metal pollution: A survey of literature. *J. Environ. Manag.* 2018; 217:56-70. doi: 10.1016/j.jenvman. 2018.03.077.
4. Wu W., Wu P., Yang F., Sun D.L., Zhang D.X., Zhou Y.K. Assessment of heavy metal pollution and human health risks in urban soils around an electronics manufacturing facility. *Sci. Total Environ.* 2018; 630: 53-61. doi: 10.1016 / j.scitotenv. 2018.02.183.
5. Duan H., Hu J., Tan Q., Liu L., Wang Y., Li J. Systematic characterization of generation and management of e-waste in China *Environ. Sci. Pollut. Res. Int.* 2016; 23:1929-1943.
6. Duan J., Lee Y., Liu H., Chen H. Hu Distribution of heavy metal pollution in surface soil samples in China: A graphical review *Bull. Environ. Contam. Toxicol.* 2016; 97:303-309.
7. Lenntech Heavy Metals. [(accessed on 28 February 2017)]; 2016 Available online: <http://www.lenntech.com>.
8. Lang W. Ph.D. Thesis. Chinese Academy of Geological Sciences; Beijing, China: 2010. Environmental Geochemical Behavior of Heavy Metals Such as Cd in Typical Soils of the Yangtze River System and Watershed. (In Chinese).
9. Arora K., Sharma S. Bioremediation of Heavy Metals. *Lap Lambert Acad.* 2011; 184:7299-7307.
10. Jomova K., Jenisova Z., Feszterova M., Baros S., Liska J., Hudecova D., Rhodes C.J., Valkoc M. Arsenic: Toxicity, oxidative stress and human disease. *J. Appl. Toxicol.* 2011; 31:95-107.
11. Anjos J.A.S.A., Sánchez L.E. Plano de gestão ambiental para sítios contaminados por resíduos industriais-o caso da Plumbum em Santo Amaro da Purificação/BA. *Rev. Bahia Análises Dados.* 2001; 10:306-309.
12. Obeng-Gyasi E. Lead Exposure and Oxidative Stress—A Life Course Approach in US Adults. *Toxics.* 2018; 6:42.
13. Muller C., Sampson R.J., Winter A.S. Environmental Inequality: The Social Causes and Consequences of Lead Exposure. *Ann. Rev. Sociol.* 2018; 44:263-282.
14. Shaheen N., Ahmed M.K., Islam M.S., Habibullah-Al-Mamun M., Tukun A.B., Islam S., Rahim A.T.M.A. Health risk assessment of trace elements via dietary intake of non-piscine protein source foodstuffs (meat, milk and egg) in Bangladesh *Environ. Sci. Pollut. Res.* 2016; 23:7794-7806.
15. Bosch A.C., O'Neill B., Sigge G.O., Kerwath S.E., Hoffman L.C. Heavy metals in marine fish meat and consumer health: A review. *J. Sci. Food Agric.* 2016; 96:32-48.
16. Agency for Toxic Substances and Disease Registry (ATSDR) Toxicological Profile for Zinc. U.S. Department of Health and Human Services, Public Health Service; Atlanta, GA, USA: 2005.
17. Министерство сельского хозяйства Российской Федерации центральный институт агрохимического обслуживания сельского хозяйства (цинао) // Методические указания по определению тяжелых металлов в почвах сельхозугодий и продукции растениеводства // Москва-1992, с. 50.

НАКОПЛЕНИЕ ТЯЖЕЛЫХ МЕТАЛЛОВ В ТРАВЯНИСТЫХ АЛЛЮВИАЛЬНЫХ ПОЧВАХ

Аннотация. В течение ряда лет лугово аллювиальные почвы подвергаются антропогенному воздействию в виде чрезмерного или чрезмерного использования различных минералов и применения медного купороса, который применяют для борьбы с болезнями. В частности, по результатам анализа увеличение элемента Cu от предельно допустимая концентрация до 266,3 раза, а также остальных ионов тяжелых металлов от предельно допустимая концентрация до 5, 10 и выше сформировало убывающий диапазон следующим образом: Cu → Cd → Cr → Zn → Pb → Ni → Co.

Ключевые слова. почва, ионы тяжелых металлов, посевная площадь.

ACCUMULATION OF HEAVY METALS IN GRASSY ALLUVIAL SOILS

Annotation. For a number of years, meadow alluvial soils have been exposed to anthropogenic pressure in the form of overuse or overuse of various minerals and the use of copper sulphate, which is used to combat diseases. In particular, according to the results of the analysis, an increase in the Cu element from the maximum allowable concentration to 266.3 times, as well as other heavy metal ions from the maximum allowable concentration to 5, 10 and above, formed a decreasing range as follows: Cu → Cd → Cr → Zn → Pb → Ni → Co.

Key words. soil, heavy metal ions, sown area.

УЎТ: 631.452

Х.Н.КАРИМОВ., А.У.АХМЕДОВ, Ж.П.ХУШМУРОДОВ., Д.УСМОНОВА

СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРНИНГ ГУМУС ҲАМДА ОЗИҚА ЭЛЕМЕНТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ

Аннотация. Танланган тадқиқот объектнинг агрокимёвий ҳолатига кўра суғориладиган типик бўз тупроқларда гумуснинг таъминланганлик даражаси кам ва жуда кам эканлиги аниқланган бўлиб, ҳаракатчан шаклдаги NPK миқдорлари билан, яъни, ҳаракатчан фосфор 1,6-4,8 мг/кг, калий миқдори кўра ҳайдалма қатламда 274,07 мг/кг бўлиб, ўрта ва баланд таъминланганлиги аниқланган. Тупроқнинг агрокимёвий ҳолатини ёмонлашуви, яъни, гумус ва озиқа элементлари билан кам таъминланганлиги етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг экологик ва сифат даражасининг камайишига олиб келади.

Калит сўзлар:

КИРИШ

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, тупроқ унумдорлиги ва маҳсулдорлигининг мунтазам ошириб боришнинг зарурий шароитларини яратиш, ўрганиладиган объектлар тупроқ-мелиоратив ва экологик ҳолатини чуқур таҳлил қилиш ҳамда экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш лозим. Бу ерларда мақсадли тадқиқотлар ҳамда илмий изланишлар ўтказиш ва бошқа тадбирлар қўллашда тупроқларнинг хосса-хусусиятлари, экологик-мелиоратив ҳолати, айниқса, тупроқнинг агрокимёвий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда илмий-амалий жиҳатдан ёндашиб иш кўрилишини талаб этилади.

Суғориладиган ерлардан оқилонга фойдаланиш ниҳоятда муҳим бўлиб, бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади ва табиий ҳолда мавжуд тупроқнинг агрокимёвий ҳолатидан унумли фойдаланиш зарур.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Қишлоқ хўжалиги суғориладиган майдонларида типик бўз тупроқлар 47,0%, оч тусли бўз тупроқлар 50,0%, ўтлоқи бўз тупроқлар 2,0% ва ўтлоқи тупроқлар 1,0% ни ташкил қилади. Экинларни етиштириш учун суғориладиган типик бўз тупроқлар энг истиқболли ва доимий фойдаланиладиган тупроқ гуруҳларидан биридир [3].

Самарқанд вилоятининг эрозияга учраган типик бўз тупроқлари гранулометриқ таркибига кўра енгил ва ўртача кумлоқ, ер ости сувларининг чуқурлиги 12 м дан 15 м гача, ҳайдаладиган (0-30 см) горизонтдаги чиринди миқдори 0,800-0,900%, умумий азот 0,07-0,09%, фосфор 0,11-0,14% ва калий 1,96-2,13% эканлиги аниқланган [1].

Самарқанд вилояти Ўзбекистоннинг марказида, яъни, Зарафшон дарёси ҳавзасида жойлашган бўлиб шимоли-ғарбда Навоий вилояти, шимоли-шарқда Жиззах вилояти, жанубда Қашқадарё вилояти, шарқда эса Тожикистон билан чегарадош. Вилоят майдони 16400 км², Нуробод тумани вилоят умумий майдонининг 40% дан ортиғини – 6980 км² ни эгаллайди. Иқлими континентал, қурғоқчил, қиши юмшоқ (январнинг ўртача ҳарорати -8 °С, июлнинг ўртача ҳарорати +38 °С), аммо аҳолининг камлиги ва етишмаслиги туфайли ҳарорат минтақанинг бошқа ҳудудларидан сезиларли даражада фарқ қилади. Нуробод тумани вилоятда ҳарорат фарқининг муҳим омилларидан бири уран қазиб олишдир, бу эса радиоактив фоннинг бироз ортиши ва минтақадаги экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келишидир. Ёфингарчилик миқдори ғарбда 100-200 мм, тоғларда 800 мм дан ортиқ ёғади [4].

Тадқиқот объекти сифатида танлаб олинган Навоий вилояти Нуробод тумани “Сирожиддин даласи” фермер

хўжалигининг 200 гектарли майдонли уран кони атрофида тарқалган янгидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар ҳисобланади.

Тупроқ тадқиқотлари 2020-2023 йилларга мўлжалланган ФЗ-201906147 шифрли “Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган экин майдонларнинг токсик моддалар билан заҳарланиш даражасидан келиб чиқиб 3D картасини тузиш ва экологик тоза маҳсулотлар етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш” амалий лойиҳаси доирасида олиб борилиши режалаштирилган бўлиб, табиий ифлосланиш мавжуд бўлган тупроқларнинг агрокимёвий ҳолати ўрганилади.

Танланган майдоннинг ҳар 20 гектаридан 1 та асосий ва 2 та ёрдамчи кесмалар, жами 7 та асосий кесма, шундан 200 см (0-30, 30-50, 50-80, 80-100, 100-150, 150-200) бўлган қатламгача, 14 та 100 см (0-30, 30-50, 50-80, 80-100) бўлган қатламлардан, жами 98 та тупроқ намуналари олинган. 0-30, 30-50 ва 50-80 см бўлган қатламлардаги тупроқ намуналарининг таҳлиллари 3 қайтариқда, яъни, тупроқнинг агрокимёвий таҳлиллари олиб борилган бўлиб, асосан гумус, ҳаракатчан азот ва калий ҳамда умумий шаклдаги NPK аниқланган.

Тадқиқот натижалари. Нуробод туманидаги “Сирожиддин даласи” фермер хўжалигининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар (19-25-кесмалар) профилида гумус миқдори 0,205-0,286% дан 1,012-1,459% гача бўлган оралиқда тебраниб туради. Устки биологик фаол гумусли қатламда 0,599-1,017% ни ташкил этади. Гумус билан кам (0,5-1,0%), ўртача (1,0-1,5%) ва юқори (1,5-2,0%) таъминланган гуруҳлар тупроқларига мансуб.

Тупроқ кесмаларининг 0-30 см бўлган қатламларида гумус 0,539-1,459% гача, пастки қатламлар томон қуйидагича кўрсаткичларда эканлиги аниқланган: 0,348-0,704%, 0,253-0,401%, 0,209-0,308%, 0,205-0,294%, 0,197-0,287%.

Тадқиқот давомида тупроқнинг агрокимёвий ҳолатига умумий таъриф бериш учун асосан тупроқ кесмаларининг етарли миқдорда эканлигига ҳамда уларнинг кўрсаткичларини ўртача таҳлилларига эътибор бериш лозим.

200 сантиметргача тупроқ намуналари олинган асосий кесмаларнинг қатламлари бўйича ўртача гумус ҳолати 0-30 см гача бўлган қатламда 0,806 фоиздан пастки қатламлар томон 0,204% гача камайиб борган. Олинган асосий ва ёрдамчи, жами 21 та кесмаларнинг 0-100 см бўлган қатлам тупроқларида гумус ўртача 0,887 фоиздан пастки қатламлар томон 0,211% (7 та кесмаларда) гача эканлиги аниқланган (1-жадвал).

Суғориладиган тупроқларнинг 0-30 см бўлган ҳайдов қатламида гумус билан таъминланганлик кўрсаткичларини

Янгидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқларнинг гумус ҳолати

Кесма №	Чуқурлик, см	Такрорийлар ўрғачаси ва ўрғача хатолик	Кесма №	Такрорийлар ўрғачаси ва ўрғача хатолик	Кесма №	Такрорийлар ўрғачаси ва ўрғача хатолик
19	0-30	0,539±0,020	21А	0,733±0,044	23Б	1,056±0,020
	30-50	0,352±0,011		0,238±0,013		0,667±0,023
	50-80	0,253±0,058		0,165±0,048		0,323±0,017
19А	0-30	0,642±0,032	21Б	0,513±0,032	24	1,008±0,061
	30-50	0,341±0,058		0,440±0,029		0,304±0,035
	50-80	0,275±0,058		0,356±0,032		0,209±0,000
19Б	0-30	1,294±0,028	22	0,730±0,139	24А	1,100±0,069
	30-50	0,832±0,055		0,268±0,023		0,267±0,038
	50-80	0,649±0,011		0,216±0,013		0,197±0,040
20	0-30	0,605±0,038	22А	0,587±0,017	24Б	0,993±0,025
	30-50	0,348±0,013		0,282±0,042		0,714±0,020
	50-80	0,275±0,029		0,316±0,028		0,378±0,023
20А	0-30	0,927±0,024	22Б	1,214±0,075	25	0,984±0,017
	30-50	0,326±0,072		0,414±0,025		0,277±0,032
	50-80	0,293±0,050		0,293±0,044		0,200±0,017
20Б	0-30	1,459±0,106	23	1,017±0,063	25А	1,067±0,032
	30-50	0,612±0,088		0,381±0,006		0,293±0,006
	50-80	0,422±0,083		0,198±0,033		0,187±0,012
21	0-30	0,733±0,028	23А	0,737±0,022	25Б	0,680±0,026
	30-50	0,414±0,046		0,557±0,023		0,497±0,042
	50-80	0,165±0,044		0,334±0,017		0,463±0,045

2-жадвал.

Тупроқ кесмаларининг агрохимёвий таҳлилларининг ўртача ҳолати

Кесма №	Чуқурлик, см	Гумус, %	Умумий, %			C:N	Ҳаракатчан мг/кг		CO ₂ , карбонатлар
			N	P ₂ O ₅	K ₂ O		P ₂ O ₅	K ₂ O	
19-25-кесмаларнинг ўрғачаси	0-30	0,806	0,073	0,156	1,474	6,407	4,771	274,071	8,030
	30-50	0,515	0,043	0,147	1,474	6,992	2,371	168,429	7,967
	50-80	0,328	0,030	0,171	1,500	6,345	1,957	102,429	7,708
	80-100	0,253	0,022	0,126	1,306	6,589	1,600	98,429	7,708
	100-150	0,240	0,028	0,144	1,287	5,032	3,314	80,143	7,583
	150-200	0,204	0,015	0,102	1,206	7,968	3,200	65,286	7,427

М.М.Тошқўзиёвнинг [2] маълумотлари асосида таҳлил қилганимизда 0,806-0,515% ҳисобида бўлиб, катталиклар чегарасига кўра (0,5-1,0%) кам таъминланган кўрсаткичга, пастки қатламлар томон жуда кам таъминланган (<0,5) кўрсаткичларда эканлиги кузатишган (2-жадвал).

Умумий азот ҳайдалма қатламда энг юқори кўрсаткич 0,073% бўлиб, пастки қатлам томон 0,015% гача камайиб бориши кузатишган, углероднинг азотга бўлган нисбати 6,41 га тенг бўлиб, пастки қатламлар томон 7,97 гача ортиб бориши кузатишган. Бу ҳолат типик бўз тупроқлар учун хос.

2-жадвалда барча кесма тупроқлари намуналаридан олинган натижалар ўртача таҳлили олиб борилганда умумий фосфор миқдори 0,171% дан пастки қатлам томон 0,102% ни,

калий 1,206-1,500% ташкил этади (2-жадвал).

Ҳаракатчан фосфор миқдорига кўра (1,6-4,8 мг/кг) таъсифланаётган типик бўз тупроқлар жуда кам таъминланган, алмашинувчи калий миқдорига кўра ҳайдалма қатламда 274,07 мг/кг бўлиб, ўртача таъминланган гуруҳларни ташкил этади.

CO₂ карбонатлар деярли бир хил меъёрларда (7-8%) тарқалган бўлиб, ҳайдов қатламда 8,030-7,708% эканлиги аниқланган (2-жадвал).

Хулоса қилиб, суғориладиган типик бўз тупроқлар таркибининг агрохимёвий ҳолати ҳаракатчан калий кўрсаткичларидан ташқари барча озиқа элементлари ва гумус билан кам ва жуда кам таъминланган эканлиги аниқланган.

Тупроқшунослик ва агрохимё илмий тадқиқот институти

АДАБИЁТЛАР

1. Мунинова З.К. Деградация почв орошаемых земель Узбекистана, особенности решения проблемы эрозии и воспроизводства плодородия // <https://elib.bsu.by/bitstream>
2. Тошқузиёв М.М. Тупроқда умумий гумус ва ҳаракатчан гумус моддалари микдоридан унинг унумдорлиги кўрсаткичи сифатида фойдаланишга доир услубий кўрсатмалар // Меъёрий ҳужжат, Тошкент, 2006. – 47 б.
3. Эколого-мелиоративное состояние и продуктивность орошаемых почв Ферганской долины. - Ташкент. 2017. С. 328.
4. <https://ru.wikipedia.org/wiki>

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ОРОШАЕМЫХ ПОЧВ ГУМУСОМ И ЭЛЕМЕНТАМИ ПИТАНИЯ

Аннотация. По агрохимическому состоянию выбранного объекта исследований обеспеченность гумусом типичных орошаемых сероземов была низкой и очень низкой, с содержанием подвижных NPK, т.е. подвижных фосфора 1,6-4,8% мг/кг, калия в пахотном слое 274,07 мг/кг средний и высокий запас. Ухудшение агрохимического состояния почвы, т.е. низкая обеспеченность гумусом и питательными веществами, приводит к снижению экологического и качественного уровня выращиваемой сельскохозяйственной продукции.

Ключевые слова: почва, агрохимическое состояние почвы, гумус, NPK.

PROVISION OF IRRIGATED SOILS WITH HUMUS AND NUTRIENTS

Annotation. According to the agrochemical state of the selected research object, the humus supply of typical irrigated gray soils was low and very low, with the content of mobile NPK, mobile phosphorus 1,6-4,8% mg/kg, potassium in the arable layer 274,07 mg/kg, medium and high reserves. Deterioration of the agrochemical state of the soil, low availability of humus and nutrients, leads to a decrease in the ecological and quality level of agricultural products.

Keywords: soil, agrochemical condition of soil, humus, NPK.

УЎТ: 631.8+631.524.633.3+631.6.02

Л.А.МИРЗАЕВ, Д.У.ҒОҒУРОВ

“МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАРНИНГ ИРРИГАЦИЯ ЭРОЗИЯСИГА УЧРАГАН ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА ТАКРОРИЙ МОШНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ”

Аннотация. Мазкур мақолада Тошкент вилоятининг ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида экилган мошнинг табақалаштирилган ҳолда минерал ўғит меъёрлари тупроқнинг ювилган қисмида N50P80K60 кг/га ва ювилиб тушган қисмида N25P80K60 кг/га қўлланилганда мошнинг ўсиши ва ривожланишига ва дуккаклар сонини кўпайишига ижобий таъсири тўғрисида маълумотлар баён қилинган.

Калит сўзлар: типик бўз тупроқ, ирригация, эрозия, минерал ўғит меъёрлари, азот, фосфор, калий, мош, ўсиши ва ривожланиш.

КИРИШ

Қишлоқ хўжалиги экинларидан бугунги кунда дунё бўйича «ғўза 33 млн. гектар ерда экилиб, 35 млн. тонна пахта ҳосили олинмоқда, буғдой 220,4 млн. гектар майдонда экилиб, ўртача дон ҳосили 31,1 ц/га ни, маккажўхори 183,3 млн. гектар майдонда парвариш қилиниб, ўртача ҳосилдорлик 49,0 ц/га ни, мош экинни эса, 20,1 млн гектарда етиштирилиб, ҳосилдорлиги 18,7 ц/га ни ташкил этади»¹.

Республикамизда бу экинлардан ташқари такрорий экин сифатида кўплаб экинларни экиш, улардан юқори ва сифатли маҳсулот олиш, экинларни турлари, экиш муддатлари, тупроқ-иқлим шароитлари, минерал ўғит меъёрлари ва қўллаш муддатларини тўғри белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида ер ва сув ресурсларининг че-

¹ www.embrapa.br

кланганлиги ҳамма соҳа эгаларига маълумдир. Шунинг учун қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини оширишда энг аввало, ҳар бир гектар ер майдонидан сув ўғит ресурсларидан оқилона фойдаланишга, қолаверса тезпишар, серҳосил навларни яратиш, илғор агротехнологияларини қўллаш, шўрланиш, ирригацион ва шамол эрозиясига қарши кураш чоралари, ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш тадбирларини қўллашга боғлиқдир.

Тупроқни эрозиядан сақлаш қурғоқчил иқлимли минтақаларда жойлашган кўпгина мамлакатларда, хусусан Ўзбекистонда ҳам муҳим ва долзарб муоммолардан бири ҳисобланади. Республикамизда ирригация эрозиясидан 722 000 га, шамол эрозиясидан (экин экиладиган ҳудудларда) 1,812 000 га, шу жумладан сув ва шамол эрозияси 1,929 000 га ерлар зарар кўради (Мирзажонов ва бошқ, 2011).

Ҳосилдорликнинг камайиш омилларидан бири, бу ирригация эрозияси туфайли тупроқдаги ўсимлик учун зарур озика элементлар ювилиши ва ҳосилнинг кескин камайиб кетишига таъсир кўрсатади. Натижада тадқиқотларда олинган натижалар шуни кўрсатганки, бир даланинг ўзида тупроқ унумдорлиги турли хил бўлиши, бу ўз навбатида суғориш, ўғитлаш, тупроққа ишлов бериш ва алмашлаб экишни тақозо этади.

Юқорида келтирилган фикрлар асосида, тупроқ унумдорлигига боғлиқ ҳолда ғўза мажмуасига кирадиган, экинлар ҳосилдорлиги ва унинг сифатини оширишни таъминлайдиган алмашлаб экишнинг бир неча қисқа ротацияли мақбул (2:1; 1:1:1; 1:1 ва ҳокозо) тизимлари яратилди. Шу билан бирга, ушбу тизимда тупроқ унумдорлигини сақлайдиган ҳамда оширадиган экинларни парваришлаш агротехнологияларини такомиллаштирилмоқда (2004 йил).

Тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича (2006 йил) А.А.Иминов., Б.М.Халиков., Ф.Б.Намазов., Х.Бозоровларнинг тадқиқотларида кузги буғдой анғизда такрорий экин сифатида дуккакли-дон экинларини етиштирилиши натижасида тупроқнинг агрофизик ва агрохимёвий хоссалари ижобий томонга ўзгариб, ундаги гумус миқдори тупроқнинг ҳайдов (0–30 см) қатламида 0,008–0,012% га, умумий азот миқдори 0,006–0,010% га, умумий фосфор миқдори эса 0,007–0,010% га ортанлиги қайд этилган.

Н.Ўразматов ҳамда Г.Ўринбоевалар (2016 йил). Мошнинг “Победа-104” навидан 15,5 ц/га, соянинг “Юг-30” навидан 23,3 ц/га дон ҳосил олинди, илдиз-анғиз қолдиқлари 0–50 см қатламда мос равишда 45,5 ва 42,4 ц/га, шу билан бирга, 0–30 см қатламда мош ва соя экилган майдони тупроқ ҳажм массаси амал даври охирида 1,355–1,360 г/см³, бўлганлиги ҳақида маълумот берган. Юқоридаги келтирилган адабиётлардан кўриб турибдики, такрорий экинлар тупроқ унумдорлигини ошириш ва сақлашда энг муҳим омиллардан биридир.

Шунингдек яна, Н.Ўразматовнинг 2017 йилда олиб борилган тадқиқотларида ўтлоқи соз тупроқлар шароитида қисқа ротацияли алмашлаб, навбатлаб экиш далаларида кузги буғдойнинг анғиз ва илдиз қолдиқларида умумий азот-1,336; фосфор-0,785; калий -2,060% ни, такрорий экин сояни илдиз ва анғиз қолдиқларида тегишлича 2,430; 0,803; 1,586% ни ташкил этиб, тупроққа кузги буғдой илдиз ва анғизларидан 23,6 кг, соядан эса 42,6 кг жами 66,2 кг/га соф биологик азот қолдирганлигини аниқлаган.

Избасаров Б.нинг 2016 йил маълумотларида Такрорий экинларни экишда асосан, такрорий экин маккажўхори, соя ва мош экинларидан кейин тупроқни агрофизикавий агрохимёвий хоссалари яхшиланди, ушбу далада ғўза етиштирилганда пахта ҳосили ошди.

Тупроқнинг органик қолдиқлари билан бойитиш тадқиқот ишларида Я.Буриев., Ж.У.Абдуллаевларнинг (2017 йил) маълумотларига асосан, такрорий экинлар (мош, соя, шолғом, кунжут) дан бўшаган майдонларда хар хил оралик экинлар етиштирилганда, энг мақбул вариант дуккакли экинлардан кейин жавдар+сули+беда, тритикале+жавдар+беда экилганда кук масса ҳосили 463,7 ва 458,7 ц/га олинди, тегишлича курук масса ҳосили 51,7 ҳамда 51,4 центнерни ташкил этган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар шароитида такрорий экин сифатида мош экинни тупроқларнинг ювилган қисмида табақалаштирилган ҳолда минерал ўғитларни қўллаш агротехнологияларини ишлаб чиқиш илмий асослаш тавсиялар бериш шу куннинг долзарб масалаларидан ҳисоланади.

Биз шундай масалаларга ойдинлик киритиш учун Пахта селекцияси уруғчилиги, ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтининг ҚХ-ЁА-ҚХ-2018-5 гранти “Турли тупроқ унумдорлиги шароитида кузги буғдой, дуккакли такрорий экинлардан кейин ғўзанинг мақбул озиклантириш тартибини аниқлаш” (Тошкент вилоятининг ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлари шароитида) мавзусида амалий лойиҳасида 2017-2019 йиллар мобайнида илмий тадқиқот ишлари олиб борилди ва кузланган мақсадга эришилди.

ТАДҚИҚОТ УСЛУБИ ВА МАТЕРИАЛЛАРИ

Тажриба ПСУЕАИТИ тажриба хўжалиги тупроқлари эскидан суғорилиб келинаётган, шурланмаган ва сизот сувлари чуқур (20 м) жойлашган типик бўз тупроқларда олиб борилди. Тажриба ўтказилган майдоннинг қиялик даражаси 1-2,5° ни ташкил қилади. Хўжаликнинг жанубий қисмида суғориладиган типик бўз тупроқлар тарқалган. Улар эрозияланганлик жиҳатдан ювилмаган, кучсиз, ўтача, кучли ювилган ва ювилиб тушган тупроқ хилларига бўлинади, тупроқ ҳайдов қатламининг механик таркиби, ҳайдов ости қатламига нисбатан ирригация эрозияси натижасида анча енгиллашган бўлиб, физик лой жиҳатдан ҳайдов қатлами билан фарқланади, пастки қатламларда физик лойнинг миқдори кўпроқ.

Тажриба даласини тупроғи суғорилиб келинадиган типик бўз тупроқ бўлишига қарамай озика унсулларини ҳаракатчан шакллари билан кам таъминланганлигига сабаб, тупроқни ирригацион эрозия таъсирида камайишидадир. Далада илмий тадқиқот ишларини олиб боришда аввало талланган далани хар учала йилда ҳам деярли бир бирдан фарқ қилмаган ҳолада тупроқнинг дастлабки агрохимёвий хусусиятини аниқлаганда, тупроқнинг 0-30 см қатламидаги тупроғи ювилган қисмида чиринди миқдори 0,710%, умумий азот 0,080 ва фосфор 0,100 % ни ташкил этган бўлса, ҳаракатчан шакллари N-NO₃ -14,6 мг/кг, P₂O₅ 18,5 ва K₂O 167 мг/кг ни ташкил этган. Ювилиб тушган қисмида чиринди миқдори 0,960 %, умумий азот 0,140 ва фосфор ҳам 0,140 % ни ташкил этган бўлса, ҳаракатчан шакллари N-NO₃ -21,0 мг/кг, P₂O₅ 38 ва K₂O 250 мг/кг ни ташкил этган. Гумус ва азот, фосфорнинг умумий шакллари тупроқнинг ҳайдов қисми ва ундан пастки қисимларида пасайиб борган, бу ҳолат экинларни озиклантиришда минерал ўғитларни табақалаштириб беришни тақозо этади.

Тажрибада тупроқ намуналаридаги гумус, NPK умумий ва ҳаракатчан турлари миқдорлари «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» (1963) [3; 128.б.], «Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии» (1977) усулномаларига биноан амалга оширилади. [4;128.б.] тадқиқотлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” [2; 53-57.б.] қўлланмаларига асосан ўтказилди.

Такрорий мош 4-5 чин барг, гуллаш-мевалаш ва амал даврларида биометрик кузатувлар олиб борилади, улардаги ўсимлик сони % да, ўсимлик бўйи, ҳосил шоҳлар сони, шоналар сони, дуккакларини катталиги бўйича биометрик кузатувлар олиб борилади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИ

Ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар шароитида тупроқлари ювилган ва ювилиб тушган қисмларда такрорий мошнинг 3 хил яъни N₂₅P₈₀K₆₀, N₅₀P₈₀K₆₀ ва N₇₅P₈₀K₆₀ кг/га ва бу минерал ўғит меъёрлари тупроқлари ювилиб тушган қисмларига ҳам худди шу меъёрлар қўлланилган эди. Мошнинг вегетация даври давомида ўсиш ривожланишини

Такрорий экин сифатида экилган мош экиннинг ўсиш ва ривожланишига минерал ўғит меъёрларини таъсири.

Кузги бугдойда қўлланилган маъдан ўғитлар ФОН и	Минерал ўғитлар меъёри, кг/га	Вариант рақами	4-5 барг даври		Мевалаш даври		Амал даври охири	
			Ўсим бўйи, см	Барг сони, дона	Ўсим бўйи, см	Дуккак сони, дона	Ўсим бўйи, см	Дуккак сони, дона
Тупоқнинг ювилган қисми.								
N ₂₅₀ P ₁₇₅ K ₁₂₅	N ₂₅ P ₈₀ K ₆₀	1	18,2	4,2	43,6	4,6	44,9	22,9
	N ₃₀ P ₈₀ K ₆₀	2	22,6	5,2	44,5	5,2	45,8	27,8
	N ₇₅ P ₈₀ K ₆₀	3	25,5	6,5	48,3	4,8	51,0	25,3
Тупоқнинг ювилиб тушган қисми								
N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	N ₂₅ P ₈₀ K ₆₀	4	27,7	6,4	46,3	6,3	48,5	29,2
	N ₃₀ P ₈₀ K ₆₀	5	28,3	6,6	48,9	5,5	53,7	24,1
	N ₇₅ P ₈₀ K ₆₀	6	31,4	8,0	51,2	5,8	58,9	26,4

август ойида кузатганимизда ўсимликнинг бўйи вариантлар бўйича бир бирдан фарқланди. Тупроқнинг ювилган қисмида такрорий экин сифатида экилган мошнинг 1 вариантда 4-5 барг дарвида ўсимлик бўйи 18,2 см, мевалаш даврида 43,6 см ва амал даври охирида 44,9 см ташкил қилган бўлса, энг юқори кўсаткич 3-вариатда кузатилди. Ушбу вариантга минерал ўғитлар меъёрлари N₇₅P₈₀K₆₀ кг/га ни ташкил қилиб, ўсимлик бўйи 4-5 баг даврида ўсимлик бўйи 25,5 см мевалаш даврида 48,3 см ва амал дарви охирида 51,0 см ни ташкил қилган. Маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

Тупроқлари ювилиб тушган қисмида энг юқори кўрсаткичлар 3 вариантда кузатилиб ушбу вариантга N₇₅P₈₀K₆₀ кг/га минерал ўғитлар қўлланилган бўлсада, мошнинг амал даври охирида дуккаклар сони камайганлиги кузатилди.

Тупроқнинг ювилиб тушган қисмида такрорий мошнинг 4 вариантда 4-5 барг дарвида ўсимлик бўйи 27,7 см, мевалаш даврида 46,3 см ва амал даври охирида 48,5 см ташкил қилган бўлса, 5-вариантда 4-5 барг дарвида ўсимлик бўйи 28,3 см, мевалаш даврида 48,9 см ва амал даври охирида 53,7 см ташкил қилган тажрибада энг юқори кўсаткич 6-вариатда кузатилди. Ушбу вариантга минерал ўғитлар меъёрлари

N₇₅P₈₀K₆₀ кг/га қўлланилган эди, бунда ўсимлик бўйи 4-5 барг даврида ўсимлик бўйи 31,4 см мевалаш даврида 51,2 см ва амал дарви охирида 58,9 см ни ташкил қилган. Тупроқлари ювилиб тушган қисмида энг юқори кўрсаткичлар 6 вариантда кузатилиб ушбу вариантда мошнинг амал даври охирида дуккаклар сони камайганлиги кузатилди. Бу ўз навбатида ҳосилга ҳам салбий таъсирини кўрсатади.

ХУЛОСА

Олиб борилган тажрибалардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Тошкент вилоятининг ирригация эрозиясига учраган тупроқлари шароитида мош экиннинг яхши ўсиши, ривожланиши, дуккаклар сонининг кўпайиши учун табақалаштирилган ҳолда минерал ўғитларни йиллик меъёрларининг N₅₀P₈₀K₆₀ кг/га қўллаш самарали эканлиги кузатилди. Ювилиб тушган қисмида минерал ўғит меъёрлари N₇₅P₈₀K₆₀ кг/га қўлланилганда мошнинг бўйи ўсиб (вегетатив органлари), кетиши натижасида дуккаклар сони камайиши кузатилди. Тупоқлари ювилиб тушган қисмида мош экиннинг яхши ўсиши, ривожланиши, дуккаклар сонининг кўпайиши учун минерал ўғитларни йиллик меъёрларининг N₂₅P₈₀K₆₀ кг/га қўллаш самарали эканлиги кузатилди.

ЎЗҚХ вазирлиги, ПСУЕАИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Иминов А.А., Халиков Б.М., Намазов Ф.Б., Бозоров Х. - Ғалладан бўшаган майдонларда дуккакли-дон экинлари етиштиришнинг самарадорлиги. //Дала экинлари селекцияси. уруғчилиги ва агротехнологияларининг долзарб йўналишлари мавзусидаги, Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами (2016 йил. 15–16 декабрь 2–қисм). Б. 218.
2. “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” 53-57.б.
3. Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах. 3-е издание. Ташкент. 1963. С. 124.
4. Методы агрохимических анализов почв и растений–Ташкент, Мехнат. 1977. С. 128.
5. Халиков Б.М., Иминов А.А. Экиш меъёрлари ва такрорий экинларнинг тупроқ ҳажм оғирлигига таъсири. //Фермер хўжаликларда пахтачилик ва ғаллачиликни ривожлантиришнинг илмий асослари. Халқаро илмий амалий конференция мақолалар тўплами. Тошкент, ЎзПИТИ-2006. Б-94.
6. Ўразматов Н., Ўринбоева Г. “Кузги бугдой ва такрорий экинларнинг ҳосилдорлиги” //Пахтачиликда долзарб масалалар ва уни ривожлантириш истиқболлари. Тошкент. 2009. Б. 127–129.
7. Ўразматов Н.Н. Асосий ва такрорий экинларнинг тупроқдаги қолдиқлари ҳамда уларнинг таркибидаги азот миқдори. // “Ўза селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияларининг долзарб муаммолари ҳамда уни ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. (2017 йил. 20 декабрь) Тошкент. Б.281-283.
8. Избасаров Б. Алмашлаб экишни тупроқнинг агрохимёвий хусусиятларига таъсири. //Агро илм. 2016. №5 [43]. Б. 66.
9. Избасаров Б. Такрорий экинлар ва ўзага қўлланилган ўғит меъёрларининг тупроқ ҳажм массасига таъсири. //Агро илм. 2016. №4 [42]. Б. 15-16.
10. Избасаров Б.Э. Ўза ва унга издош экинлардан юқори ҳосил етиштириш ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш тадбирлари (Жиззах чўли шароитида). Автореферат дисс. қ.х.ф.д. Тошкент. 2016. Б. 25.
11. www.embrapa.br

“ВЛИЯНИЕ МИНЕРАЛЬНЫХ УДОБРЕНИЙ НА РОСТ И РАЗВИТИЕ ДЛЯ ПОВТОРНЫХ КУЛЬТУР В УСЛОВИЯХ ТИПИЧНЫХ СЕРОЗЕМОВ, ПОДВЕРЖЕННЫХ ИРРИГАЦИОННОЙ ЭРОЗИИ”

Аннотация. В данной статье в условиях типичных сероземов Ташкентской области изучен рост мхов при внесении в качестве стратифицированных минеральных удобрений в промытую часть почвы N50 R80 K60 кг/га и в промытую часть N25R80K60. кг/га и данные о положительном влиянии на развитие и увеличение количества бобовых культур.

Ключевые слова: серозем типичный, орошение, эрозия, нормы минеральных удобрений, азот, фосфор, калий, мох, рост и развитие.

“INFLUENCE OF MINERAL FERTILIZERS ON GROWTH AND DEVELOPMENT FOR REPEATED CROPS IN CONDITIONS OF TYPICAL GRAY SOILS SUBJECT TO IRRIGATION EROSION”

Annotation. In this article, under the conditions of typical gray soils of the Tashkent region, the growth of mosses was studied when applied as stratified mineral fertilizers to the washed part of the soil N50R80K60 kg/ha and to the washed part N25R80K60. kg/ha and data on the positive impact on the development and increase in the number of legumes.

Keywords: typical gray soil, irrigation, erosion, norms of mineral fertilizers, nitrogen, phosphorus, potassium, moss, growth and development.

УЎТ: 631:46

М.Х.ДИЁРОВА, С.Н.ХОЛИҚОВА

ОЧ ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАРДАГИ АСОСИЙ ФИЗОЛОГИК ГУРУХ МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ МИҚДОРИ

Аннотация. Мақолада Шуртан Газ Кимё мажмуаси худудидаги оч тусли бўз, сўғориладиган тупроқ қатламларини ўрганиш натижасида барча намуналарда асосий физиологик гуруҳ микроорганизмларнинг миқдор кўрсаткичларига асосан микроорганизмларидан аммонификатор бактериялар миқдори, фосфор парчаловчи ва олигонитрофил микроорганизмлари, Микромицетлар ва Актиномицетларнинг биологик фаоллиги аниқланганлиги борасида изланишлар натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: ферментлар, микробиологик, агрофизик, агрокимёвий, Эшби, микромицет, Чапека, Петри, актиномицетлар, Бактериялар, замбуруғлар олигонитрофил микроорганизм ва ҳужайра.

Кириш: Бугунги кунда табиий ва агроценлардаги тупроқнинг унумдорлиги унинг физик-кимёвий хусусиятларига, гумус қатлами, таркибида мавжуд бўлган органик ва минерал моддаларга ва айниқса унинг таркибидаги турли хил фойдали микроорганизмлар тўпламига, уларнинг миқдори ҳамда биологик фаоллигига бевосита боғлиқлиги борасида жуда катта этибор берилмоқда. Бундан ташқари экин майдонларининг турли географик кенгликларда жойлашуви, ўзлаштирилиши ва шўрланиш даражалари, уларда кечувчи биологик жараёнлар хусусиятларига қараб, етиштириладиган экинларни мақсадли равишда танлаш, замонавий, безарар биотехнологик усулларни яратиш давр талаби эканлиги сезилмоқда [1].

Табиатдаги барча тирик организмлар ҳаётида моддалар элементларнинг фаол алмашинувида, айниқса асосий элементлардан углерод ва унинг айланишида яшил ўсимликлар, кўк массалари, улардан олинадиган маҳсулотлар катта аҳамиятга эга [2], шу билан бир қаторда тупроқ унумдорлигига ҳамбарчас боғлиқдир.

Долзарблиги: Агроценоз ва табиий тупроқларнинг унумдорлиги унинг физик-кимёвий хусусиятларига гумус қоплами,

таркибида мавжуд бўлган органик ва минерал моддаларга ва айниқса улар таркибидаги турли хил фойдали микроорганизмлар қопламига, уларнинг миқдори ва биологик фаоллигига бевосита боғлиқдир. Бундан ташқари экин майдонларининг турли географик кенгликларда жойлашуви, ўзлаштирилиш хусусиятларига қараб, етиштириладиган экинларнинг мақсадли равишда танлаш, замонавий, безарар биотехнологияларни яратиш лозимдир.

Дунёда тупроқ унумдорлигига салбий таъсир кўрсатувчи антропоген кимёвий ифлосланишларни олдини олиш ва манбаларини аниқлаш, натижада келиб чиқадиган оқибатларни бартараф этиш, тупроқ унумдорлигини қайта тиклаш ва ошириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада тупроқ ферментлари фаоллиги, микробиологик, агрофизик ва агрокимёвий хоссаларини аниқлаш, тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган тадқиқотларга эътибор берилмоқда [3].

Ўзбекистон Республикасида саноат корхоналари атрофида тарқалган тупроқларнинг оғир металллар билан ифлосланиш кўрсаткичлари, уларнинг учраш шакллари ва тупроқ микроорганизмларига таъсири ўрганиш билан Н.Э Шукуров шуғулланган [4,5].

Республикада сўғориладиган тупроқларнинг саноат қиқиндилари билан ифлосланиши йилдан –йилга ошиб бориши бугунги куннинг ташвишли муаммосига айланмоқда. Шундай ҳудудлардан бири Қашқадарё вилояти Шўртан кимё мажмуаси ҳудуди тупроқларининг ифлосланиши натижасида тупроқ микробиологик фаолигини кузатар эканмиз биз ўтказган тажрба таҳлили асосида ҳам амин бўдлик.

Объект: Дала тажрибаларимизумий қабул қилинган усулларда Қашқадарё вилоятнинг Ғузор тумани Шуртан Газ Кимё мажмуаси ҳудудидаги оч тусли бўз ва сўғориладиган тупроқларида олиб борилди.

Усуллар: Тупроқдаги гумус миқдорини И.В.Тюринусулида, тупроқ таркибидаги чириндини оксидлаш ва фотоэлектр-калорометрда таққослаш йўли билан;

Тупроқ намуналарини микробиологик таҳлил қилишда тупроқ микробиологиясида умумий қабул қилинган усуллардан (Звягинцев Д.Г. Методы почвенной микробиологии и биохимии. – Москва. 1991. – С. 239.) фойдаландик;

Тупроқдаги асосий физиологик гуруҳлари миқдорини ўрганиш учун 0-30 см чуқурликдан тупроқ намуналари олинди. Ўрганилаётган тупроқлар ва сувдаги микроорганизмларни жумладан: аммонификатор бактерияларини - ГПА озуқа муҳити, олигонитрофилларни - Эшби озуқа муҳити, микромицет ва актиномицетларни эса- Чапека қаттиқ озуқа муҳитларига экиб ўрганилди.

Ишнинг бориши: Микробиологик таҳлил учун олинган тупроқ намуналаридан суспензия тайёрланди. Бунинг учун тупроқ намуналаридан 10 грамм олиб, 90 мл стерилланган сувга аралаштирилди ва 5 дақиқа давомида чайқатилди, сўнгра пипетка ёрдамида 1 мл суспензия олиниб, 9 мл стерилизация қилинган пробиркадаги сувга солинди. Ушбу жараён

кетма-кет давом эттирилиб, 1:1000000 гача суюлтирилди ва такрорий қайтарилди. Пробиркадаги суюқликдан 1 мл Петри лycopчдаги махсус қаттиқ электив озиқа муҳитларига, учта такрорларида экилди, яъни гўшт пептонли озиқа муҳитига аммонификаторлар, Эшби озиқа муҳитига олигонитрофиллар, Чапека озиқа муҳитига актиномицетлар ва микромицетлар “суюлтириш” асосида экилди ва текширилди.

Бактериялар, актиномицетлар ва замбуруғлар миқдорини 1 грамм куруқ тупроққа нисбатан куйидаги формула ёрдамида ҳисобланди;

$$a = \frac{b \times v \times g}{d}$$

бунда; а - 1 г куруқ тупроқдаги ҳўжайралар миқдори, б – Петри лycopчдаги колонияларнинг ўртача миқдори, в – экиш учун фойдаланилган ажратма, г - 1 мл суспензиядаги томчи-лар сони, д - таҳлил учун олинган куруқ тупроқнинг оғирлиги (1-жадвал)

Олиб борилган микробиологик таҳлиллар натижасида аммонификатор бактерияларининг миқдори 1 грамм тупроқда 2 намунада 1 намунага нисбатан бир тартибга юқори эканлиги аниқланди ва $2,2 \times 10^7$ КХБ ҳўжайра/г ни ташкил этди. 3, 4, 5, 6, 15 ва 16 намуналарда аммонификатор бактерияларининг миқдори бир хил тартибда учради ва 1 грамм тупроқда $1,1-3,0 \times 10^8$ КХБ ҳўжайра/г ни ташкил этганлиги аниқланди. 7 ва 8 намуналарда бир хил тартибда учраб, $3,0-9,0 \times 10^7$ КХБ ҳўжайра/г ни ташкил этди.

10, 12, 14 ва 19 намуналарда эса 9, 11, 13 ва 18 намуналарга нисбатан уларнинг миқдори бир тартибга юқори бўлиб, $1,1-1,9 \times 10^8$ КХБ ҳўжайра/г ни ташкил этди. 17 намунада аммонификатор бактерияларининг миқдори 1 грамм тупроқда

1-жадвал

Шуртан Газ Кимё мажмуаси ҳудудидаги оч тусли бўз ва сўғориладиган тупроқлардаги асосий физиологик гуруҳ микроорганизмларнинг миқдори (2020 й.)

№ Намуналар	Микроорганизм турлари				
	Аммонификаторлар	Фосфор парчаловчи бактериялар	Олигонитрофиллар	Микромицетлар	Актиномицетлар
1.	$2,2 \times 10^6$	$1,2 \times 10^4$	$2,2 \times 10^5$	$2,2 \times 10^5$	учрамади
2.	$2,2 \times 10^7$	$3,0 \times 10^4$	$1,3 \times 10^5$	$1,5 \times 10^5$	учрамади
3.	$1,2 \times 10^8$	$2,2 \times 10^5$	$4,5 \times 10^5$	$2,2 \times 10^5$	$1,5 \times 10^3$
4.	$2,3 \times 10^8$	$1,5 \times 10^5$	$1,5 \times 10^5$	$7,5 \times 10^3$	учрамади
5.	$1,5 \times 10^8$	$3,0 \times 10^5$	$9,0 \times 10^5$	учрамади	учрамади
6.	$3,0 \times 10^8$	$2,3 \times 10^5$	$6,0 \times 10^5$	учрамади	Учрамади
7.	$3,0 \times 10^7$	$1,5 \times 10^4$	$4,9 \times 10^6$	$2,2 \times 10^5$	учрамади
8.	$9,0 \times 10^7$	$1,2 \times 10^4$	$2,2 \times 10^6$	$1,5 \times 10^5$	учрамади
9.	$3,7 \times 10^7$	$1,4 \times 10^4$	$7,5 \times 10^6$	$7,5 \times 10^3$	$1,5 \times 10^4$
10.	$1,7 \times 10^8$	$3,7 \times 10^4$	$6,4 \times 10^6$	$7,5 \times 10^3$	$7,5 \times 10^3$
11.	$1,5 \times 10^7$	$1,2 \times 10^4$	$3,0 \times 10^6$	учрамади	Учрамади
12.	$1,4 \times 10^8$	$7,5 \times 10^4$	$3,7 \times 10^6$	учрамади	Учрамади
13.	$6,7 \times 10^7$	$3,7 \times 10^4$	$5,2 \times 10^6$	$4,5 \times 10^5$	$1,5 \times 10^5$
14.	$1,9 \times 10^8$	$1,1 \times 10^5$	$6,7 \times 10^6$	$1,5 \times 10^5$	$7,5 \times 10^4$
15.	$1,1 \times 10^8$	$1,2 \times 10^5$	$2,1 \times 10^6$	$1,5 \times 10^4$	$1,5 \times 10^4$
16.	$2,4 \times 10^8$	$1,5 \times 10^5$	$3,7 \times 10^6$	$7,5 \times 10^3$	Учрамади
17.	$4,1 \times 10^8$	$1,9 \times 10^5$	$4,2 \times 10^6$	$2,2 \times 10^5$	$1,5 \times 10^5$
18.	$7,5 \times 10^7$	$3,0 \times 10^4$	$1,6 \times 10^6$	учрамади	Учрамади
19.	$1,1 \times 10^8$	$6,7 \times 10^4$	$9,0 \times 10^5$	учрамади	Учрамади
Нор-ма	$n \times 10^8$	$n \times 10^{7-8}$	$n \times 10^7$	$n \times 10^{2-3}$	$n \times 10^{5-6}$

4,1x10⁸КХБ хужайра/г ни ташкил этганлиги аниқланди.

Фосфор парчаловчи бактерияларнинг миқдори 1, 2, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 18 ва 19 намуналарда бир хил тартибда учради ва 1,2-6,7x10⁴ КХБ хужайра/г ни ташкил этди. 14 намунада эса 13 намунага нисбатан уларнинг миқдори бир тартибга юқори бўлиб, 1,1x10⁵ КХБ хужайра/г ни ташкил этганлиги аниқланди. 3, 4, 5, 6, 15, 16 ва 17 намуналарда фосфор парчаловчи бактерияларнинг миқдори юқори бўлганлиги кузатилди ва 1,2-3,0x10⁵ КХБ хужайра/г ни ташкил этди.

Азотсиз муҳитда ўсувчи олигонитрофил микроорганизмларининг миқдори 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17 ва 18 намуналарда бошқа намуналарга нисбатан бир тартибга юқори бўлганлиги кузатилди ва 1,6-7,5x10⁶ КХБ хужайра/г ни ташкил этди. 1, 2, 3, 4, 5, 6 ва 19 намуналарда уларнинг миқдори 1,3-9,0x10⁵ КХБ хужайра/г ни ташкил этганлиги аниқланди.

Микромицетларнинг миқдори 1, 2, 3, 7, 8, 13, 14 ва 17 намуналарда юқори эканлиги (1,5-4,5x10⁵ КХБ хужайра/г), 15 намунада бир тартибга кам (1,5x10⁴ КХБ хужайра/г), 4, 9, 10 ва 16 намуналарда эса икки тартибга кам эканлиги (7,5x10³ КХБ хужайра/г) аниқланган. 5, 6, 11, 12, 18 ва 19 намуналарда микромицетлар умуман учрамаганлиги кузатилди.

Актиномицетлар фақат 3, 9, 10, 13, 14, 15 ва 17 намуналарда учради. Актиномицетларнинг миқдори 13 ва 17 намуналарда юқори эканлиги (1,5x10⁵ КХБ хужайра/г) аниқланди. 9, 14 ва 15 намуналарда бир тартибга кам (1,5x10⁴ КХБ хужайра/г), 3 ва 10 намуналарда икки тартибга кам (1,5x10³ КХБ хужайра/г) эканлиги кузатилди. Бошқа намуналарда эса улар умуман учрамади.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, ушбу Қашқадарё вилояти Ғузур тумани ШПКМ тупроқ намуналарининг микрофлорасини 0-30 ва 30-50 см тупроқ қатламларини ўрганиш натижасида барча намуналарда асосий физиологик гуруҳ микроорганизмларидан аммонификатор бактериялари миқдори айрим намуналарда нормада эканлиги, фосфор парчаловчи ва олигонитрофил микроорганизмлари миқдори эса нормадан кам эканлиги, актиномицетлар ҳам нормадан кам эканлиги ёки умуман учрамаганлиги кузатилди. Микромицетлар айрим намуналарда нормадан юқори эканлиги аниқланди. Аммонификатор бактериялари тупроқнинг 30-50 см қатламида 0-30 см қатламга нисбатан кўп учраганлиги аниқланди. Актиномицетлар эса тупроқнинг 0-30 см қатламда 30-50 см қатламга нисбатан бир тартибга кўп эканлиги кузатилди.

Қарши давлат университети Агрохимё ва экология кафедраси

АДАБИЁТЛАР

1. Раупова Н., Тохиров Б., Ортиқова Х. Тупроқ биологияси ва микробиологияси Ўқув қўлланма "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти Тошкент -2013 й. 3 б.
2. Жаббаров З.А., Атоева Г.Р. Изменение агрохимических свойств почв, загрязненных бытовыми отходами // Научное образование. Биологические науки. 2020. № 4. – С. 22-27.
3. Кононова М.М. Органическое вещество почвы. // Издательство академии СССР. – Москва. 1963. – С. 316.
4. Шукуров Н.Э., Талипов Р.М., Отабоева Н.А. Тяжелые металлы в почвах Ангрен-Алмалыкского горнопромышленного района (концентрация и формы нахождения). Ангрен истиқболли шаҳар. «Фалсафа ва ҳуқуқ», – Ташкент. 2006. – С. 253-255.
5. Shukurov N., Kodirov O., Peitzsch M., Kersten M., Pen-Mouratov S., Steinberger Y., Coupling geochemical, mineralogical and microbiological approaches to assess the health of contaminated soil around the Almalyk mining and smelter complex, Uzbekistan // Science of the Total Environment. 2014. – P. 447-459.
6. Звягинцев Д.Г. Методы почвенной микробиологии и биохимии. Москва, 1991,
7. Йозеф Сеги Методы микробиологии и биохимии почв. Будапешт, 1986,
8. Большой практикум по микробиологии под ред. Г.Л. Селибера, Москва, 1962).

КОЛИЧЕСТВО МИКРООРГАНИЗМОВ ОСНОВНЫХ ФИЗИОЛОГИЧЕСКИХ ГРУПП В СВЕТЛЫХ СЕРЫХ ПОЧВАХ

Аннотация. В статье рассматривается изучение светло-серых, орошаемых слоев почвы на территории Шуртанского ГХК выявлено количество аммонификаторных бактерий, фосфордеградирующих и олигонитрофильных микроорганизмов, биологическая активность микромицетов и актиномицетов во всех пробах по количественным показателям основных физиологических групп микроорганизмов.

Ключевые слова: ферменты, микробиологические, агрофизические, агрохимические, эшби, чапека, петри, микромицеты, актиномицеты, бактерии, грибы, олигонитрофильные, микроорганизмы и клетки.

THE NUMBER OF MICROORGANISMS OF THE MAIN PHYSIOLOGICAL GROUPS IN LIGHT GRAY SOILS

Annotation. When studying light gray, irrigated soil layers on the territory of the Shurtan MCC, the number of ammonifying bacteria, phosphorus degrading and oligonitrophilic mikroorganisms, the biological activity of micromycetes and actinomycetes in all samples in terms of quantitative indicators of the main physiological groups of mikroorganisms was revealed.

Key words: microbiological, agrophysical, agrochemical, enzymes, ashby, chapeka, petri, micromycetes, actinomycetes, bacteria, fungi, oligonitrophilic, mikroorganisms and cells.

ОСНОВНЫЕ СВОЙСТВА ПОЧВ КАРАКАЛПАКСКОГО УСТЮРТА И ИХ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПОД ПАСТБИЩА

Аннотация. Почвенно-географическими исследованиями на плато Устюрт территория разделена на северную Центрально-Казахстанскую с суббореальными чертами климата и южную Туранскую подзоны пустыни с субтропическим климатом. Это обусловило различия в растительных сообществах и свойствах почв. В целях развития животноводства, с учётом особенностей почв и пастбищной нагрузки для каждой подзоны территории, рассчитано поголовье мелкого рогатого скота. Предлагается способ сбора атмосферных осадков на такырах для обеспечения водой животных.

Ключевые слова: Устюрт, плато, зона, растительность, почва, гумус, пастбища, поголовье.

Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-4576 от 29.01. 2020 года «О дополнительных мерах государственной поддержки животноводческой отрасли» [1] служит решающим стимулом в развитии животноводства и обеспечения кормовой базой в этой отрасли. Исходя из этого в настоящее время в республике осуществляется широкий комплекс мероприятий по рациональному использованию земельных ресурсов, прогнозированию, повышению и охране плодородия почв в создании кормовой базы животноводства. В связи с этим одним из перспективных для отгонного животноводства территорий является плато Каракалпакского Устюрта, расположенное в северо-западной части Узбекистана общей площадью 7,3 млн. га [6]. Перспективность использования Каракалпакского Устюрта под отгонное животноводство и характеристики флоры и растительности вначале прошлого столетия было определено Е.П. Коровиным и И.И. Гранитовым [4]. Впоследствии [13] были получены данные о почвах и их взаимосвязи с растительностью. Позднее геоботаниками [3,7] были изучены основные свойства почв в связи с растительными сообществами, уделено внимание методам фитомелиоризации пастбищ, приведены эколого-биологические особенности основных фитомелиорантов.

Генетико-географическими исследованиями [8,9,10,11,12] территория Каракалпакского Устюрта была разделена на два подзоны: - северную (суббореальную) умеренную пустыню и южную (субтропическую) пустыню, различающихся режимом осадков, видовым составом растительности, морфо-генетическими свойствами почв и структурой почвенного покрова. При этом усиление аридности климата с севера - атмосферные осадки – 135-140 мм в год; коэффициент увлажнения по Н.Н. Иванову [5] - 9-11, на юг влечет за собой смену пустынно-степной растительности на пустынную, где осадков выпадает 95-120 мм в год; коэффициент увлажнения - 5-8. Пустынно-степной растительный покров в северной подзоне пустыни с участием в ландшафте боялыча, полыни белоземельной и злакового разнотравья по микро- и мезозападинам с проективным покрытием 50-75%, сменяется с продвижением на юг на биюргуново – полынную, к которым примешиваются кырк-бугум, тас- биюргун, кейрук с проективным покрытием 25-50% и 15-25%, налагающие отпечаток на процессы гумусообразования и соленакопления в профиле почв [3,8,9]. Серо-бурые северные и светло-бурые почвы представлены в двух, трёх и пятичленных комплексах под боялычёвой, полынной, биюргуновой, злаковой и кырк-бугумовой растительностью. В южной субтропической подзоне пустыни серо-бурые типич-

ные и слаборазвитые почвы, образуют сочетания различных высотных уровней с характерными для них свойствами.

Зональные особенности почв и, соответственно, гидротермические условия формирования серо-бурых северных и светло-бурых почв суббореальной подзоны под различными растительными сообществами (Таблица - 1) сыграли существенную роль в количественном содержании и качественном составе гумуса. Среди этих почв наиболее гумусированными (от 2,5 до 4,4% гумуса) оказались светло-бурые почвы мезозападин под злаковым разнотравьем. Наименее гумусированы серо-бурые северные почвы плакорных условий формирования под биюргуном - 0,93% гумуса. Промежуточное положение заняли серо-бурые почвы под боялычём - 0,77-1,62% гумуса и светло-бурые почвы плоскоравнинных участков под боялычом и полынью - 1,36-1,44% гумуса. Для серо-бурых типичных и слаборазвитых почв субтропической подзоны характерны меньшие величины гумуса – от 0,5 до 0,8%. По групповому составу гумус почв северной, то есть умеренной подзоны пустыни, фульватно-гуматного и гуматного типа, а южной субтропической подзоны – в основном фульватного типа [4]. Содержание и качественный состав гумуса коррелирует с запасами корневой массы растительности. В серо-бурых северных и светло-бурых почвах западин запасы корневой массы в слое 0-50 см составляют 24-42,8 т/га. В серо-бурых типичных почвах субтропической подзоны запасы корневой массы под биюргуном составили 5,6-12,4 т/га, а в серо-бурых слаборазвитых почвах – 2,6 т/га [9].

Для северных серо-бурых почв характерна сравнительная промытость от воднорастворимых солей - 0,06-0,19% плотного остатка (Таблица - 1), особенно в верхней и средней частях профиля, незначительное содержание гипса при мощности мелкозёмистого слоя в 75-100 см, к низу подстилаемого плитой ракушечникового известняка. Слабое и среднее засоление в этих почвах обнаруживается в средней части профиля. Светло-бурые почвы встречаются в комплексе с вышеописанными серо-бурыми почвами в условиях наиболее бессточных частей плато на тяжелом суглинке под густой и, по видимому, реликтовой полынно-боялычевой формацией (Таблица - 1).

Основная часть их развивается в более увлажняемых карстовых мезозападинах, мезодепрессиях и в крупных карстово-эрозионных

понижениях на двух- и трехчленных делювиальных наносах, подстилаемых с 1,5-2 м плитой известняка. Мелкозёмистая часть профиля отличается повышенной биологической

Таблица-1.

Биоклиматические показатели и свойства почв пригодных для пастбищ на плато Устюрт

Показатели	Почвы северной суббореальной пустыни		Почвы южной субтропической пустыни	
	Светло бурые	Северные серо-бурые	Серо-бурые типичные	Слаборазвитые серо-бурые
Осадки, мм	135-140	135-140	95-120	95-120
Кэфф.увлажнения по Н.Н.Иванову,	9 – 11	9 – 11	5 – 8	5 – 8
Вид растительности	Боялыч, злаки; полынь	Боялыч, биюргун	Биюргун, полынь, кейреук	Кырк-бугум, биюргун, тас-биюргун, редко полынь
Проективное покрытие растительности, %	50-75	25-50	25-50	15-25
Мощность мелкозёма, см	150-180	75-100	70-90	55-80
Физ. глина, %	40-68	30-57	20-44	20-30
Гумус, %	1,4-4,4	0,9-1,6	0,6-0,8	0,5-0,8
Сухой остаток солей, %	0,06 -0,08	0,06- 1,19	0,10- 1,60	1,50 -2,50

Таблица-2.

Расчёт мелкого рогатого скота на плато Устюрт

Подзоны	Площадь, тыс.га	Пригодные для пастбищ, тыс.га	Пастбищная нагрузка на единицу скота, га	Количество скота, тыс.голов
А-Суббореальная	3713,3	3537,3	5-7	505,3
Б-Субтропическая	3587,9	3125,6	8-10	390,7
Всего	7301,2	6662,9	-	896,0

активностью, гумусированностью, оструктуренностью и проработанностью землероями. Весь профиль выглядит полициклическим или гетерогенным. Эти почвы отличает от серо-бурых не только повышенное накопление гумуса, но и глубокое проникновение его по профилю на полуметровую толщу.

В отдельных разрезах отмечается слабое или среднее засоление глубже 70-80 см, большая же часть почв промыта как от легкорастворимых солей, так и от гипса.

Серо-бурые типичные и слаборазвитые почвы субтропической подзоны пустыни распространены в Центральной и Южной частях плато Устюрт и в структуре почвенного покрова представлены сочетаниями различных высотных уровней. Почвы отличаются меньшей мощностью мелкозёмистой части профиля, солончаковостью и более близким залеганием к поверхности известняково-гипсовой породы (Таблица-1). Эти особенности почв находят отражение и в развитии пастбищной растительности, а также в её проективном покрытии. Учитывая вышеприведённые особенности почв и почвенного покрова плато, по установленным параметрам усреднённой поектарной пастбищной нагрузке геоботаников [3] для северной суббореальной подзоне пустыни Устюрта на одну голову овцы установлено 5-7 га, а для южной субтропической подзоне – 8-10 га (Таблица – 2). Принимая во внимание, что пастбищепригодных земель в северной части плато 3537,3 тыс.га, на этой площади имеется возможность выпасать 505,3 тыс. голов мелкого рогатого скота. В южной субтропической подзоне пустыни при площади пастбищепригодных земель в 3125,6 тыс. га можно выпасать 390,7 тыс. голов скота.

Таким образом, исходя из вышесказанного, на данной территории за счёт естественной растительности и, в то же время проводя фитомелиоративные работы, на территории Каракалпакского Устюрта на пастбищепригодной площади

в 6662,9 га имеется возможность выпасать всего 896,0 тыс. голов мелкого рогатого скота.

Следует отметить, что на плато Устюрт, среди серо-бурых почв, широко распространены такыровые поверхностис общей площадью 59.87 тыс. га. В целях обводнения пастбищ, а также развития мелкооазисного орошения и для нужд в обеспечении местного населения питьевой водой, по рекомендациям гидрогеологов [2] на поверхности такыров целесообразно создание водосборных сооружений типа сардоб. Не менее перспективным является также создание под такырами линз подземных вод за счёт атмосферных осадков. При этом, принимая во внимание, что площадь такыров для водосборов в северной части плато Устюрт составляет 21,17 тыс. га [8,9] атмосферных осадков за год здесь выпадает около 135 мм (0,135 м), на данной площади такыров, не учитывая испарения, можно собрать 2857950 м³ воды для мелкооазисного орошения или водопоя животных по формуле: $V = P \times A$, где V - объём воды, P - площадь такыров, A - атмосферные осадки: $21170 \text{ га} \times 211700 \text{ м}^2 \times 0,135 \text{ м} = 28\,579\,500 \text{ м}^3$.

При условии, что если половина атмосферных осадков израсходуется на испарение и фильтрацию, запасы воды составят 14289 750 м³.

Для южной части плато Устюрт, где площадь такыров составляет 38,7 тыс.га, а сумма выпадающих осадков 100 мм или 0,100 м в год, при расчёте: $387\,000\,000 \text{ м}^2 \times 0,100 \text{ м} = 38\,700\,000 \text{ м}^3$, с учётом испарения, можно собрать 19350000 м³ воды. В итоге по всей территории плато имеется возможность сбора воды за счёт атмосферных осадков 33639750 м³.

Таким образом, если учесть характер кратковременных, но интенсивных ливневых дождей, особенно в весенний период, при которых скапливается сток с окружающих такыры повышенных элементов рельефа, можно собрать более значительные объёмы воды для водопоя животных.

Принимая во внимание отдаленность, а также слабую обводненность пастбищ южной части Устюрта, в плане природоохранного значения целесообразней использовать эту

территорию не под пастбищные угодья, а в качестве охраняемой и заповедной для сохранения и воспроизводства исчезающих видов животных.

Национальный университет Республики Узбекистан им. М. Улугбека

ЛИТЕРАТУРА

1. Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-4576 от 29.01.2020 г. «О дополнительных мерах государственной поддержки животноводческой отрасли». <http://lex.uz/docs/4717191>
2. Агбалъянц Э.А., Соколов В.Н. Такыры Устюрта и возможности использования поверхностного стока. В кн.: «Мелиорация почв Средней Азии, Казахстана и Западной Сибири в связи с переброской части стока сибирских рек в южные районы страны». Материалы Всесоюзного совещания, Пущино-на-Оке, 1973.- С. 24-31
3. Алланиязов А., Сарыбаев Б. – Эколого – геоботанические особенности пастбищ Каракалпакской части Устюрта. Ташкент. Издательство «ФАН», 1983. -120 с.
4. Гафурова Л.А., Разаков А.М., Мадримов Р.М. Особенности гумусообразования в серо-бурых почвах умеренных и субтропических пустынь Узбекистана. Ўзбекистон аграр фани хабарномаси №2(60) –Тошкент, 2015.- Б.27-33.,
5. Иванов Н.Н. Атмосферное увлажнение тропических и сопредельных стран земного шара. Изд-во АН СССР, М., 1958. – С. 7-132
6. Коровин Е.П., Гранитов. Н.И. – Растительный покров. Пастбища. К вопросу о хозяйственном использовании Каракалпакской части Усть-Урта. – Кн.: Усть-Урт Каракалпакский, его природа и хозяйство. Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1949. –С.72-144, 159-170, 206-229.
7. Момотов И.Ф., Алланиязов А.А., Таджимуратов П. Опыт улучшения пастбищ по фону влагонакопительных борозд. В кн. «Флора и растительность Северо-Западного Устюрта и пути улучшения пастбищ». Изд-во «Фан» УзССР, Т., 1977.- С. 113-119
8. Попов В.Г., Сектименко В.Е., Попова Т.П., Разаков А.М., Гринберг М.М. - Почвы Каракалпакского Устюрта. Кн.: Природа, почвы и проблемы освоения пустыни Устюрт. АН СССР, Пущино, 1984. –С.33-57.
9. Попов В.Г. Почвенный покров Каракалпакского Устюрта и его рациональное использование. «Фан». – Ташкент, 1986. – 152 с.
10. Разаков А.М., Исманов А.Ж. Почвенно-географическое районирование и земельные ресурсы Узбекистана. Почвоведение в России: Вызовы современности, основные направления развития. Материалы Всероссийской научно-практической конференции с международным участием к 85-летию Почвенного института им. В.В. Докучаева. Москва, 2012.- С.726-729.
11. Разаков А.М. Фациально - географические и морфогенетические особенности серо-бурых почв Узбекистана // Вестник аграрной науки Узбекистана. - Ташкент, 2020, № 4(82) - С. 130-135.
12. Разаков А.М., Гафурова Л.А. Почвы умеренной суббореальной подзоны пустыни Узбекистана и возможности их использования // Научное обозрение. Биологические науки. - Москва, - 2020. - №3. - С. 61-67.
13. Шувалов С.А. – Почвенный очерк. Усть-Урт (Каракалпакский), его природа и хозяйство. Ташкент, 1949. - С. 30-71.

ҚОРАҚАЛПОҚ УСТЮРТИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРДАН ЯЙЛОВЛАР УЧУН ФЙДАЛАНИШ

Аннотация. Тупроқ-географик изланишлар асосида Қорақалпоғистондаги Устюртнинг худуди зоналар ва иқлим шароитларига кўра, саҳро минтақаси иккита, яъни Марказий Қозоғистон мўътадил суббореал ҳамда Турон субтропик зоначаларга ажратилган. Бу эса ўсимликлар туркумига ва тупроқлар хосса хусусиятларини фарқланишига сабаб бўлиб қолган. Чорвачиликни ривожлантириш мақсадида тупроқлар хосса хусусиятлари ва шулардан келиб чиққан яйловлар юқланишига асосланиб ҳар бир зонача худудига майда шох молларни ҳисоби чиқарилган. Ҳайвонларни сув билан таъминлаш учун атмосфера ёғинларини тақирларга йиғиш усули таклиф этилади.

Калит сўзлар: Устюрт, плато, зона, ўсимлик, тупроқ, гумус, яйловлар, сон боши.

THE MAIN PROPERTIES OF THE SOILS OF THE KARAKALPAK USTYURT AND THEIR USE FOR PASTURES

Annotation. By soil-geographical studies on the Ustyurt plateau, the territory is divided into the northern Central Kazakhstan with subboreal climate features and the southern Turanian desert subzones with a subtropical climate. This caused differences in plant communities and soil properties. In order to develop animal husbandry, taking into account the characteristics of soils and pasture load for each subzone of the territory, the livestock of small cattle is calculated. To provide water for animals, a method of collecting atmospheric precipitation on takyr is proposed.

Key words: Ustyurt, plateau, zone, vegetation, soil, humus, pastures, livestock.

CONCENTRATIONS OF PROLINE AND MALONDIALDEHYDE IN COTTON UNDER HYPERTHERMIA

Annotation: Peculiarities of short-term effect of high temperatures on the role of proline, a non-enzymatic anti-oxidant, in the cotton varieties obtained by classic selection methods (Bukhara-102 and Surkhan-103) in response to thermal stress are under considerations. To create conditions of thermal stress, the plants were subjected to the effect of 35, 45 and 50°C for an hour. Treatment of the plants at 35 °C caused increase in concentrations of proline, an amino acid, but acute reduction in proline concentrations could be seen at 45 °C and 50 °C, as compared to the controls.

In addition, effect of thermal stress on the malondialdehyde concentrations (MDA) was studied; acute increase in concentrations of the end product of lipid peroxidation was registered at 50 °C only, to be the evidence for damages of structural-functional state of a cell in cotton.

Key words: high temperature, cotton, proline, malondialdehyde.

INTRODUCTION

High temperature stress is a most significant abiotic factor determining the crop yields. An increase of the climate temperature of a one degree reduces the crop yields by 3-8% [10]. The optimal temperature for growth and development of cotton (*Gossypium hirsutum L.*) is between 20 and 30°C [19]. However, high rise in temperature taking place nowadays makes the cotton growing in Uzbekistan problematic, imparting urgency to the cotton selection. High temperatures slow down and even inhibit seed germination, growth and development of plants. Unfortunately, these problems are not always solved by means of selection. Physiological- biochemical studies on the materials for selection and cotton varieties are needed to identify conditions for balance of plant anti-oxidant system in hypothermia, and, eventually, to make the key characterization of resistance of a material under study. Due to lack of evidence for molecular sensors in plants at high temperature, many mechanisms underlying perception and transmission of signals about effects of hyperthermia are under consideration [24]. Membrane lipid peroxidation caused by the excessive accumulation of the reactive oxygen species (ROS) is a parameter of negative effect of high temperature on plants. All above results in increase of concentrations of malondialdehyde (MDA), a key indicator of the damages free radicals cause in cell membranes [7]. ROS, to name superoxide anion-radical, hydrogen peroxide and singlet oxygen are neutralized by means of anti-oxidant enzymes. But higher oxidative stress may activate anti-oxidant enzymes; some time is needed for their synthesis to restore. This is the case when low molecular weight metabolites-antioxidants, such as proline, glycine betaine and soluble sugars take center stage [13]. Among the metabolites accumulating under stresses, "suppression" effect of the singlet oxygen and hydroxyl radical forming within the first hours of the stressor's action was demonstrated for proline only [12]. Maintenance of optimum ROS concentrations in a cell provides appropriate redox biological reactions and regulation of multiple processes necessary for growth and development of the plant [14].

Studying mechanisms of responses in manifestation of resistance is significant for efficient selection of seeds aiming at acceleration of breeding of high temperature resistant cotton varieties.

In view of the above, we performed a laboratory studies on concentrations of proline and MDA in Surkhan-103 fine-fiber and Bukhara-102 medium-fiber cotton varieties under effects of high temperatures.

MATERIALS AND METHODS

PLANT MATERIAL AND ITS THERMAL PROCESSING

The cotton seeds were denuded in the concentrated sulfuric acid to be washed under running water for 10-15 minutes. The denuded seeds were soaked in the distilled water for 12 hours. The swollen seeds wrapped in the paper rolls were germinated for 7 days in the moist chamber at 27°C. After the 7th day of germination, half of seedlings were left in the chamber as the control; the other half was exposed to the effect of 35, 45 and 50°C within one hour to simulate conditions of thermal stress [18]. To study concentrations of malondialdehyde, 7-day seedlings were placed back to normal temperature (27°C) after one-hour effect of high temperatures (35, 45 and 50°C) for testing MDA concentrations in the plants under study. The leaves of seedlings were collected to be the objects of study.

Method of Bates et al. was used for rapid determination of free proline [5]. The MDA concentrations were determined spectrophotometrically by formation of the stained complex with thiobarbituric acid upon heating at 100°C. The method is based on the reaction between MDA and thiobarbituric acid at high temperature in the acidic medium with the subsequent formation of the stained trimethine complex consisting of one MDA molecule and two molecules of thiobarbituric acid [25].

The data were statistically processed using Atte Stat V.10.9.6 program as a software add-in for Microsoft Excel-2007.

In addition, the SPSS mathematical statistics software package was used for data statistical processing. In particular, programs of the single-factor analysis of variance by the Kruskal-Wallis test or one-way non-parametric method ANOVA [22] and determination of the Kendall rank correlation coefficient commonly referred to as Kendall's τ coefficient.

Surkhan-103 cotton variety was generated in 2014 at the Research Institute of selection, seed breeding and cotton growing agrotechnology, Uzbekistan Ministry of Agriculture, on the basis of hybrid combination of F₅ ML-120 x Giza-83 to be added to the State Register in Surkhandarya region in 2020.

Surkhan-103 has a bush of a conical shape and a height of 90-120cm. The stem is moderately downy; in autumn it becomes reddish. The branching is of null type. Number of monopodial branches can range from 0 to 2. The leaves are five-bladed ones. The leaf veins are moderately downy. The cotton box is elongated. Mass of 1,000 seeds is 125-135g. The leaves are hand-shaped, 3- or 5-bladed; the boxes are oval or sometimes slightly elongated.

The variety is resistant to verticilliosis and fuzarium wilt. Mass of raw cotton in one box is 3.4-3.6g. The vegetation period is 114-122 days in the central and northern regions, and 104-112 days in the southern ones.

The fiber is type I-A, the staple fiber length is 39-41mm; specific breaking load is 35.2-37.4 cN/tex, linear fiber density is 149 m/tex.

Bukhoro-102 cotton variety was generated at the Research Institute of selection, seed breeding and cotton growing agrotechnology, Uzbekistan Ministry of Agriculture, on the basis of hybrid combination of L-4380 x L-7090 x Bukhoro-6 to be added to the State Register in Andijan, Bukhara, Namangan, Surkhondarya, Kashkadarya and Samarkand regions in 2006.

Bukhoro-102 has a bush of a conical shape and a height of 100-120cm. The stem is moderately downy; in autumn it becomes reddish. The branching type ranges from 1.5 to 2. Number of monopodial branches can range from 0 to 2. The leaves are three- or five-bladed ones. The leaf veins are moderately downy. The cotton box is elongated. The box surface is slightly concave. Mass of 1000 seeds is 123-130g; the seeds are downy. The variety is resistant to verticilliosis wilt.

RESULTS AND DISCUSSION

The proline accumulation is known to take place in cells of plant under effect of practically any of stress factors, to name draught [1], heavy metals [27], salinity [15] and high temperature [2]. Accumulation of free proline increases by tens or even hundreds times in response to the effects of stress factors regulating cytoplasm pH and ROS concentrations [11].

Our findings demonstrated increase in proline concentrations in all cotton varieties under study at 35°C; however, the reduction of them could be seen at 45°C and 50°C as compared to the controls (Table 1).

Table 1.

Proline concentrations in the leaves of 7-day cotton seedlings under effect of high temperatures (n=3; M ±m)

(µg/g of wet weight)				
	Control	35 °C	45 °C	50°C
Bukhoro-102	217.1±0.9	226.9±0.9	175±0.7	158.4±0.5
Surkhan-103	317.4±0.7	375.9±0.6	206.0±0.7	222.7±0.4

The proline concentrations can be seen to increase in the varieties under study at 35°C; this is the case when the highest accumulation of proline could be seen in Surkhan-103 (18%) as compared to the control. Accumulation of proline has been registered in the tolerant cotton varieties Giza 85 and Giza 92 at 40°C. Increase in the proline concentrations at high temperature was reported as a possible first metabolic responses triggered in the transduction way associated with the capability to withstand the stress at the molecular level [16]. Accumulation of proline could be seen in many objects, to name three rice varieties under the effect of 35°C [3] and tomato at 38°C [20]; an increase of temperature from 25°C to 35°C was found to stimulate production of proline in the wheat [2].

However, at 45°C and 50°C a reduction in proline concentrations was registered in both varieties; in Surkhan-103 it reduced by 35% and 30% as compared to the controls. Similar results could be seen in the studies [3] demonstrating the increase in proline concentrations by 200% in three rice varieties under increase of temperature up to 35°C and the reduction in two varieties by 45% and 35% under increase of temperature up to 40°C and high concentrations of MDA, a key marker for oxidative damage of membrane lipids, were suggestive of causing the plant cell death.

As a rule, lipid peroxidation (LPO) increases resulting from the effect of unfavorable effects on plants causing damaged of functional and structural integrity of many cell components. The LPO intensity was assessed by accumulation of MDA concentrations, the end product of lipid peroxidation. In our study, no significant changes in the MDA concentrations could be seen at 35°C.

Our findings demonstrated increase in the MDA accumulation under the effect of 35°C in the cotton seedlings, but did not significantly differ from the one in the controls [4]. There are some data on the lack of significant correlation between temperature and the MDA concentrations in cotton grown in the field [17]. The findings from our study can be associated with the efficiency of cotton metabolism aiming at inhibition of ROS caused by the temperature increase.

Table 2.

Malondialdehyde concentrations in leaves of 7-day cotton seedlings under effect of high temperatures (n=3; M ±m)

(10 ⁻⁵ µg/wet weight)				
	Control	35 °C	45 °C	50°C
Bukhoro-102	8.3±0.4	8.3±0.4	9.6±0.5	10.7±0.6
Surkhan-103	6.28±0.3	6.58±0.3	7.84±0.4	9.6±0.5

However, under the effect of 45°C and 50°C the MDA accumulation was registered in the varieties under study, and more significant parameters could be seen at 50°C. This is the case, when the MDA concentrations increased by 26% and 52% in Bukhoro-102 and Surkhan-103, respectively, as compared to the controls.

Comparatively unchanged MDA concentrations at 35°C could be explained by accumulation of proline, serving as an osmoprotector. Recently, an antioxidant role of proline has been consistently supported in literature [18]. A number of works report on the reduction of MDA, as a product of LPO in plant tissues under stress conditions under effect of proline [21].

Based on the findings, the effect of temperatures was concluded to cause increase in proline concentrations aiming at protecting the cells of free radical molecules, but its concentrations at higher temperatures could depend on the cotton variety's thermal stability. Under the short-term effect of high temperature at 50°C, an acute increase in concentrations of LPO end product (MDA) took place to be the evidence for damages of cotton cell structural-functional states.

A.S. Sadykov Institute of Bioorganic Chemistry

REFERENCES

- Atkin O.K., Macherel D. (2009) The crucial role of plant mitochondria in orchestrating drought tolerance. *Annals of Botany*, 103 (4): 581-597
- Ahmed. J., M. Hasan. 2011. Evaluation of seedlings proline content of wheat genotypes in relation to heat tolerance. *Bangladesh Journal of botany* 40:17-22

3. Alefsi David Sanchez-Reinso, Gabriel Garces-Varon, Hermann Restrepo-Diaz// Biochemical and physiological characterization of three rice cultivars under different daytime temperature conditions// 2014. Chilean Journal of agricultural research 74(4). 373-379
4. Atilla Gür 1, Ufuk Demirel, Mustafa Özden , Abdullah Kahraman and Osman Çopur// Diurnal gradual heat stress affects antioxidant enzymes, proline accumulation and some physiological components in cotton (*Gossypium hirsutum* L.)// African Journal of Biotechnology Vol. 9(7), pp. 1008-1015, 15 February, 2010
5. Bates L.S., Waldren R.P., Teare I.D. Rapid Determination of Free proline for water stress studies // Plant Soil. 1973. V. 39. P. 205-207
6. Gong Q., Li P., Rupassara S.I., Bohnert H.J., (2005) salinity stress adaptation competence in the extremophile *Thellungiella halophila* in comparison with its relative *Arabidopsis thaliana*. Plant Physiology and Biochemistry, 81: 54-60
7. Hasanuzzaman, M.; Hossain, M.A.; Teixeira da Silva, J.A.; Fujita, M. Plant responses and tolerance to abiotic oxidative stress: Antioxidant defense is a key factor. In Crop Stress and its Management: Perspectives and Strategies;
8. Harsha A., Y.K. Sharma, U. Joshi, S. Rampuria, G. Singh, S. Kumar, R. Sharma Effect of short-term heat stress on total sugars, proline and some antioxidant enzymes in moth bean (*Vigna aconitifolia*) //Annals of agricultural science (2016) 6 (1) 1 57-64
9. Hare .P.D., and W.A., Cress .1997. Metabolic implication of stress induced proline accumulation in plants. Plant Growth Regulation . 21:79-102
10. Li B., Gao K., Ren H., Tang W. 2018 Molecular mechanisms governing plant responses to high temperatures// invited expert review. Special issue: Cell signaling . doi:10.1111/jipb.12701
11. Liang X., Zhang L., Natarajan S.K., Becker D.F., Proline mechanisms of stress survival // Antioxidant Redox. Signal .-2013.-V.19.-P.998-1011
12. Matyusik J., Alia, Bhalu B., Mohanty P (2002) Molecular mechanisms of quenching of reactive oxygen species by proline under stress in plants. Curr. Sci., 82:525-532
13. Mittler R., Simon L., Lam. E (2002) Pathogen induced programmed cell death in tobacco. J.of Cell science 110:1333-1344
14. Mittler, R. ROS are good. Trends Plant Sci. 2017, 22, 11–19. [CrossRef]
15. Miranda D., Fischer G., Mewis I., Rohn S., Ulchris C. Salinity effects on proline accumulation and total antioxidant activity in leaves of the cape gooseberry (*Physalis peruviana* L)// J.Appl.Bot.Food Quality.-2014.-V.87.-P.67-73.
16. Mohamed H. I., and. M. E. Abdel-Hamid// Molecular and biochemical studies for heat tolerance on four cotton genotypes// Romanian Biotechnological Letters Vol. 18, No. 6, 2013
17. Mahan JR, Mauget SV (2005). Antioxidant metabolism in cotton seedlings exposed to temperature stress in the field, Crop Sci. 45: 2337-2345.
18. Ozden M, Demirel U, Kahraman A (2009). Effects of proline on antioxidant system in leaves of grapevine (*Vitis vinifera* L.) exposed to oxidative stress by H₂O₂, Scientia Horticulturae 119(2): 163-168.
19. Reddy, K.R., H.F. Hodges, J.M. McKinion, and G.W. Wall. 1991. Temperature effects on Pima cotton growth and development. Agron. J. 84: 237–243.
20. Rong Zhou., Lingpeng Kong., Xiaqing Yu., Carl-Otto Ottosen., //Oxidative damage and antioxidant mechanism in tomatoes responding to drought and heat stress// 2019Acta Physiologiae Plantarum 41(2)
21. Sairam R.K., Srivastava G.S. Induction of oxidative stress and antioxidant activity by hydrogen peroxide treatment in tolerant and susceptible wheat genotypes //Biol.Plant. -2000.-V.43.-P.381-386
22. Byuyul A., Tseffel P. SPSS: art of information processing. SPSS: искусство обработки информации. – М., 2005. Chapter 11. Correlation analysis.
23. Vainer A.A., Kolupaev Yu.E., Yastreb T.O., Oboznyi A.I. Exogenous proline suppresses increase in activity of anti-oxidant enzymes in the wheat seedlings caused by the tempering warm-up. Bulletin of Kharkov National Agricultural University, Biology series.-20146.-N.1(31).- P. 66-71
24. Kolupaev Yu.E., Karpets. Reactive oxygen species, antioxidants and plant resistance to stressors. Kiev, Logos, 2019.
25. Rogozhin V.V., Kurilyuk T.T., Kershengolts B.M. Method for determination of malondialdehyde concentrations by means of thiobarbituric acid. Ru Patent № 2112241, 1998 (in Russian).
26. Radyukina N.L., Kartashov A.V., Ivanov Yu.V., Shevyakova N.I., Kuznetsov V.V. Comparative analysis of functioning of protection systems in representatives of halophytic and glycophytic flora upon progressive salinization. Physiology of plants. -2008.-V.54,N.6.-P.902-912
27. Kholodova B.P., Volkov K.S., Kuznetsov V.V. (2005) Adaptation to high concentrations of copper and zinc salts in mesembryanthemum and possibility to use them in phytotherapy. Physiology of plants, 52: 848-858

ЮҚОРИ ХАРОРАТНИНГ ҒЎЗАДАГИ ПРОЛИН ВА МАЛОНДИАЛЬДЕГИД МИҚДОРИГА ТАЪСИРИ

Аннотация. Мақолада анъанавий селекция усули билан олинган (Бухоро-102 ва Сурхон-103) ғўза навларида қисқа муддатли юқори хароратнинг ноферментатив антиоксидант-пролин миқдориغا таъсири тадқиқ қилинган. Иссиқлик стресси шароитини яратиш учун ўсимлик ниҳолларига бир соат давомида (35, 45 ва 50°C) сунъий тарзда юқори харорат таъсир эттирилди. 35°C харорат таъсирида пролин аминокислотаси миқдори орگانлиги кузатилган бўлса, 45°C ва 50°C шароитида пролин осмопротекторининг назорат намуналарига нисбатан кескин камайганлиги аниқланди. Шу билан бир қаторда, иссиқлик стрессининг малондиальдегид миқдори хам таъсири ўрганилди ва мембрана липидларининг перикисли оксидланиш жараёнининг охириги маҳсулоти фақат 50°C таъсирида ошганлигини аниқланди, бу эса ғўза хужайра мембраналарининг структуравий ва функционал бузилганлигини кўрсатади.

Калит сўзлар: юқори харорат, ғўза, пролин, малондиальдегид.

СОДЕРЖАНИЕ ПРОЛИНА И МАЛОНОВОГО ДИАЛЬДЕГИДА В ХЛОПЧАТНИКЕ ПРИ ГИПЕРТЕРМИИ

Аннотация. В статье рассматривается особенность кратковременного действия высокой температуры на роль не ферментативного антиоксиданта-пролина, в сортах хлопчатника полученных методом классической селекции (Бухара-102, Сурхан-103) в ответ на тепловой стресс. Для создания условий теплового стресса исследуемые растения подвергали воздействию (35, 45 и 50°C) в течении 1 часа. Обработка растений при 35°C вызвала увеличение содержания аминокислоты пролина, однако, выявлено резкое снижение осмопротектора пролина при 45°C и 50°C по сравнению с контрольными образцами. Кроме этого, исследовали влияния теплового стресса на содержание малонового диальдегида и выявили резкое повышение концентрации конечного продукта перекисного окисления липидов только при 50°C что свидетельствует о нарушении структурно-функционального состояния клетки в хлопчатнике.

Ключевые слова: высокая температура, хлопчатник, пролин, малоновый диальдегид.

МЕВАЧИЛИК ВА САБЗАВОТЧИЛИК, ПОЛИЗЧИЛИК



УЎТ: 653.64:631.52:631.51

М.Х.ДИЁРОВА, Т.Э.ОСТОНАҚУЛОВ, Ш.Н.ЛУТФУЛЛАЕВ

ПОМИДОР ТУРЛИ НАВЛАРИ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ХОСИЛДОРЛИГИНИНГ ЎҒИТЛАШ МЕЪЁРЛАРИГА БОҒЛИҚЛИГИ

Аннотация. Мақолада помидор Мустақиллик-28 ва Волгоградский 5/95 навларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига турли ўғитлар меъёрларининг таъсирини ўрганиш натижалари баён этилган. Ўғитлар 20 т/га гўнг+N200P160K100 кг/га меъёрда биргаликда қўлланилганда ўрганилган помидор навларида баланд бўйли, бақувват палакли мақбул барг сатҳили ўсимликлар шаклланиши кузатилиб, натижада энг юқори (30-35 т/га ва зиёд) ҳосил олишга эришилган.

Калит сўзлар: помидор навлари, ўғит меъёрлари, ўсиш, маҳсулдорлик, товар ҳосил, қўшимча ҳосил.

КИРИШ

Помидор дунё сабзавотчилигида етакчи тармоқлардан бўлиб, экин майдонининг асосий қисмини банд этиб, ҳосили аҳолининг севимдор озиқ-овқати, консерва саноатининг эса хом-ашёси ҳисобланиб, қайта ишланиб томат-пюре, паста ва шарбати тайёрланади [2,3].

Помидор мевасининг биокимёвий таркиби ўзгарувчан бўлиб, экин навига, меваларнинг пишиш даражасига, ҳосилни йиғиш муддатига, ўстириш шароитига, ўғитлашга, суғориш тартибига боғлиқ [1,3,6].

Мамлакатимизда етиштириладиган помидор ҳосили сифати, шифобахшлиги ва лаззатлилиги билан устун туради. Шунинг учун у ва ундан тайёрланган маҳсулотлар четга чиқариш учун қимматбаҳо экспорт воситаси ҳисобланади. Қашқадарё вилоятида помидор ишлаб чиқариш ҳажми аҳоли талабини таъминлашдан кам бўлиб, ҳосилдорлик даражаси эса анча пастлиги (220-240 ц/га) билан характерланади.

Муайян шароитда помидор экини ҳосилдорлигини ошириш кўп жиҳатдан юқори маҳсулдор, касаллик-зараркунанда ва экстремал шароитларга мослашган навларини танлаб қишга, мақбул ўғитлаш меъёрларини ишлаб чиқишга боғлиқ.

ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАДИ

Қашқадарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида помидор Волгоградский-5/95 ва янги Мустақиллик-28 навларини турли ўғитлаш меъёрларида ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини ўрганиш асосида юқори ҳамда барқарор ҳосил олишни таъминловчи навларини танлаш ва ўғитлар меъёрларини белгилашдан иборат.

МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

Дала тажрибалари Чироқчи тумани Маъруф фермер хўжалиги шароитида олиб борилди. Тажриба участкасида кузатиш, ўлчаш, таҳлил ва ҳисоблашлар умумқабул қилинган услублар ва тавсиялар асосида ўтказилиб, ҳосилдорлик кўрсаткичлари дисперсион таҳлил усули бўйича Microsoft

1-жадвал.

Помидор навларининг ўсиши ва маҳсулдорлигига ўғит меъёрларининг таъсири (ўртача 2 йилга)

№	Ўғит меъёрлари		1- тупруқнинг жойлашиш баъаллиги (бардан кейин)	Ривожланиш фазаларининг рўй бериш муддати, кун ҳисобида					Ўсимлик бўйи	Ўсимлик барг сони, дона	Ён шохлар сони, дона	Бир туп маҳсулдорлиги, гр.		Ўртача битта мева вазни, гр.
	НРК, кг/га	гўнг, т/га		гуллашгача	мевалашгача	пишишгача	1-теримгача	2-теримгача				палак вазни	мева ҳосили	
Волгоградский 5/95 навида (назорат)														
1.	$N_{150}P_{120}K_{75}$ (ст)	-	7,5	34	46	80	91	102	72	66	7,5	127	389	93
2.	$N_{200}P_{160}K_{100}$	-	7,8	35	46	81	93	103	75	72	7,9	136	402	95
3.	$N_{250}P_{200}K_{125}$	-	7,9	37	48	83	95	105	80	75	8,1	142	413	99
4.	Ўғитсиз	20 т/га	7,2	32	43	78	88	100	68	64	7,1	123	381	90
5.	$N_{150}P_{120}K_{75}$ (ст)	20т/га	7,7	36	47	81	90	103	74	73	8,0	134	396	96
6.	$N_{200}P_{160}K_{100}$	20т/га	8,0	39	50	83	94	105	79	78	8,4	145	419	100
7.	$N_{250}P_{200}K_{125}$	20т/га	8,1	40	52	84	96	106	83	80	8,7	150	432	104
Мустақиллик 28 навида														
8.	$N_{150}P_{120}K_{75}$ (ст)	-	6,2	32	43	76	88	99	79	71	7,8	132	406	106
9.	$N_{200}P_{160}K_{100}$	-	6,4	34	44	77	89	101	83	80	8,0	141	412	108
10.	$N_{250}P_{200}K_{125}$	-	6,7	35	47	80	91	103	87	83	8,4	145	420	111
11.	Ўғитсиз	20 т/га	6,0	30	41	73	86	105	76	67	7,3	127	393	102
12.	$N_{150}P_{120}K_{75}$ (ст)	20т/га	6,5	35	45	78	90	108	84	79	8,1	138	428	113
13.	$N_{200}P_{160}K_{100}$	20т/га	6,8	37	48	81	92	110	88	84	8,6	149	442	117
14.	$N_{250}P_{200}K_{125}$	20т/га	7,2	39	51	83	93	111	92	86	8,8	154	461	120

Помидор навларининг турли ўғит меъёрларида ҳосилдорлиги

№	Ўғит меъёрлари		Йиллар бўйича ҳосилдорлик, т/га		Ўрғача ҳосилдорлик, т/га	Шундан товар ҳосил		Назоратга нисбатан қўшимча ҳосил	
	НРК, кг/га	Гўнг, т/га	2020	2021		т/га	%	т/га	%
Волгоградский 5/95 навида (назорат)									
1.	$N_{150}P_{120}K_{75}$ (ст.)	-	23,8	20,6	22,2	21,1	90,0	-	100,0
2.	$N_{200}P_{160}K_{100}$	-	26,3	23,9	25,1	22,8	90,7	2,9	113,1
3.	$N_{250}P_{200}K_{125}$	-	29,5	25,3	27,4	25,1	91,5	5,2	123,4
4.		20 т/га	19,6	17,8	18,7	16,7	89,4	3,5	84,2
5.	$N_{150}P_{120}K_{75}$ (ст.)	20т/га	28,1	25,5	26,8	24,7	92,1	4,6	120,7
6.	$N_{200}P_{160}K_{100}$	20т/га	32,2	28,8	30,5	28,5	93,3	8,3	137,4
7.	$N_{250}P_{200}K_{125}$	20т/га	34,0	29,2	31,6	29,7	94,0	9,4	142,3
		ЭКФ ₀₅ =	2,2	1,3					
Мустақиллик 28 навида									
8.	$N_{150}P_{120}K_{75}$ (ст.)	-	34,2	31,0	27,6	25,1	91,1	5,4	100,0
9.	$N_{200}P_{160}K_{100}$	-	34,8	27,6	31,2	28,6	91,6	3,6	113,0
10.	$N_{250}P_{200}K_{125}$	-	37,9	30,1	34,0	31,4	92,3	6,4	123,2
11.		20 т/га	26,1	19,1	22,8	20,6	90,2	4,8	82,6
12.	$N_{150}P_{120}K_{75}$ (ст.)	20т/га	36,0	29,2	32,6	30,1	92,4	5,0	118,1
13.	$N_{200}P_{160}K_{100}$	20т/га	39,9	33,7	36,8	34,6	93,9	9,2	133,3
14.	$N_{250}P_{200}K_{125}$	20т/га	40,4	35,8	38,1	35,9	94,2	10,5	138,0
		ЭКФ ₀₅ =	1,8	2,0					

Excel дастури ёрдамида статистик қайта ишланди [4,5].

Объект сифатида ўрганилган помидор навларининг 1-репродукция уруғлари, 20т/га ярим чирган гўнг, $N_{150}P_{120}K_{75}$, $N_{200}P_{160}K_{100}$ ва $N_{250}P_{200}K_{125}$ кг/га меъёрлари олинди.

Ўғитлардан 20т/га ярим чирган гўнг, 75% фосфор, 50% калий меъёрлари шудгорда, 25% фосфор кўчат ўтказишда, 50% азот меъёри биринчи ишловда, 50% калий ва 50% азот меъёри иккинчи ишловда берилди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИНИНГ МУҲАКАМАСИ

Тадқиқот натижаларига кўра, помидор ўрганилган навларининг ўсиш ва ривожланишига ўғит меъёрлари сезиларли таъсир кўрсатди (1-жадвал). Стандарт Волгоградский-5/95 навида биринчи тупгулнинг жойлашиш баландлиги 7-8 чинбарг қўлтиғида бўлган бўлса, янги Мустақиллик-28 навида эса 6-7 чинбарг қўлтиғида бўлди. Айниқса, 20т/га гўнг + $N_{200}P_{160}K_{100}$ кг/га меъёрларда 1-тупгул навлар бўйича 7-8 чинбарг қўлтиқларида жойлашиб, гуллаш 2-5, мевалаш 2-4 кунга кечиккани, ўсув даври 3-4 кунга узайгани аниқланди.

Помидор ўрганилган навлари 20 т/га гўнг қўлланилган вариантда ўстирилганда кўчат ўтказилгач, 86-88 кунлари ҳосил 1-марта терилгани, 20т/га гўнг ва минерал ўғитлар $N_{150}P_{120}K_{75}$ кг/га меъёрда 90-куни, $N_{200}P_{160}K_{100}$ кг/га меъёрда 92-94-куни, $N_{250}P_{200}K_{125}$ кг/га меъёрда эса 93-96 кунлари ҳосил 1-марта терилган. Ушбу қонуният 2-теримда ҳам қайд этилиб, кўчат ўтқазилгач, 103-111 кунлари ўтқазилди. Ўғит меъёрларининг оширилиши, айниқса 20 т/га гўнг + $N_{200}P_{160}K_{100}$ кг/га меъёрда қўллаш помидор навлари ўсимликларининг баланд бўйли (79-83 ва 88-92 см), сербаргли (78-80 ва 84-86 дона), шохланган (8,4-8,8 дона) бўлиши натижасида бақувват палак (145-154 г) шаклланиб, юқори маҳсулдорлик 419-461 г. йирик мевалар 100-120 г. кузатилди (1-жадвал).

Помидор ўрганилган навларининг ҳосилдорлиги ўғит меъёрлари бўйича кескин фарқланади (2-жадвал).

Стандарт Волгоградский-5/95 нави ҳосилдорлиги тажриба вариантлари бўйича гектаридан 18,7дан 31,6 тоннагача ўзгариб, энг кам ҳосилдорлик 20 т/га гўнг қўлланилганда олинди. Минерал ўғитлар соф ҳолда $N_{150}P_{120}K_{75}$ кг/га вариантда ҳосилдорлик 22,2 т/га бўлиб, шундан товар ҳосил 21,1 т/га ёки 90% ни ташкил этди. Ўғит $N_{200}P_{160}K_{100}$ кг/га меъёрда ҳосилдорлик 25,1 т/га бўлиб, назорат вариантдан 2,9 т/га юқори бўлгани, $N_{250}P_{200}K_{125}$ кг/га меъёрда эса, ҳосилдорлик 27,4 т/га бўлиб, 5,2 т/га қўшимча ҳосил олингани кузатилди.

Органик ва минерал ўғитлар биргаликда қўлланилганда энг юқори ҳосилдорлик 30,5 т/га, шунинг 28,5 т/га ёки 93,3%и товар ҳосил бўлиб, қўшимча 8,3 т/га (137,4%) ҳосил 20 т/га гўнг + $N_{200}P_{160}K_{100}$ кг/га вариантда қайд этилди. Минерал ўғит меъёри $N_{250}P_{200}K_{125}$ кг/га гача оширилганда ҳосилдорлик ошди, лекин тажриба хатоси ичида бўлди.

Юқоридаги қонуният помидор янги Мустақиллик-28 навида ҳам кузатилди. Лекин, ҳосилдорлик кўрсаткичлари юқори бўлиб, вариантлар бўйича гектаридан 22,8-38,1 тоннагача ташкил этди. Энг юқори ҳосилдорлик (36,8 т/га), шундан товар ҳосил 34,6 т/га ёки 93,9% ўғитлар 20т/га гўнг + $N_{200}P_{160}K_{100}$ кг/га биргаликда қўлланилганда олинди. Шунда қўшимча ҳосилдорлик 9,2 т/га (133,3%)ни ташкил этди.

ХУЛОСАЛАР

Қашқадарё вилояти суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида помидор Волгоградский-5/95 ва Мустақиллик-28 навларини ўғитларни 20 т/га гўнг + $N_{200}P_{160}K_{100}$ кг/га меъёрда биргаликда қўллаш ўстириш орқали ўсимлик қулай ўсиши ва ривожланиши, мақбул барг сатҳи, бақувват ва маҳсулдор палаклар шаклланиб, юқори ва сифатли (30-35 т/га) ҳосилдорликни таъминлар экан.

АДАБИЁТЛАР

1. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачилик справочниги. А.И.Нуриддинов, А.Б.Боқиев, Н.С.Бакурас ва бошқалар таҳрири остида. Тошкент. Меҳнат. 1987.-Б.280.

2. В.И.Зуев, А.Г.Абдуллаев. Сабзавот экинлари ва уларни етиштириш технологияси. Тошкент. Ўзбекистон. 1997.-Б.332.
3. Т.Э.Остонақулов, В.И.Зуев, О.Қ.Қодирхўжаев. Мевачилик ва сабзавотчилик (Сабзавотчилик). Тошкент. Наврўз. 2019.-Б. 552.
4. Б.Ж.Азимов, Б.Б.Азимов. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси. Тошкент.: -2002.-Б.181-187.
5. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. –М.: “Агропромиздат”.- 1985. – С.351.
6. Т.Э.Остонақулов, О.Х.Муратов. Сорты и гетерозисные гибриды томата для повторной культуры. Ж.Картофель и овощи. Москва. 2021. №2. С.16-18.

РОСТ, РАЗВИТИЕ И УРОЖАЙНОСТИ СОРТОВ ТОМАТА В ЗАВИСИМОСТИ ОТ НОРМ УДОБРЕНИЙ

Аннотация. В статье рассматриваются результаты изучения влияния различных норм удобрений на рост, развитие и урожайность сортов томата Волгоградский 5/95 и Мустакиллик-28. Установлено, что внесение удобрений в нормах 20 т/га навоза и N200P160K100 кг/га способствует формированию высокорослой, мощной ботвы у изученных сортов томата с оптимальной листовой поверхностью и в итоге был получен наивысший урожай не менее 30-35 т/га.

Ключевые слова: сорта томата, нормы удобрений, рост, продуктивность, товарный урожай, прибавка урожая.

GROWTH, DEVELOPMENT AND PRODUCTIVITY OF TOMATO VARIETIES DEPENDING ON THE NORMS OF FERTILIZERS

Annotation. The article discusses the results of studying the effect of various fertilizer rates on the growth, development, and yield of tomato varieties Volgogradsky 5/95 and Mustakillik-28. It has been established that the application of fertilizers at the rate of 20 t/ha of manure and N200P160K100 kg/ha contributes to the formation of tall, powerful tops in the studied tomato varieties with optimal leaf surface and, as a result, the highest yield of at least 30-35 t/ha was obtained.

Key words: tomato varieties, fertilizer rates, growth, productivity, marketable yield, yield increase.

УЎТ: 635.21:631.52:631.51

Т.Э.ОСТАНАҚУЛОВ, Х.И.САИДУРАДОВ, С.Т.ТОШПЎЛАТОВА

ҚАШҚАДАРЁ ҲУДУДИДА ЭРТАГИ КАРТОШКАДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНING АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада картошка ўртатезпишар *Sylvana* ва *Saviola* навларини эртаги экин сифатида турли муддатларда экиш ва мульчалаш турларида ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини ўрганиш натижалари келтирилган. Экишни январ ойи иккинчи ярми-февраль ойи биринчи декадасида амалга ошириб, гектарига 5-8 тонна эланган гўнг ва плёнка билан мульчалаш ўсимликнинг жадал суръатларда қулай ўсиши (74,6-87,0 см), барг аппарати шакллантириши (тупда 0,74-0,87 м²) ва эни кўп ҳосил (28-30 т/га ва зиёд) эртаги муддатларда (1 июнгача) картошка *Sylvana* ва *Saviola* навлари таъминлар экан.

Калит сўзлар: картошка навлари, экиш муддатлари, тупрокни мульчалаш, ўсув даври, ўсимлик бўйи, барг сатҳи, маҳсулдорлик, товар ҳосил.

КИРИШ

Республикамизнинг жанубий Қашқадарё вилояти тупроқ-клим шароити қишнинг илқлиги, ҳатто январ-феврал ойларида ҳароратнинг 3,3-6,2°C дан юқорилиги, асосий ёгингарчиликлар миқдорининг 60-65% и январь-апрель ойларида тушиши, иссиқлик, ёруғлик ва сунъий суғориш имкониятлари эртаги картошкадан юқори ва сифатли ҳосил олишга шароит беради.

Картошкани эртаги экин сифатида ўстириб, барвақт ҳосил олиш кўп жиҳатдан экин мослашган маҳсулдор навларини танлашга, уруғлик туганакларни экишолди тайёрлаш технологияси ва қулай экиш муддатларини белгилаш ҳамда мульчалаш

турларига боғлиқ [4,5,6].

Шуни ҳисобга олиб, биз Қашқадарё вилояти Қарши тумани Боғобод МФЙ Парғўза қишлоғи Иноқ Абдуллаев томорқа хўжалиги суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида дала тажрибаси ўтқаздик.

ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАДИ

Муайян шароитда картошка *Sylvana* ва *Saviola* ўртатезпишар навларини турли экиш муддатларида ва мульчалаш турларида ўстириб, ўсиши, ривожланиши, маҳсулдорлиги, умумий ва товар ҳосилдорлиги бўйича баҳолаш асосида қулай экиш муддати ва мульчалаш турини белгилашдан иборат.

МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

Эртаги картошка Saviola ва Sylvana навларининг ўсиши, ривожланиши ва маҳсулдорлигига экиш муддатлари ва мульчалаш турларининг таъсири (2020-2021 йиллар)

№	Тажриба вариантлари		Saviola навида					Sylvana навида								
	Экиш муддати	Мульчалаш тури	Даврлар, кун ҳисобида		Ўсимлик бўйи, см (10-15.04)	Поя сони	Бир ўсимлик барг сатҳи, м ²	Бир гул		Даврлар, кун ҳисобида		Ўсимлик бўйи, см (10-15.04)	Поя сони	Бир ўсимлик барг сатҳи, м ²	Бир гул	
			экиш-униб чиқиш	ўсув даври				палак вази, г	тутанақ вази, г	экиш-униб чиқиш	ўсув даври				палак вази, г	тутанақ вази, г
1	15-18.01	Мульчасиз (наз.)	28	84	70,8	4,1	0,61	320	507	27	82	24,5	4,0	0,64	345	624
Гўнг		25	86	79,6	4,3	0,74	352	601	24	85	30,1	4,2	0,83	370	656	
Плёнка		24	85	88,3	4,5	0,80	375	645	23	84	32,6	4,3	0,88	391	665	
2	30.01-05.02	Гўнг+плёнка	21	88	84,0	4,3	0,81	382	658	20	86	33,8	4,1	0,86	405	678
Мульчасиз (наз.)		25	83	65,2	4,0	0,55	315	496	21	82	22,6	3,8	0,58	336	602	
Гўнг		22	85	75,1	4,2	0,70	344	592	20	84	28,4	4,0	0,76	349	643	
3	15-20.02	Плёнка	21	85	78,8	4,2	0,75	370	611	19	84	30,9	4,1	0,82	385	658
Гўнг+плёнка		20	87	80,0	4,0	0,76	374	619	18	85	31,8	4,0	0,80	392	665	
Мульчасиз (наз.)		22	82	60,6	4,0	0,46	304	418	20	82	20,5	3,6	0,53	319	566	
4	2-7.03	Гўнг	20	85	70,1	4,0	0,54	330	510	18	84	28,7	4,0	0,65	337	604
Плёнка		20	85	73,6	4,1	0,65	350	570	17	83	30,4	4,1	0,76	365	609	
Гўнг+плёнка		18	87	74,8	4,0	0,66	360	586	17	85	31,7	3,9	0,74	378	617	
5		Мульчасиз (наз.)	21	82	59,1	4,0	0,43	297	401	19	81	18,8	3,7	0,51	305	549
Гўнг		18	84	68,0	4,2	0,50	314	492	16	83	25,6	3,9	0,62	312	593	
Плёнка		17	84	67,3	4,0	0,62	338	548	15	82	28,7	4,0	0,73	346	602	
6		Гўнг+плёнка	15	85	71,2	4,3	0,65	345	561	14	84	30,2	4,0	0,70	358	614

Дала тажрибаларида картошка ўртатезпишар Sylvana ва Saviola навлари 4 та муддатларда (15-18, 30.01-05.02, 15-20.02 ва 2-7.03 (назорат) кунлари экилиб, ҳар бир муддатда 4 хил мулчалаш турлари - мульчасиз (назорат), гўнг, плёнка ва гўнг + плёнка билан мульчалашлар) ўрганилди.

Экиш тартиби 90x20 см бўлиб, делянанинг майдони навлар бўйича 144 м², мульчалаш бўйича 36 м², такрорлар сони 4 та бўлди.

Тажриба участкасида барча ишлар – экиш, парваришlash тадбирлари, кузатиш, ўлчаш, ҳисобlash, йиғиш кабилар умумқабул қилинган услуб ва тавсиялар асосида ўтказилди [1,2,3,7,8].

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАР ВА УЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИ

Ўтказилган кузатишларга кўра, эртаги картошка синалган навлари 15-18 январда экилганда тез ва қийғос униб чиқиш (31-32 - кунлари ёки мульчасиз вариантга нисбатан 3-7 кун олдин) гўнг+плёнка билан мульчаланганда кузатилди(1-жадвал). Лекин, 2021 йилда мульча турига қарамасдан кўкариб чиққан ўсимликлар совуқ таъсирида нобуд бўлди ва қайта кўкариб ўсиш ва ривожланишини кейин давом эттирди.

Экиш 30.01-5.02 муддатда ўтказилганда мульчасиз (стандарт) вариантда униб чиқиш Saviola навида 25-куни, Sylvana навида эса 21-куни кузатилди. Гўнг билан мульчаланганда эса, тегишли равишда, 22 ва 20-кунлари, плёнка билан мульчаланганда эса 20 ва 19-кунлари, яъни навлар бўйича 2-5 кун эрта униб чиқиш кузатилди.

Экиш 15-20 февралда ўтказилганда мульчалаш самараси камайиб, униб чиқиш ўрганилган навлар бўйича 2-3 кунгача тезлашгани маълум бўлди.

Картошка ўрганилган навларида эрта муддатларда (30.01-5.02) экиш ва гўнг ҳамда плёнкалар билан мульчалаш эвазига ўсимликнинг ўсув даври навлар бўйича 2-4 кунгача узайганлиги аниқланди.

Картошка ўртатезпишар Sylvana нави 30.01-5.02 муддатда мульчасиз (назорат) экилганда ўсимлик бўйи ўсув даври бошида (10-15.04) 24,5 сантиметрни, мульчаланган вариантларда эса 30,1-33,8 сантиметрни ёки 8,1-11,6 сантиметр зиёдни ташкил этди. Ушбу ўсимликнинг баланд бўйли бўлиш қонунияти ўсув даври давомида сақланиб, охириги ўлчашда (20-25.05) тегишли равишда 70,8 ва 79,6-84,0 ёки 9,8-15,2 сантиметр бўлди.

Бошқа ўрганилган экиш муддатлари ва тезпишар Saviola навида ҳам худди шундай қонуният кузатилди.

Синалган картошка навлари эрта (30.01-5.02) экилганда ўсимликнинг бўйи кеч (2-7.03муддатда) экилганга нисбатан мульчасиз вариантда 8,3-10,2 сантиметрга, мульчаланган вариантларда эса 6,6-10,0 сантиметрга баланд бўйли бўлди.

Эртаги картошка навларининг поя ҳосил қилишига экиш муддатлари ва мульчалаш турларининг таъсири сезилмади, лекин Sylvana нави ҳар бир тупда 4,0-4,5, Saviola нави эса – 3,6-4,3 донани ташкил этди.

Эртаги картошка ўрганилган навлари тупи барг сатҳининг ўзгаришига экиш муддатлари ва мульчалаш турларининг таъсири сезиларли бўлиб, эрта 30.01-5.02 муддатда экилганда ўрганилган ўртатезпишар навлар мульчасиз вариантдаги ўсимлик барг сатҳи ўсув даври бошида (10-15 апрелда) 0,18-0,21 м² ни ташкил этган.

Тупнинг мульчаланган вариантларда барг сатҳи шакллантиришдаги ўсув даври бошидаги устунликлари охиригача сақланиб, юқори барг сатҳи мульчалашда гўнг+плёнкадан фойдаланилганда қайд этилди.

Картошкани кеч 2-7 мартда экиш амалга оширилганда мульчасиз (назорат) вариантда навлар бўйича ўсув даври бошида (10-15.04) 0,12-0,15, мульчаланган вариантларда эса 0,25-0,26 м² барг сатҳи ҳосил қилиб, унинг шаклланиши жадал суръатларда 10-15.05 гача кечди. Сўнгра барг сатҳи шаклланиши ўрганилган навларда сусайди. Ўсув даври охирида эрта (30.01-5.02 муддатда) мульчасиз экилганда ўрганилган навларда 0,55-0,64 м², гўнг билан мульчаланганда тегишли равишда 0,70-0,86 м², плёнка билан мульчаланганда 0,78-0,86 м², гўнг+плёнка билан мульчаланганда эса энг юқори 0,81-0,93 м² барг сатҳи ҳосил қилган.

Экиш кечиктирилиб, 2-7 мартда ўтказилганда ўсимлик барг сатҳи мульчасиз вариантда 0,43-0,53 м² дан, мульчаланган вариантларда эса 0,50-0,76 м² дан ошмади.

Эртаги картошка етиштиришда тупроқни турли материаллар билан мульчалаш тупроқ ҳароратини ошириш билан бирга намлик миқдори кўпайишини ҳам таъминлайди, айна вақтда экиш муддатини кечиктириб юборишда тупроқ намлиги кам бўлишига ва бу эса картошканинг кейинги ўсиш ва ривожланишига салбий таъсир этади.

Эртаги картошка синалган навларида турли экиш муддатлари ва мульчалаш турларининг палак, илдиэ массаси ва туганак шаклланишига таъсири ўрганилганда, мульчалаш эвазига палак вазнининг ошиб бориши, экиш муддати кечикиши билан палак вазнининг камайиб бориши бўйича қонуният ўрганилган барча картошка навларида кузатилиб, ўсув даврининг охиригача сақланди.

Ўсув даври охирида 20-25 майда бир туп палак вазни 30.01-5.02 муддатда экилганда мульчасиз вариантда *Sylvana* навида - 345, *Saviola* навида - 320 граммни, мульчаланган вариантлар-

да навлар бўйича тегишли равишда 352-370;375-391;382-405 граммни ташкил этди.

Экиш кеч, яъни 2-7 мартда экилганда эса бу кўрсаткичлар нисбатан кичик бўлиб, мульчасиз вариантда бир туп палак вазни *Sylvana* навида - 305, *Saviola* навида - 297 граммни, мульчаланган вариантларда эса навлар бўйича тегишли равишда 312-314,338-346,345-358 грамм бўлди.

Картошка ўртатезпишар *Sylvana* нави эрта 30.01-5.02 муддатда экилганда мульчасиз (назорат) вариантда ҳосилдорлик гектаридан 25,3 тоннани, чириган гўнг билан мульчаланганда 28,0 тоннани, плёнка билан мульчаланганда 31,1 тоннани, гўнг+плёнка билан мульчаланганда 32,9 тоннани таъминлаб, мульчалаш турлари гектаридан 2,7-7,6 тонна кўшимча ҳосилдорликни таъминлади. Бу кўрсаткич *Saviola* навида гектаридан 2,2-6,4 тоннани ташкил этди.

Энг юқори ҳосилдорлик ўрганилган навларда (29,7-32,9 т/га) экиш 30.01-5.02 муддатда ўтказилиб, гўнг+плёнка билан мульчаланганда олинди. Энг паст ҳосилдорлик (19,0-19,6 т/га) экиш кеч, яъни 2-7 мартда мульчасиз экилганда қайд қилинди.

ХУЛОСАЛАР

Жанубий Қашқадарё вилояти суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида эртаги картошка ўртатезпишар *Sylvana* ва *Saviola* навларини эрта январ ойи охири феврал ойи бошида экиб, гўнг ва плёнка билан мульчалаш орқали тупроқ ҳарорати ва намлик режимини бошқариш билан ўсимликнинг барвақт ўсиш ва ривожланишига қулай шароит яратиб, баланд бўйли (74,6-87,0 см), барг сатҳили (0,74-0,88 м²), бақувват палакли (352-405 г) бўлиб шаклланди. Натижада ҳар гектаридан 28,3-30,9 тоннадан ошириб, барвақт (1 июнгача) ва сифатли ҳосил олиш имконини берар экан.

АДАБИЁТЛАР

1. Азимов Б.Ж., Азимов Б.Б. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси. Тошкент.2002.-Б.181-185.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. Москва.1985.-С.280-289,
3. Методика исследований по культуре картофеля(ВНИИКХ). Москва.1967.-С.210.
4. Зуев В.И., Абдуллаев А.Ф. Сабзавот экинлари ва уларни ўстириш технологияси. Тошкент.1997.-Б.336.
5. Остонақулов Т.Э. Сабзавотлар етиштириш технологияси.Тошкент.2003.-Б.400.
6. Остонақулов Т.Э., Зуев В.И., Қодирхўжаев О.Қ. Мева-сабзавотчилик(Сабзавотчилик). Тошкент.2019.-Б.552.
7. ЎзР ҳудудиде экишга тавсия этилган экинлар Давлат реестри.Тошкент.2021.-Б.103.
8. Қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш ва ҳосилини йғиш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган технологик хариталар.Тошкент.ҚХВ.2016.-Б.203.

ОСНОВНЫЕ ЭЛЕМЕНТЫ ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ ВЫСОКИХ УРОЖАЕВ РАННЕГО КАРТОФЕЛЯ В РЕГИОНЕ КАШКАДАРЬИ

Аннотация. В статье изложены результаты изучения роста, развития и урожайности среднеранних сортов картофеля *Sylvana* и *Saviola* в зависимости от сроков весенней посадки и видов мульчирования почвы. Выявлено, что посадка второй половины января - первая декада февраля и мульчирование почвы 5-8 т/га навозом и светопрозрачной пленкой способствуют для оптимального роста (74,6-87,0 см), формирования листового аппарата(0,74-0,87 м² с куста) и наибольшего урожая (не менее 28-30 т/га) картофеля у сортов *Sylvana* и *Saviola* в ранние сроки(1 июня).

Ключевые слова: картофель, сорта, сроки посадки, мульчирование почвы, вегетационный период, высота растений, листовая поверхность, продуктивность, товарный урожай.

THE MAIN ELEMENTS OF TECHNOLOGY FOR OBTAINING HIGH YIELDS OF EARLY POTATOES IN THE KASHKADARYA REGION

Annotation. The article presents the results of studying the growth, development and yield of medium-early potato varieties *Sylvana* and *Saviola*, depending on the timing of spring planting and types of soil mulching. It was found that planting the second half of January, the first ten days of February and mulching the soil with 5-8 t/ha with manure and a transparent film contribute to optimal growth (74.6-87.0 cm), the formation of a leaf apparatus (0.74-0.87 m² from bush) and the highest yield (at least 28-30 t/ha) of potatoes in *Sylvana* and *Saviola* varieties in early terms (June 1).

Key words: potatoes, varieties, planting dates, soil mulching, growing season, plant height, leaf surface, productivity, marketable yield.

УЎТ: 635.61:631.52:631.51

М.Х.ҲАКИМОВА, Т.Э.ОСТОНАҚУЛОВ, Д.М.УМИРОВА

ЎТА ЭРТАГИ МУДДАТДА ЭКИЛГАН ТАРВУЗ ДУРАГАЙЛАРИНИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ, ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА ҚАНТДОРЛИГИ

Аннотация. Мақолада вақтинчалик плёнка билан ҳимояланган майдонлар шароитида тарвуз нав-дурагайларининг ўсиши, ривожланиши, маҳсулдорлиги, ҳосилдорлиги ва мева сифатини ўрганиш якунлари келтирилган. Энг юқори (159.6-196.4 ц/га) эртаги ҳосил, сифатли 7,0 -7,6 % қантдорлик билан тарвуз Montana F₁, Talisman F₁, Dolby F₁, Hollar F₁, Super crimson F₁ гетерозисли дурагайларидан олингани қайд этилган.

Калит сўзлар: тарвуз, нав ва дурагайлари, кўчатлари, плёнкали ҳимояланган майдон, ўсиш, маҳсулдорлик, қантдорлик.

КИРИШ.

Республикада ҳар йили 60 минг гектардан зиёд майдонга полиз экинлари экилиб, шунинг 60-65% ини тарвуз эгаллайди. Тарвуз халқимизнинг асосий озиқ овқат маҳсулотларидан бири ҳисобланиб, унинг меваси эти ва ширасидан камқонликни даволаш, яллиғланишга қарши ва ўт суюқлигини ҳайдовчи кучли, атеросклероз, моддалар алмашинуви бузилиши, жигар ва юрак-қон томир тузилиши касалликларини даволашда фойдаланилади. У одам организмни захарли моддалар ва шлаклардан тозалайди, холестерин ажралиб чиқишига ёрдамлашади. Таркибида А, С, Е ва В гуруҳ витаминлари, магний, кальций, фосфор, темир, натрий кабиларни, 5-13 фоизгача қанд сақлайди. Ундаги ликопин моддасининг мавжудлиги турли нурланишларга, жумладан ультрабинафша нурларига қарши курашишда организмга ёрдам беради [2,5,6].

Республика Давлат реестрида тарвузнинг 53 та навлари, шунинг 16 таси маҳаллий, қолганлари четдан келтирилган нав ва дурагайлардир. Улар асосан кечпишар ва ўртапишар бўлиб, тезпишар навлардан - Мраморный-2159, Деҳқон, Фермер, Ўзбекский 452 навлари мавжуд [4,7].

Эртаги ва узлуксиз тарвуз ҳосили етиштиришда муайян тупроқ-иқлим шароитига мослашган, тезпишар, стресс омилларга чидамли, жадал ҳосил шакллантирадиган, сифатли ташилувчан, сақланувчан нав ва гетерозисли нав-дурагайларни танлашга, тупроқни мулжалаш, экинни кўчатдан экиш, вақтинча плёнка остида ўстириш, ҳимояланган иссиқхоналарда етиштириш каби агротехнология тадбирларини ишлаб чиқишга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Республикада жанабий Қашқадарё вилояти эртаги тарвуз етиштиришга ихтисослашган бўлиб, маҳсус ихтисослашган кластер ва фермер хўжаликлари ташкил этилган, етарли тажрибага эгаллиги билан ажралиб туради. Мазкур шароитда эртаги тарвуз етиштиришни кўпайтириш ва ҳосилдорлигини оширишда мосланувчан, жадал шаклланувчи, ноқулай шароитларга, касаллик ва зараркунандаларга чидамли гетерозисли дурагайларни ажратиш, уларни ўстиришнинг маҳсус усуллари ҳамда агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича изланишлар ўтказиш илмий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Шуни ҳисобга олиб, биз Чироқчи тумани Холмирза Муродов томорқа хўжалиги оч тусли бўз тупроқлари шароитида маҳсус дала тажрибаси ўтқаздик.

ТАЖРИБАНИНГ МАҚСАДИ

Вилоятнинг шартли суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари

шароитида тарвуз тезпишар гетерозисли дурагай ва навларини плёнка остида ўстириб, ўсиши, ривожланиши, ҳосил тўплаши, касаллик-зараркунандаларга чидамлилиги, умумий ва товар ҳосилдорлиги бўйича баҳолаб, истиқболлиларини ажратиш ҳамда ўстириш агротехнологиясининг асосий элементлари-кўчат тайёрлаш, экиш тартиби ва қалинлигини ишлаб чиқишдан иборат.

МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

Тажрибада тарвузнинг тезпишар Деҳқон (UZ, 2009), Фермер (UZ, 2010) навлари, Dolby F₁ (NL, 2006), Hollar F₁ (NL, 2021), Red Star F₁ (NL, 2018), Talisman F₁ (NL, 2018), Montana F₁ (NL, 2019), Krimstar F₁ (JP, 2005), Oriji F₁ (NL, 2018) гетерозисли дурагайлари ўрганилди. Барча кузатиш, ўлчаш, ҳисоблаш ва таҳлиллар умумқабул қилинган услублар ва тавсиялар асосида олиб борилди [1,3].

Кўчатлар маҳсус хандакларда (чуқурлиги 0.8 м, кенлиги 1.0-1.2 м узунлиги ихтиёрий) етиштирилди. Улар ичига 15-20 см қалинликда гўнг, устига 20 см қалинликда тупроқ солинди ва плёнка тортилиб, ҳар 10х10 см ораликда тешиб чиқилди. Стаканчаларга (ҳажми 10х10 см) 40% гўнг+ 40% тупроқ+20% биогумус ёки ёғоч қириндиси солиниб, яхшилаб суғорилди. Сўнгра 4 февралда биттадан уруғ ташланиб, 2 см қалинликда чиринди солиниб, кўмилди. Стаканчалар шундан сўнг хандакларга жойлаштирилиб, устига симдан ёйлар ясалиб, плёнка билан ёпилди. Иссиқликни сақлаш учун икки қаватли термос шаклида ёпилиб, ёритилиб, электр иситгичлар билан иситилиб турилди. Униб чиқишга ҳарорат 22-23°C, кечаси 12-14°C, униб чиққандан сўнг 16-18°C бўлди. Кўчатхона (хандак) да кўчатлар 2 марта, 1-март 1-2 чинбарглик даврида 10 л сувга 13-15 кг азотли, 18-20 грамм фосфорли, 15-20 грамм калийли ўғитлар ёки NPK-18 лик кристалони 10 грамм солиниб, 3-3.5 м² га сепилди. Орадан 10-12 кун ўтгач юқоридаги ўғитлар меъёридан 2 марта кўпроқ қўшилиб ёки NPK-20 лик кристалони 10 грамм 10 литр сувга аралаштирилиб, озиклантирилди.

Кўчатлар далага ўтказишга 5-7 кун қолганда плёнка кундузи очилиб, чиниктирилди. Шундан кейин ёши 30-40 кунлик 3-4 чинбаргли кўчатлар плёнкалар остига 19 мартда 50 см схемада экилди. Кўчат ўтқазишда ҳар бир уяга бир қошиқдан аммофос солиниб, экилиб, суғорилди.

